30 НОЯ 1991

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی 1991

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

29 НОЯБРЬ, № 48 (3152) ЖУМА

29 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ КУНИ

ЯНГИ ЙЎЛ БОШИДА

Сўнгги йилларда жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олмоқда, афкор омма онгида миллий уйғониш, ўз-ўзини англаш жараёнлари кечмоқда.

29 декабрь куни Ўзбекистон Президенти халқимиз тарихида илк бор умумхалқ томонидан сайланади. Ҳозирча президентлик лавозимига номзодликка икки киши

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Касаба уюшмасидан Ислом Каримов ҳамда «Эрк» Демократик партиясидан Муҳаммад Солиҳ (С. Мадаминов) кўрсатилди ва расман рўйхатга олинди.

Шу кунларда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан йиғилишлар, митинглар бўлиб ўтмоқда, қизғин фикрлар билдирилмоқда. Яқин кунларда номзодларнинг ҳаракат дастурлари эълон қилингач, масала янада ойдинлашади. Фақат бир нарсани ҳозирдан аниқ айтиш мумкинки, Президент сайлови халқимиз учун янги жараён, янги воқелик. Энди ҳар бир фуқаро номзод танлаш ва умумхалқ сайловида иштирок этиш орқали мустақил Ўзбекистонимизнинг бундан кейинги тараққиётини бошқаришда бевосита фаол қатнашади. Бу эса ҳар биримизнинг зиммамизга жумҳуриятимизнинг эртанги куни учун жавобгарлик масъулиятини юклайди. Ҳар биримизни аниқ фикрлашга, холис ва ҳалол бўлишга даъват этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси X қурултойининг иккинчи босқичи

УЮШМА РАҲБАРИЯТИ САЙЛАНДИ

Маълумингизким, Ўзбекистон ёзувчиларининг X қурултойи ўз ишини якунламаган, Ёзувчилар уюшмасининг раҳбар органларини сайламаган эди. Ташкилий масалаларни

қурултойнинг иккинчи босқичида кўриб чиқиш мўлжалланганди. Кеча Тошкентдаги Киночилар уйида қурултойнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Уни республика ёзувчилари X қурултойини ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло қисқача кириш сўзи билан очди.

— Қурултойнинг биринчи босқичида турли сабабларга кўра ташкилий масала ҳал қилинмай қолганлиги тўғри, — деди у. — Жумладан, ўшанда Одил Ёқубов ҳам уюшма раислигига қўйилган ўз номзодини қайтариб олиб, истеъфо берган эди. Шунинг учун эндиликда уюшма раҳбариятини тўла таркибда янгидан сайлаш лозим. Қурултойда 450 дан ошиқ ижодкорлар қатнашмоқда. Бу сайлов ўтказиш учун тўла ҳуқуқ беради.

Қурултой қатнашчилари Одил Ёқубовга уюшма раислигига қўйилган номзодини олган ёки олмаганлиги, истеъфо берган ёки бермаганлиги тўғрисидаги савол билан мурожаат қилишди. Одил Ёқубов, ҳақиқатан ҳам ўз номзодини қайтариб олганлигини, уюшма раислигидан истеъфо бериб кетганлигини, эндиликда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида атамашунослик қўмитасида ишлаётганлигини айтди.

Қурултойга раислик қилувчи Шукрулло Ёзувчилар уюшмаси бугунги иқтисодий жиҳатдан қийин шароитда тажрибали ижодкорларнинг ёрдамига муҳтожлигини таъкидлаб, Одил Ёқубовни уюшмага фахрий раисликка сайлаш тўғрисида таклиф киритди. Бу таклифни қурултой иштирокчилари бир овоздан маъқуллади ва Одил Ёқубов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий раиси қилиб сайланди.

Шундан кейин уюшма раҳбариятиниқ тўрт кишидан иборат тарзда очиқ овоз бериш йўли билан сайлашга келишилди. Раҳбар органларини Низомда кўрсатилгандек раёсат — раис ва унинг муовинлари шаклида эмас, котибият — биринчи котиб ва котиблар тарзида сайлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Биринчи котиблик учун ижодкорлардан Жамол Камол, Йўлдош Сулаймон, Нурали Қобул, Абдусаид Кўчимов, Тўра Мирзо номзодлари кўрсатилди. Й. Сулаймон, А. Кўчимов, Т. Мирзо ўз номзодларини қайтариб олдилар. Н. Қобул қурултой ишида қатнашмаётганлиги учун номзоди сайловга қўйилмади. Шундан сўнг Жамол Камол кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби қилиб сайланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиблигига А. Кўчимов, Э. Охунова, Ш. Исаҳонова, Г. Нуруллаева, Т. Малик, М. Мирзаев, А. Иброҳимов, З. Аълам номзодлари кўрсатилди. Уларнинг айримлари ўз номзодларини қайтариб олдилар. Қурултойда кўпчилик овоз билан Гулчеҳра Нуруллаева, Абдусаид Кўчимов, Мирпўлат Мирзаев Ёзувчилар уюшмасининг котиблари этиб сайландилар.

Қурултойда санъатшунос олим Бахриддин Насриддинов 1946 йилда Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ВКП(б)нинг конференцияси бўлиб ўтиб, унда кўплаб ижодкорлар, «панисломист», «пантуркист» сифатида ноҳақ қораланганлигини, бу қарор ҳамон ўз кучида қолиб келганлиги сабабли уни қурултой номидан бекор қилиш зарурлиги ҳақида таклиф киритди. Таклиф маъқулланди. Шоир Азим Суюн Ўзбекистон ёзувчилари X қурултойи қатнашчиларининг Ўзбекистон республикаси Президенти И. Каримовга мурожаатини ўқиб эшиттирди. (Мурожаат ва қурултой ҳақидаги бошқа ҳужжатлар ҳафталигимизнинг кейинги сонида эълон қилинади).

Шу билан X қурултойнинг иккинчи босқичи ўз ишини якунлади. Қурултой ишида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Эркин Самандаров иштирок этди.

МУСИҚА НАВОИЙНОМАСИ

Буюк мутафаккир Алишер Навоийга бағишланган «Алишер Навоий ва мусиқа санъати» Бутуниттифоқ илмий-назарий анжумани кеча ниҳоясига етди. Анжуманни Ўзбекистон Маданият вазирлиги, жумҳурият композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ҳамда Ҳамза номидаги санъатшунослик институти ҳамкорликда ўтказди. Унда қатор мустақил жумҳуриятлардан келган таниқли мусиқашунос олимлар ҳам иштирок этдилар.

Анжуманни Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Жабборов очди. Филология фанлари номзоди С. Ғаниева «Навоийнинг прозадаги моҳирлиги» маърузаси билан анжуманнинг илмий-назарий қисмини бошлаб берди. Сўнг санъатшунослик доктори Т. Ғафурбеков «Алишер Навоий мусиқий-ижодий жараён ҳақида», санъатшунослик номзодлари О. Матёқубов «Алишер Навоийнинг мусиқий олами», Р. Юнусов «Мақомларда Навоий шеърияти», А. Назаров «Навоийнинг мусиқий тафаккури», Д. Одилхўжаева «Хамса» — мусиқа манбаи», А. Жумаев «Навоий даврида мусиқа санъатидаги эстетик принциплар, О. Малькеева «Навоий давридаги мусиқа чолғулари» мавзуларида қизиқарли маърузалар қилдилар. Тожикистонлик З. Тожикова, Қ. Қурбонов, қозоғистонлик С. Аёзбоева ва бошқа жумҳуриятлардан келган таниқли мусиқашунослар ҳам сўзга чиқдилар.

— Навоий йилида бундай анжуманнинг ўтказилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга, — дейди туркманистонлик мусиқашунос олим Шоҳим Гуллиев. — Бизда бахшилар томонидан севиб айтиладиган «Навоий» қўшиғи бор. Ҳатто бу мусиқа сеҳридан беморларни даволашда ҳам фойдаланилади. Шунингдек, бахшилар «Султон Ҳусайн Бойқаро» достонини ҳам узоқ йиллардан буён мароқ билан куйлаб келадилар. Унда махсус «Мир Алишер» қисми бўлиб, у юксак пардаларда куйланади. Шундай экан, Алишер Навоийнинг фақат адабий мероси эмас, балки мусиқий олами ҳам туркий халқларнинг бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Ва бу улуғ руҳ ҳамиша бизларни бирликка, ҳамжиҳатликка, дўстликка даъват этиб туради.

Анжуман кунларида ўзбек классик мусиқаси ва камер асарларидан тузилган махсус концерт берилди. Унда таниқли ҳофизлар ва ижодий жамоалар қатнашдилар. Хулоса қилиб айтганда, бундай йирик анжуманнинг ўтказилиши мусиқа навоийномасида қўйилган биринчи дадил қадамдир. Иложи бўлса уни ҳар йили ўтказиб туриш лозим. Шунда Навоийнинг мусиқа оламини янада теранроқ кашф этиб боравeрамиз.

СУРАТЛАРДА: анжумандан лавҳалар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

САНЪАТ АРБОБЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллар давомида миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансинлар:

МУҲАММАДЖОНОВ Зокир (Зикир) — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри актёри

РАҲИМОВ Наби — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри актёри

САИДҚОСИМОВ Пўлат — Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри актёри

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1991 йил, 23 ноябрь

НИГОРАНИНГ НИЯТИ

Биринчи мўъжиза

Бундан беш-олти йил муқаддам миллий туйғулар, айниқса санъат соҳасидаги миллийлик уруғлари куртак ота бошлаганидан ҳаммамиз севинган эдик. Бу ёруғ кунларни яна қора булутлар тўсиб қолмасин, дея илтижолар қилгандик. Шукрким, бу ёруғлик қуёшнинг чароғон нурларига йўғрилиб кетди. Мусиқа санъатимизнинг ана шундай ёруғ нуқталаридан бири — Тошкент консерваториясининг мусиқаси кафедраси Давлат Шарқ ҳисобланади. Оврупо ва рус мусиқа чолғу асбоблари консерватория деворларини узоқ йиллар давомида зир титратиб келган маҳалларда бундай миллий кафедра барпо этиш осон кўчгани йўқ. 70—80-йилларда бу олий санъат даргоҳида раҳбарлик қилганлар кўп жиҳатдан миллий мусиқа ривожига жиддий қарши турдилар. Дутор, танбур, най сингари миллий чолғу асбобларимиз товуши бу бинода ҳам, бинодагилар учун ҳам бегона эди. Хайрият, бу бегоналик узоқ давом этмади. Ҳали ошкоралик ва демократия йўқ замонларда тинимсиз курашлар, елиб-югуришлар эвазига мазкур кафедра очилди. Қисқа вақт ичида бу кафедра консерваториядаги муҳитга, миллий мусиқа ривожига ижобий таъсир кўрсата бошлади. Бу ишларни йўлга қўйишда Файзулла Кароматов, Тўхтасин Ғафурбеков, Отаназар Матёқубов, Зокиржон Орипов, Равшан Юнусов сингари жонбоз мусиқашунослар, Ориф Алимахсумов, Берта Давидова, Фаттоҳхон Мамадалиев каби ҳофизлар, Абдураҳим Ҳамидов, Ўлмас Расуловдай созандалар хизматлари беқиёсдир. Ҳозир уларнинг ўнлаб истеъдодли шогирдлари классик мусиқа ва мақомлар ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Айни пайтда кафедрада таълим олаётган ёшлар ҳам анчагина. Шулардан бири II курс талабаси Нигора Мирзаева бўлади. У устозларидан мусиқашунослик сирларини ўрганмоқда.

— **Мактабда ўқиб юрган кезларимда Шарқ мусиқаси тарихи ва назариясига жуда қизиқардим. Бу қизиқиш мени консерваторияга етаклади. Келажакда мақомлар мавзуси бўйича илмий иш қилиш ниятим бор,** — дейди қисқагина қилиб Нигора Мирзаева.

Бу фақат орзу! Орзу эса мустаҳкам билим олиш, тинимсиз изланиш, фан йўлида машаққат чекиш эвазига рўёбга чиқади. Нигоранинг шу йўлдан боришига ишонамиз.

А. ОЧИЛОВ

ЎҚУВ ЙИЛИ 1 ОКТЯБРДАН!

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Мен XII чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг VIII сессиясини телевизор орқали кузатиб бордим. Айниқса, ёшлар сиёсати ҳақидаги Қонун лойиҳасининг VIII моддаси муҳокамаси чоғида кўнглимдан кўп истаклар, таклифлар кечди. Қишлоқ хўжалик ходимлари бўлган депутатлар ёшларни дала ишларига маълум муддатга жалб этиш керак, бу фойдадан холи эмас, дейишди. Ўқитувчи ва ёзувчи депутатлар эса қонун лойиҳасида кўрсатилган моддани тўлатўкис маъқуллаш кераклигини айтишди. Шундай қилиб, мазкур модда қабул қилинди.

Мен ҳам шу моддага амал қилиниши тарафдориман. Аммо қишлоқ хўжалик ходимларининг дардини ҳам тушуниш керак эди. Маълумки, бизнинг ота-боболаримиз илгари фақат совуқ мавсумларда болаларни ўқишга жалб этишган. Куз, қиш ва баҳор мавсумларида инсон мияси билимни яхши қабул қилади. Бу фан томонидан аллақачон исботланган. Абдулла Қодирийга қачон ижод қиласиз дейишганда, қиш ойларида ижод қилишни яхши кўраман, ёзда миям қайнаб кетади, деб жавоб берган экан. Бундан ташқари, ота-боболаримиз дон-дун, мева-чева, ўтхашакни йиғиштириб, қиш ғамини еб, сўнгра бошқа ишларга киришганлар, болаларни ҳам шунга кўниктиришган. Ўзбекистонда август, сентябрь ва октябрь барча турдаги ҳосилни йиғиб-териб олиш мавсуми. Бу манзарани чизиб ўтириш шарт эмас. Шу пайтда ота-оналар вояга етган болалари ёрдамига жуда ҳам зору муҳтож бўлишади. 1 сентябрь келиши билан хунобларни чиқиб: «Ўқишинг ишнинг белига тепди!» — деб нолийдилар.

Шунинг учун Ўзбекистонда янги ўқув йили 1 октябрдан бошланишини жорий этиш керак. Бу тадбир жумҳуриятимиздаги барча ота-оналарнинг манфаатига, айниқса, қишлоқ ўқитувчилари манфаатига жуда мос келар эди. Ўқув йилининг 1 октябрдан бошланиши айрим ғарб мамлакатлари ишига кўр-кўрона тақлид эмас, балки ўз шароитимиздан келиб чиққан тадбиримиз бўлур эди.

Мен мазкур таклиф Ўзбекистон Олий Кенгашида, Маориф вазирлигида ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида кўриб чиқилишини истайман.

Икром ОСТОНАҚУЛОВ,
аспирант

ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Элчилар тайёрлайдиган ўқув юрти очиб, таълим олувчиларга чуқур билим берардим. Токи улар халқлар ўртасидаги дўстлик ипларини янада мустаҳкамласинлар.

Жамшид САЙДОВ

Бухоро

●

Жамоа ва давлат хўжалиги мулкларини кишиларнинг шахсий мулкига айлантирардим.

Киноятчини тутиб берган ҳар бир одамга 10 минг сўмгача мукофот пули берган бўлардим.

Иброҳимжон ЮСУПОВ

Марғилон

●

Болаларни 6—7 ёшдан ўқитиб қийнамасдим. Уларга 9 дан 15 ёшгача ҳафтада 5 кун энг муҳим маълумотларни сингдирардим. Кейин ҳар бирини қизиққан соҳасига йўналтирардим.

М. АБДУЛЛАЕВА

Задарё

●

Мустақил мамлакатда тартиб-интизом бўлиши шарт. Мен биринчи галда чайқовчи ва уларга шерик бўлган дўкончиларни йўқотардим. Чунки чайқовчилар беш, ўн баробар ошиқ нархда сотаётган буюмларнинг деярли юз фоизи ҳам дўкондорлардан олинган. Иккинчидан, четдан келаётган дайдиларни жумҳуриятимизга киритмас эдим.

Худойназар СОҲИБОВ

Пап

●

Суд мажлис ва ҳисоботларини шу жойдаги жамоатчилик иштирокида ўтказилишига эришардим.

Амалдор бўлиб қолсам, маслаҳатчиликка адолатли, эътиқодли ва фидойи одамларни тайинлардим.

С. КАРИМОВ

Тошкент

●

Давлат тили тўғрисидаги қонунни сўзсиз амалга ошираётган раҳбарларни жиноий жавобгарликка тортардим.

Жиноятчиликка қарши курашга оид қонунларни тубдан ўзгартириб, шарқона жазо усулларини қўллардим. Токи жиноятчи кўпчилик кўзи олдида жазолансин.

Исмоил ОТАЖОНОВ,
Ҳалима ҲАКИМЖОНОВА

Тошкент

●

Раҳбарликка фақат ўзбек тилини биладиган мутахассисларнигина тайинлар эдим.

Рўзномаларнинг энг нуфузлиларини қолдириб, бошқаларини нашр эттирмасдим. Ҳам қоғоз, ҳам муштарийларнинг вақти тежаларди.

Ў. НИШОНОВ

Тошкент

●

Жумҳуриятимиз аҳолисининг маошини 6 баравар ошириб, алоҳида пул муомаласини йўлга қўяр эдим.

Зокир ОҚҚУЛОВ

Гулистон

●

Жумҳуриятимиздан ноҳақ қамалганларнинг ҳар бирининг ўрнига биттадан ноқобил терговчи ёки судьяни жазолардим. Шунда ноҳақликлар бироз барҳам топарди.

Асад БЕРКАМ

Ховос

ОҒИШСАК ЯНА ЮТҚАЗАМИЗ

Фарҳод МУСАЖОН

ЯХШИ ҲАМ АВГУСТДА давлат тўнтариши содир бўлди-ю, биз Ўзбекистонимизни мустақил деб эълон қилиб юбордик. Жуда тўғри қилдик. Яна давлат тўнтариши бўлмаслигига ким кафил? Унда барча илғор кучларнинг, демократларнинг, шунингдек, жойлардаги ҳокимиятнинг шўри қуриши аниқ.

Ажаб ҳол, шахсан мен мустақиллик эълон қилинишидан олдинига унчалик қувонмадим. Сабаби, тайёрга айёрликни ёмон кўраман, ҳамма нарсага тер тўкиб, курашиб эришишни ёқтираман. Мустақиллик ҳам осмондан тушган туҳфа бўлмай, кураш оқибатида қўлга киритилганида минг карра қадрлироқ бўларди. Чунки ғалаба нашъаси ҳар қандай туҳфа бағишлайдиган қувончдан кучлироқ, эўрроқ, ширинроқ.

Аммо шунисига ҳам шукр. Энди ақлни пешлаб ўлкамизда мустақиллик барпо этишга киришайлик. Бу жуда мураккаб ва машаққатли иш.

Аввало, жумҳуриятимиздаги аҳволни чуқур таҳлил қилиб, камчилик ва ютуқларимизни аниқлайлик, турли ташкилот ва оқимларнинг мақсадларини, турли тоифа кишиларнинг кайфиятини пухта ўрганайлик, кейин қайси йўлдан боришнинг аниқ режасини тузайлик.

Юзаки қараганда, жумҳуриятимизда аҳвол бир қадар мўътадил, нисбатан осойишталик барқарордек туюлади. Бироқ синчиклаброқ қаралса ички ғалаён, ғоя ва мафкуралар тўқнашуви мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳар қандай жамиятга хос табиий ҳол ва бундан чўчиш эмас, қувонмоқ керак. Чунки зиддиятлар тараққиёт гарови!

Биз ўлкамизда ростмана ҳаловат ва осойишталик, мўътадиллик ва мутаносиблик ўрнатмоқчи, қонунга риоя қиладиган ҳақ-ҳуқуқли, адолатли тузум бунёд этмоқчи эканмиз, аввало камчиликларимизни ошкора айтишни ўрганайлик. Мустақилликка олиб борадиган нотаниш ва машаққатли йўлни ёритадиган бирдан бир машъал — эркин фикр алмашиш, одоб доирасидан чиқиб кетмайдиган баҳс-мунозара бўлсин— қон тўкилишининг олдини оладиган бирдан бир омил ҳам айнан шу. Негаки, эркин фикрлашни тақиқлаш кишиларда қаршилик ҳиссини уйғотади, исёнга чорлайди.

Ҳозир жамиятимизда энг зўр ва таъсирчан кучлардан бири — дин. Ва бу яхши. Чатоқ коммунистик мафкура динни халқ онгини заҳарловчи афюн деб эълон қилди, динга эътиқоди бор барча фуқаролар таъқиб этилди. Натижада имон, инсоф, садоқат, меҳр-шафқат каби тушунчалар унутилиб юлғичлик, порахўрлик, бойликка ҳирс қўйиш, худбинлик авж олди.

Алҳамдуллиллоҳ мен ҳам худжўйман ва баҳоли қудрат мусулмонлик шартларига амал қиламан. Шундоқ экан динга эрк берилганда жамики бандаи мўминлар қатори мен ҳам беҳад қувондим. Аммо таассуф, дин масаласида меъёрни унутиб қўйяпмиз. Аввалига дин қатағон этилган бўлса, эндиликда бутун халқ руҳонийларни улуғлаб бирдан бир нажоткоримизга айлантиряпти.

Капиталистлар, демократлар ёки коммунистлар ичида ҳар хил одамлар бўлгани сингари руҳонийларнинг ҳам ҳаммаси авлиё эмас. Ҳалол ва пок, саводли ва диёнатли тақводорлар билан бир қаторда бойликка ҳирс қўйган чаласавод муллалар, ахлоқи бузуқ имомлар, найранг билан диндорлар сафига кириб олган лўттибозлар, ҳокимиятга интилувчи мансабпарастлар ҳам учрайди. Баъзи ҳолларда диндорлар замон талабига қараб кийинадиган, сочларини қалта қирқкан аёлларни бадном этяптилар, чекка қишлоқларда қизалоқларимиз юзига чодир тортиляпти, мактабдан кўра диний таълимот юқори қўйиляпти. Бунга қарши чиқаётганлар дахрий эълон қилиниб, уларнинг тўй-ҳашами ва маросимларига аҳолини бормасликка даъват этиляпти.

Гап кишининг ташқи кўринишида эмас, балки дилида, онгида. Бандаси оллоҳни юрагида сақласа, имонли, инсофли бўлишга саъйи ҳаракат қилса шунинг ўзи кифоя. Ҳа, бу ҳар кимнинг шахсий иши. Шундоқ экан, баъзи калтабин руҳонийлар ўтказаётган тазйиқларга дарҳол чек қўймоқ лозим. Башарти дин аҳлини беқусур санаб марҳум компартия сингари тил теккизиб бўлмайдиган табақага айлантирсак, яхши бўлмас. Таниддан ташқари турадиган ҳар қандай кимса, фирқа ва ғуруҳнинг танназулга учраши муқаррар.

Инсонга зўраки боғлаб бериладиган ҳар қандай мафкура ғайриодил ва ғайриқонунийдир. Демак, динга мунасабат ҳам ихтиёрий бўлмоғи лозим. Ҳеч қандай партия, ҳеч қандай ташкилот жамиятда ҳокимлик қилишга ҳаққи йўқ. Бирор гуруҳнинг эркимизни чеклашига, равнақимизга тўсиқ бўлишига йўл қўймайлик.

Яна бир масала, миллатлар ўртасидаги муносабат. Кўз тегмасину бошқа минтақаларга қараганда бизда миллатлараро кескин тўқнашувлар йўқ. Худо хоҳласа бўлмайди ҳам, чунки андишали халқмиз. Меҳр-оқибат, шафқат, одамшавандалик қонимизга сингиб кетган азалий хусусият. Шу туфайли барча миллатларга муносабатимиз доим яхши бўлиб келган.

Баъзан худди мана шу яхши муносабатимиз, афсуски, бошимизга битган бало бўляпти. Андишанинг отини қўрқоқ қўйган баъзилар ҳадларидан ошяптилар. Ўзбекистонимиз аввало чор Россиясининг, сўнг СССРнинг мустамлакасига айланганига бир асрдан ошган бўлса, шу давр ичида босқинчилар ҳокимга, биз эса ўз еримизда чўриларга айландик. Ҳунаримиз хўжайиннинг хизматини қилиш эди. Халқни ҳимоя қилишга чорланган подшоҳларимиз Москванинг қўғирчоғи эди, жойларда бутун ҳокимият муовинлар — «иккинчи»лар қўлида эди ва улар бевосита марказга бўйсунардилар, ўшаларнинг топшириғини бажарардилар.

Шу сабабларга кўра миллий ғуруримиз хўрланди, урф-одатларимиз топталди. Сохта байналмилалчилик шовқинлари остида халқимиз кўр, соқов ва карларга, ҳақ-ҳуқуқи, қадрияти, эрки, инсоний иззат-нафси, ўз тили йўқ манқуртларга айланди.

Хуллас, миллат сифатида йўқ бўлиб кетаётган эдик, толеимизга қайта қуриш бошланиб мажруҳ ва шикаста халқни — чалажон жасадни қайта тирилтириш даври келди. Демократиянинг шифобахш шабадаси эса бошладик. Озодлик, демократия нималигини билмаган бояқиш халқимиз шу эркаловчи ва ҳали кучсиз шабададан ҳам маст бўлиб, довдираб қолди. Шу ўринда камчиликларимиз, айниқса, яққол кўзга ташланди.

МАЪЛУМ ТАРИХИЙ ВАЗИЯТ, асрлар давомидаги шоҳлар зулми, чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати ва ниҳоят компартиянинг таъқиб ва тазйиқи, қамоқлари, жиннихоналари халқимизнинг хулқ-атвори, руҳиятига таъсир этмай қолмади. Узоқ йиллар давомида Улуғ Қўрқув ҳукмрон бўлган тузумда яшаган кишиларнинг бироз қисми юраксиз, итоаткор, лаганбардор, сотқин, нотавон кимсаларга айланди. Мардлик ва жасорат, фахр ва ғурур, садоқат ва эътиқод, ирода ва қадрият каби муқаддас тушунчаларни унутиб юборайёзди. Қолоқлик, тўпорилик, лақмалик борган сари авж олаверди. Чунки ҳокимият тепасида турган компартия довюрак курашчиларни жазолар, қулсифат лаббайгўйларни рағбатлантирарди.

Эндиликда шу иллатлардан қутулиш имконияти туғилган экан мудраб ётган миллий ғуруримиз вулқондек жунбушга келди. Ҳар қандай исён пайтида эса кишиларнинг қилмишлари онгдан кўра ҳиссиётга кўпроқ бўйсунади. Шу боис баъзи ҳолларда қизиққонлик қилиб меъёрни унутяпмиз, сабр-тоқат, вазминлик билан иш тутиш ўрнига кўпинча одоб доирасидан чиқиб кетяпмиз.

Натижада миллатлар ўртасидаги баъзи келишмовчиликлар кескинлашмоқда. Аслида биз асло рус ёки бошқа халқларга қарши чиқмаяпмиз, биз халқимизни таҳқирланишига, хўрланишига қарши оёққа турдик, ҳуқуқимизни, ўз она тилимизни тиклашга киришдик.

Кўпчилик бу жараённи оғринмай қабул қилянти. Афсуски, бунга қаршилик қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай шахслар ўлкамизда истиқомат қилувчи бошқа миллат вакилларининг кўпчилигини ташкил қиладиган руслар орасида ҳам учрамоқда. Уларни тушуниш мумкин. Хўжайинлик мавқеидан, қулайликлардан, имтиёзлардан маҳрум бўлиш кимга ёқади.

Ўзбекларни асло камситмаган ҳолда айтмоқчиманки, хусусан менга рус халқи жуда катта маънавий озуқа берди. Унинг адабиёти ва санъати шахс сифатида шаклланишимда ҳал қилувчи омил бўлди. Рус тили орқали жаҳон маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлдим.

Руслар олижаноб фазилатларга бой халқ. Бироқ уларнинг баъзилари узоқ йиллик империалистик сиёсат таъсирида ўзларини гўё олий ирқ ҳисоблаб «майда» миллатларни менсимайдилар. Сир эмас, бундайлар (бирови ичида, бирови ташида) ўзларини ўзбеклардан устун қўядилар, бизни «туземец» деб атайдилар.

Яна бошқа тоифадагилар эса олий раҳбарларимиз томонидан «ёрдам» учун таклиф этилган «нажоткор»лар. Собиқ компартиянинг чақириғи билан қаерга бўлса ҳам боришга тайёр бу «оташин ватанпарвар»лар аслида бойлик кетидан қувган амалпараст кимсалар эди.

Бу кишиларнинг яна бошқа қисми бевосита жумҳуриятимизда таваллуд топган. Улар чор Россиянинг шафқатсиз ва ғаддор генераллари, бефаросат ва тўпори солдатларининг авлодлари. Шубҳасиз ҳозирги авлод ўз ота-боболаридан фарқ қилади ва биз билан туғишгандек иноқ яшамоқда. Лекин баъзиларида қонига сингиб кетган шовинистик руҳ вақтивақти билан туғён уриб қўяди.

Хуллас, Ўзбекистонимизда яшайдиган русларнинг ҳаммасини ҳам таассуфки, ўз миллатининг энг яхши вакиллари деб бўлмайди.

Биз мустақиллик учун бағоят эҳтиёткорлик билан оқилона кураш олиб борайлик. Бирор миллат вакилининг эркига путур етказмай, миллий ғурурини камситмай тиклайлик қадриятимизни. Ахир, ўзгаларнинг бахтсизлигига қурилган бахт кимга керак? Назаримда, бу ўта нозик ва қалтис масалани Президентимиз доноларча ва усталик билан ҳал қиляпти.

Башарият бизга бошқа миллат вакилларига қандай муносабатда бўлаётганимизга қараб баҳо беради. Аммо бошқа миллатларни бошимизга қўйсагу ўзимиз бирбиримиз билан сўкишиб-қирилишаверсак унда ҳам обрў орттиролмаймиз, албатта.

Халқни мустақиллик томон етаклайдиган куч керак. Ва бу куч ноиблар бўлмоғи даркор. Хўш, ноибларимиз бундай масъулиятли ишни бошқаришга қодирмилар? Минг афсуски, халқ нажот истаб сайлаган депутатлар ишончни тўла оқламаяптилар. Бунинг асосий сабабларидан бири аксарият ноибларимизнинг умумий савияси пастлиги бўлса, иккинчидан ноибликка асосан эски тузумда ишлаган, эскича фикрловчи одамларнинг сайланганлигидир.

Узоқ йиллар давомида ҳақиқий сайловлар бизда деб халқни алдаб келдик. Сайловларни тубдан ўзгартиришга биринчи бор 1989 йилда уриниб кўрилди. Аммо деярли ўзгариш бўлмади, ўз ҳақ-ҳуқуқидан фойдаланишни

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

билмайдиган халқимиз яна чув тушиб қолаверди, депутатларнинг кўпчилиги илгаригидек юқоридан тайинланди. Чунки сайловни ўтказиш фақат компартия ихтиёри ва ҳукмида эди. Шунинг учун ноибларнинг 96 фоиздан кўпроғи собиқ коммунистлар эканлиги ажабланарли эмас. Бир партия аъзоларидан иборат бундай парламентдан плюрализм кутишнинг ўзи бемаънилик.

Бу янгилиг «сайланган» депутатларнинг, табиийки, халқ дарди ва ташвиши билан ишлари йўқ.

Бинобарин, улар сессияларда сўзга чиқар эканлар халқни эмас, аввало уларни тайинлаган, депутатлик лавозимини олиб берган раҳбарларга ёқишни, кўнглини овлашни ўйлайдилар. Шу ишни қойил қилолган одам ҳаммадан олдин квартирали бўлади, чет эл сафарига жўнатилади, яхши маошли амалга эга бўлади, хуллас имтиёзлар дарёсида чўмилади.

Айрим депутатларимизнинг дунёқарашига турғунлик йилларидаги тумтароқ оммавий ахборот воситалари ҳам таъсир қилган. Баъзи олчоқ, сафсатабоз қаламкашлар «бахтиёр ва фаровон» турмушимизга ҳамду сано ўқишни касб қилганлар. Улар «қаламларини найзага айлантириб» раҳбарлар гапини иккиқилган, ўз фикрига эга бўлган қанча-қанча соф инсонларнинг башарасига балчиқ чапиб, бадном этдилар. Ва бу разиллик оддий халқ номидан қилинарди, мақола остига бирорта илғор сут соғувчи, пахтакор, ишчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси имзо чекарди. «Муаллиф» шўрлик қоралаётган одамининг на ўзини танирди, на айбини биларди, Барибир ўйламай-нетмай журналист ўтқиган туҳматга имзо чекиб юбораверарди. Чунки партия айтдими, тамом, демак ўша кимса — душман.

ЭНГ ЗЎР ҲАҚИҚАТ — компартиянинг ёлғони эди. Унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажариш фахрли иш эди. Ҳозир ҳам каттароқ бошлиқ бирорта ўзбошимчага танбеҳ берса депутатларимиз дарҳол бир ёқадан бош чиқариб, уввос кўтариб, «адашган» ҳамкасбларининг адабини берадилар. Мана «тандирдан янги узилган» мисол.

СССР депутатларининг биринчи қурултойи ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда. Ғалағовур бобида бозор тўполонидан фарқ қилмай ўтган ўша съездда коммунистча маслакка содиқликни исботлаш учун пойдил симоларни ҳақоратлаш давом этди. Ва бу шаккокликда айниқса Ўзбекистонлик ноиблар фаоллик кўрсатишди. Чунончи ўзбек депутати Турсун Қозоқова башариятнинг энг илғор инсони Сахаровга ҳамманинг номидан нафрат (всеобщее презрение) изҳор этди. Ер юзида одамизод қирилиб кетмаслиги учун курашган, турғунлик йилларида ядро қуролига қарши чиқишга журъат этган инсонни ҳақорат қилди. Ваҳоланки, ўз пайтида Андрей Дмитриевични қўллаб-қувватлагани м и з д а эди, Афғонистондаги бемаъни урушнинг олди олиниб, ҳозир минглаб оналар ўз жигаргандаридан айрилиб мотам либосида ўтирмаган, минглаб келинчаклар бева қолмаган, минглаб гўдаклар етимга айланмаган бўларди.

Кўп қатори депутат Қозоқова ҳам коммунистик ташвиқотнинг қурбони бўлди, тушуниб ё тушунмай бутун

ЖАҲОН КЎЗ ЎНГИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОНГИ ПАСТ, ҚОЛОҚ ХАЛҚ ДЕГАН ФИКРНИ ТАСДИҚЛАДИ.

Даҳшат шундаки, Қозоқованинг чиқиши халқимиз томонидан хотиржам кутиб олинди, жумҳуриятимиздан бирорта одам, бирорта матбуот органи норозилик билдирмади. Ҳаҳолат бундан ортиқ бўлмаса керак?!

Шубҳасиз, ҳамма депутатларимизнинг ҳам савияси бир хил эмас. Уларнинг орасида халқ дарди ва ташвиши билан яшаётган фидойи инсонлар ҳам йўқ эмас. Агар муқояса нисбий бўлса, қора булутлар орасида чарақлаб турган ёрқин юлдузлар ҳам бор.

Қанчалик оғир бўлмасин, бир нарсани тан олиб ўтай: ўзбекнинг эркагидан аёли мардроқ, дадилроқ чиқди. Мен баъзи эркакларимизни пўкалакка ўхшатгим келади. Гавда бору юрак йўқ, ташқи савлат бору ички маданият йўқ. Бу ҳол аёлларга бўлган ҳурматимизда айниқса яққол кўзга ташланади: Баъзи мажлисларда қарийб бир соатлаб минбар ёнида навбат кутиб турган аёлларимизни пурвиқор эркакларимиз «пайқамайди», атай сўз бермайди. Шунақа пайтларда «Э, садқаи эркак кетайлик!» деб ўкиргинг келади.

Адабиёт ва санъат соҳасида ҳам аёлларимиз ҳақоратда, эътиқодга содиқликда бизга ўрнак бўляптилар. Айрим эркакларимиз эмаклаб, амалдорлар пойининг чангини ялаб, тиламчилик қилиб садақа ундираётган бир пайтда «зайфа» аёлларимиз комфирқа ва комсомолга хизмат қилиб олган мукофотлари ҳаромлигини тушуниб унвонлардан воз кечяптилар!

Шундай экан, толеимизга аёлларимиз омон бўлсин. Гул чеҳраларидан доимо нур ёғилиб, асорат ва жаҳолатда мудраётган ғофил эркакларга зиё маърифат бахш этсин!

Бироқ, ноумид шайтон. Ажаб эмас, келажакда қаддини тик тута оладиган эр йигитлар пайдо бўлса, иккиюзламачиликдан, тилёғламачиликдан ҳазар қиладиган ҳазрати инсонлар, аёлларга зўғум ўтказилаётганида отилиб чиқиб, «ожизага кучинг етдими, мард бўлсанг мана мен билан гаплаш» дейдиган олижаноб зотлар пайдо бўлса! Бундайларнинг кўпайиши учун, аввало, инсонни тобеълик ва итоаткорлик руҳида тарбиялайдиган тузумни тугатиб, тақиқ, таъқиб, тазйиқдан холи ҳур тузум яратмоқ лозим!

Сўнгги сессияда депутатлик одоби масаласи кўтарилди. Хўш, одоб ўзи нима? Одоб бу аввало самимийлик, ростгўйлик. Минг чиройли гап қилинг, самимийлик бўлмаса у сохта, энён гап. Бундан чиқди беадаблик — ёлғон сўзлаш, тилёғламачилик қилишдир.

Ҳатто ҳақорат пинҳона хоинликдан — иккиюзламачиликдан афзал. Энг хавфли мараз — лаганбардор! Зеро, бировни мақтаб, лақиллатадиган риёкор ўша одамни анойи ҳисоблайди. Демак, президентга нисбатан қилинадиган энг катта одобсизлик айнан шу — лаганбардорлик! Қолаверса, сессиялар президентни мақтайдиган жой эмас, сессияларда ишлаш керак.

Албатта, президентни бўлар-бўлмасга савалайвериш ҳам одобдан эмас. Катта ва ширин тухум қилмаяпти, деб ҳадеб товуқни сўкаверадиган баъзи шаллақиларга олдин ўзинг жилла қурса данакдек тухум туғиб кўр, дегим келади. Бироқ, шу қаҳатчилик замонда, минглаб муштипар онаизорлар магазинма-магазин зир югуриб болаларининг на эгнига, на оёғига бирор нарса тополмаётган пайтда, эрталаб ўқишга кетаётган фарзандига нима едириб юборишни билмай гаранг бўлаётган пайтда, оила бошлиқлари бозорга бориб нарх-навонинг осмондалигидан олмоқчи бўлган 5 кило ўрнига 1 кило нарса харид қилаётган ёки умуман қуруқ қайтаётган пайтда, ноибларимиз бу изтиробли муаммоларга қиё боқмай Президентни мақташ билан овора бўлишлари ғирт ахлоқсизлик!

Қолаверса, ўчакишмаслик ҳам одобга киради. Одатда айби бор одам ўзини оқлайди, рақибдан қасдини олишга киришади. Шу ўринда мен яна Андрей Дмитриевичга мурожаат қилмоқчиман. Съездларда агрессив лаганбардорлар бояқиш Сахаровни роса «тошбўрон» қилдилар. Аммо кучни долзарб масалаларни ҳал қилишгагина сарфлаш лозимлигини тушунган, ҳақлигини билган буюк аллома туҳматчиларнинг бирортасига жавоб қайтармади, бачканалашмади. Аксинча, ўзининг одоби, сабр-тоқати билан бошқаларга ибрат бўлди, тарбиялади.

СИР ЭМАС, МАФКУРАСОҲАСИДА Президентимиз айрим хатоларга йўл қўйган эди. Лекин унинг хислат ва хайрли ишларидан мухолифларнинг кўз юмишлари, ҳар бир янги ташаббусидан қусур қидиришлари адолатдан эмас. Россия телевидениеси программасининг кўрсатилиши, мустақил рўзнома ва жаридалар очилиши, «Эрк» ва «Бирлик» расман рўйхатга олиниши, матбуотда танқид тикланиши ва ҳоказолар Президент ўз фаолиятини тафтиш этиб тўғри хулосалар чиқаришга қодир одам эканлигининг далилидир. Унинг халқ фаровонлиги йўлидаги астойдил саъйи-ҳаракати, марказдаги барзанги раҳбарлар билан «арра тортиш»даги қатъияти мақтовга сазовор. Буларни тан олмаслик номардлик бўлур эди.

Гарчи, қийинчилик билан бўлса-да, ноиблар ҳам ўзгаряпти. Биз ҳаммамиз демократия томон энди атак-чечак қиляпмиз, хато ҳаммамизда ҳам бор. Шундоқ экан, қоқилиб йиқилгачларни тепкиламайлик, адашганларни сўкмайлик, янглишганларни душманга чиқармайлик. Мақсад ва манзил бир экан, нечун бу қадар жаҳл, асабийлик, тоқатсизлик?!

Келинг, бир-биримизга суяниб, кўмаклашиб, хатоларимизни биргаликда тузатиб, иноқлик билан одимлайлик. Шунда манзилга тезроқ етамиз. Энг асосийси, қанчалик азобли бўлмасин танлаган йўлимиздан оғишмайлик. Оғишсак яна ютқазамиз ва унда мустақил давлат барпо этиш ниятимиз қоғозда ва оғизда қолиб кетади.

АФВ ВА АМНИСТИЯ

Тилимизда айрим ҳуқуқий атамалар кенг оммалашиб кетмаганлиги сабабли баъзилар уларни бир-бири билан фарқлай олмайдилар. Хусусан, **афв этиш** ва **амнистия** атамаларини ҳам. Амнистия юнонча кечирмоқ, гуноҳидан ўтмоқ деган маънони англатади. Бу сўз ҳуқуқ тартиботида норматив-ҳуқуқий акт ҳисобланиб, маълум бир доирадаги жиноий жазога ҳукм қилинганларни олий ҳокимият томонидан жазодан қисман ёки бутунлай озод қилиниши, афв этилишининг фармон билан асосланишини изоҳлайди.

Амнистия фармонда кўрсатилганига қараб маълум бир турдаги жиноятлар бўйича, маълум тоифадаги шахсларга нисбатан умумий тарзда қўлланади. Шунинг учун ҳам амнистия ўзбек тилидаги ҳуқуқий ҳужжатларда афву умумий, деб юритилади. Афву умумий чиқариш ваколати фақатгина давлат бошлиғига, бизда республика президентига берилган бўлиб, бирор бир давлат аҳамиятига молик воқеа муносабати билан фуқароларга нисбатан инсонпарварлик нуқтаи-назари билан фармон берилади. Амнистияга тушган жиноятни содир қилган, лекин ҳали судланмаган фуқаролар устидан қўзғатилган жиноят ишлари ҳам ҳаракатдан тўхтатилади. Алоҳида хавфли рецидивист деб топилган шахсларга, ўз жиноий қилмишидан пушаймон бўлмаган шахсларга нисбатан амнистия ҳеч қачон қўлланилмайди.

Олий ҳокимият томонидан кечиришнинг — жиноятчининг гуноҳидан ўтишнинг яна бир кўриниши борки, бу ўрисча помилование, деб юритилади, ўзбекчада афв этиш демакдир. Унинг амнистиядан фарқи шуки, бунда олий ҳокимият томонидан аниқ бир шахснинг, жиноят содир қилган шахснинг гуноҳидан ўтилади, енгилроқ жазога алмаштрилади, жазодан қисман ёки бутунлай озод қилинади. Судланганлиги олиб ташланиши ҳам мумкин. «Афв этиш» Олий Кенгаш қарори билан чиқарилади ва ҳуқуқий норматив акт ҳисобланмайди, яъни унинг «амнистия»га ўхшаш қонун кучи бўлмайди. Демак, амнистия — афву умумий қонун даражасидаги фармон, «помилование» — афв этиш эса маълум бир жиноий иш юзасидан жиноятчининг баъзи жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қилинган раҳмдилликдир.

Ҳар иккала тушунча ҳам ўзбек тилида афв этишни англатади. Фақат бири **афв**, иккинчиси **афву умумий**, деб юритилади. Ушбу ҳафталикнинг ўтган сонида берилган К. Насриддиновнинг **«Афв ва адолат»** мақоласида тилга олинган мисол эса **афву умумий**га тегишлидир. Шуни назарда тутиш керакки, **афву умумий**га тушган одам мақолада кўрсатиб ўтилганидек бундан тегишли хулоса чиқармасдан, ўзининг ножўя ҳаракатларини давом эттирган бўлса, жабрланган томон яна умумий асослардагина ҳуқуқий идораларга мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳол афву умумийдаги гуноҳдан ўтишни ўзгартирмайди.

Холмамат ҲАСАНОВ,
Қашқадарё вилояти, адлия бошқармасининг етакчи мутахассиси.

Давлат тили тўғрисидаги Қонун қандай бажарилмоқда?

«ОХХОТУРКВО» НИМА ДЕГАНИ?

Гарчи ўзим Ленинобод вилоятидаги Ғўлакандоз қишлоғида яшасам-да, тез-тез хизмат юзасидан Тошкентга бориб тураман. Шу мақсадда «Бекобод — Тошкент» автобусига чиқаман ва ҳар сафар бир лоқайдликдан азият чекаман. Бекобод шаҳридаги сарбекатга келишим биланоқ бир нарса бўғзимга тиқилгандай бўлади. Бунинг боиси — автобуслар пештоқи ва биқинидаги ёзувлавҳаларнинг бир-биридан ола-қуроқ, бири-биридан тумтароқ эканлигидир. Бир куни эринмасдан сарбекатдаги ва автобуслардаги ёзувларни ён дафтаримга кўчириб олиб, ўрганиб чиқдим. Сизга ёлғон, менга чин, «Бекобод» деган атаманинг ўндан ортиқ вариантларини «кашф» қилдим. Мана уларнинг энг кўп тарқалганлари: Бегавот, Беговат, Беговот, Бегават, Бегобад, Бекобад...

Яхшиямки, автотранспорт корхонасидаги акамуллолар ушбу йирик ўзбек шаҳри номидаги «Б» ва «Е» ҳарфларини ўзгартиришга, уларни турдош товушларни беруви ҳарфлар билан алмаштиришга киришганлари йўқ! Бўлмаса, бу номдан яна қандай маъноларни келтириб чиқаришмасди.

Буниси ҳам майли, автобусга ўтириб, Тошкент томон келаверсангиз, йўлда шундай осор-атиқа ном, атама ва лавҳаларга кўзингиз тушадики, қайси давлат ҳудудида кетаётганингиз ҳам эсингиздан чиқиб кетади. Мисол учун: «Кок-арал с-зи» деган лавҳани қандай шарҳлайсиз? Фараз қилайликки, бу сўзларни кейинги аралашқуралаш замонлар тажрибаси асосида «Кўкорол шўро хўжалиги» дея мағзини чақдингиз. Аммо «Оххотуркво» ёки «К-л АРЗ-5» нима дегани?..

Мен йўл бўйидаги атама, лавҳа ва номларни тадқиқ қилиб икки хулосага келдим. Биринчиси — уларнинг деярли етмиш фоизи рус тилида ёзилган. Иккинчиси — бизнинг атамаларнинг тенг ярми рус ўғлонларини, Россияни, КПССни шарафлашга қаратилгандир. Тошкент йўли бўйида Терешкова номидаги ҳамда «Кремль» шўро хўжаликлари бор. Боринг-ки, Валентина Терешкова илк фазогир аёл сифатида ўзбек деҳқони учун қадрлидир. У нимаси биландир жафокаш ўзбек аёлларига ўхшаб ҳам кетар. Эҳтимол, шу каби ярим ҳавойи мантиқлар асосида Ўзбекистондаги бирор хўжаликнинг Терешкова номи билан аталишини тўғри деб ҳисоблайлик. Аммо Москвадан минглаб километр олисдаги хўжаликни «Кремль» деб аташ шартмиди?

Йўл бўйидаги номлар ва атамалар хусусида сўз кетганда яна шуни таъкидлашлозимки, фақат Ўзбекистондагина «қизил» номларга жуда кенг ўрин берилган. Тошкент йўли бўйида деярли ҳамма партия съездлари шарафига битта-иккитадан хўжалик, маҳалла, канал, кўча бор. Катта кўчадан олисроқ жойларда нималар бўлаётганини айтмай қўя қолай. Қулоғимга чалинган Каналбой, Партияжон, Қурултой, МЭЛС (Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин), Сесербой (СССР маъносида) каби номларни эслашнинг ўзиёқ кифоя. Бизнинг катта йўл бўйидаги кўзга кўринган хўжаликка Кремль номини берган идора бошлиқларининг ишини кўрган кичик йўллар бўйида, қишлоқларда яшовчи кичикроқ бошлиқлар буни «тўғри» тушунган, ўша ёқларни улуғлаш, ўша мажлис, ташкилоту бино, шахсларни илоҳийлаштиришни «ижодий» давом эттирган.

Эндиликда эса биз ўша атамаларни тезроқ тўғрилашга ҳаракат қилмаяпмиз. Оқибатда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгани тўғрисидаги қонун кўнгилдагидек бажарилмаяпти, аксинча, аксарият ҳолларда қоғозда қолиб кетаяпти. Бу мустақил давлатга ўша давлатнинг расмий тилига ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Расул ҲАБИБИЙ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси

ЖЕЙНОВДА—АРАБ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

Қашқадарёнинг Жейнов қишлоғида ўн минг нафардан ортиқ, бутун воҳада эса сал кам икки юз мингга яқин араблар истиқомат қилишади. Уларнинг бу жойларга қай йўсинда келиб қолганлигини аниқлаш, албатта, муайян тадқиқотларни тақозо этади. Бироқ муаммо шундаки, ўзини араб миллатига мансуб деб ҳисобловчи бу элатнинг ҳозирги авлоди ўз она тилини мутлақо билмайди. Шу сабабли сўнгги йилларда араблар миллий марказини ташкил этиш зарурати туғилди. Бу ишга жумҳурият халқ депутати — Усмон Юсупов райониданги Ульянов номидаги хўжалик директори М. Сандов бош-қош бўлди. Миллий марказ араб миллатига мансуб элатнинг маънавий-руҳий камолоти, тилини ва тарихини ўрганиш, маданий анъаналарини камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозир араблар истиқомат қилаётган қишлоқлардаги мактабларда араб тилини ўқитиш йўлга қўйилди. XIV асрда ва сўнгги йилларда тиклангган масжидларда ислом дини кенг тарғиб қилинмоқда. Бундан ташқари, Денов қишлоғида қадимий услубда араб гиламларини тўқиш ҳам йўлга қўйилди. Биргина шу йилнинг ўзида мана шу соҳадан олти миллион сўм даромад кўриш кўзда тутилмоқда.

Жамоатчи суратқаш мухбиримиз Ш. Шароцов олган ушбу лавҳаларда Жейнов қишлоғи арабларининг бугунги ҳаёти акс этган: учинчи синф ўқувчиси Анора Боева араб тили дарсида; машҳур хонанда Тожиддин Муродов Навоий номидаги мактабда мусиқадан сабоқ бермоқда; араб сўзаналарининг моҳир усталари; гилам тўқувчи Моҳигул Оллобердиева.



ИНСОНИЙЛИК ҚАЙДА ҚОЛДИ?

Ҳурматли редакция, ушбу арзномани сизларга юборишга қарор қилдик. Бизга ёрдам берасизлар деган умиддамиз.

Оиламизда шу йил апрель ойида бахтсиз воқеа юз берди, келинимиз Гулнора ой-куни етиб район касалхонасига олиб келинди, операция йўли билан олинган бола ўлган эди. Гулнора кўп қон йўқотгани учун унга мос келадиган қон қидириб кетдик. Ўша 29 апрель куни яхши инсонлар ёрдамида 500 грамм қон топишга муваффақ бўлдик. Чақалоқни дафн этгач, барча қариндошуруғлар реанимация бўлими олдида кўз юммасдан тонг оттирдик, эртасига врачлар яна қон кераклигини айтишди. Мен укам билан қон қуйиш бўлимидан бир нечта кишининг адресини олиб, уларни излаб «Зафар — Далварзин» совхози бўйлаб йўлга чиқдик. Биз топган икки киши Далварзин совхозида яшар экан. Йўлда учта автоинспекция ходими бизларни тўхтатиб ҳужжатимизни сўрашди. Укам Абдусаттор ҳужжатларини кўрсатди. Вақт ўтиб бормоқда эди.

Мен уларга яқинлашиб «Бир одамнинг ҳаёти қил устида, унга керакли қонни излаб кетяпмиз», — дедим. Улар қулоқ солишмай, укам Абдусатторни «ғирт маст, кўзлари қизариб турибди», — деб текшира бошлади. Бутун хаёлимиз Гулнорада, аҳволи нима бўлди экан, деб саросимада эдик. Мен чидай олмадим. «Наҳотки тушунмасангиз, кеча чақалоғинн кўмган бўлса (шу билан укамнинг учинчи фарзанди оламдан ўтди), хотинининг ҳаёти қил устида турса», — деб бақирдим. Шу пайт улардан бири бизга яқинлашиб «Ўпкангни босиб ол! Қонун бўйича уч соат ушлаб тураман», — деб қўпол муомала қилди.

Майли, қонун бўйича улар ҳужжатларни текшириш ҳуқуқига эга, лекин вазият ўта нозик ҳолатда наҳотки инсон бир-бирини тушунмаса, инсонийлик эмас, қонун юксак турса. «Менинг милициям — менинг ҳимоячим!» каби шиорлар ғирт ёлғон экан-да! Ҳурматли редакция, милиция ходимлари кўп ҳолларда одамларни менсишмайди, қўпол муомала қилишади, воқеани чуқур текширмай, шошилиш хулосалар чиқаришади, нега? Уларга шундай ҳуқуқларни ким берган?

Абдуғаффор УМРЗОҚОВ,
Бекобод райони

МУҲАРРИРГА **мактублар**

МУАММОЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

ГУЛИ ЯХШИ, ТИКОНИ-ЧИ?

ТИКОНСИЗ ГУЛ БЎЛМАЙДИ, деймизу бироқ оқ сут эмган банда эмасмизми, дарров гулларга маҳлиё бўлиб, тиконлар борлигини унутамиз. Айни чоқда ҳаёт олдимизга мураккаб, оғир қийинчиликларни кўндаланг қилиб қўйганда, билмайин босдик тиконни, тортадурмиз жабрини, деб нола чекамиз. Аммо 1917 йилнинг Октябридан кейин коммунистлар бошқарган мамлакатда ҳамма ерлар гуллаб яшнайди, бахтиёрлик, фаровонлик нурларига бурканади, ҳеч қандай «тиконлар» бўлиши мумкин эмас, деган норасмий, аммо сўзсиз амалга ошириладиган қатъий қонунга мувофиқ яшаб келдик.

Хайриятки, қайта қуришнинг шарофати билан ўша қонундан воз кечдик, бироқ авлод-аждодларимиз, ўзимизнинг тан-жонимиз, қонимизга сингиб кетгани учун ундан бирданига осонликча қутула олмаяпмиз. Шунинг учун ҳамон порлоқ истиқбол ҳақида гапириб, амалий ишга ўтаётганимизда бехосдан бирорта «тикон»га дуч келсак, нима қилишимизни билмасдан ҳайратдан ёқамизни ушлаб қолмоқдамиз.

Шу йил октябрь ойининг 18—19 саналарида бўлиб ўтган жумҳурият ёзувчиларининг қурултойи нохуш кайфият туғдирди. Негаки, анжуман якунланмади, раҳбарият сайланмади, ташкилий масалалар очилмади. Шунинг учун қурултойни кейинроқ давом эттириб, диққат марказига чиқарилган муаммоларни узил-кесил ҳал қилишга келишиб олинди, холос.

Хўш, нима бўлди ўзи? Қандай жумбоқлар олдимизда кўндаланг туриб, қандай келишмовчиликлар, зиддиятларни юзага келтирди?

Бундай саволларга ёзувчилар аниқ жавоблар қидиришяпти. Рўзномалардаги қатор чиқишлар шуни кўрсатди. Уларда ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар шартли равишда бир-бирига қарамақарши икки қутбни кўрсатади.

Биринчи қутбнинг моҳияти «Халқ сўзи»да чиққан Ҳ. Ғулом, Р. Бобожон, И. Раҳим каби қаламкашлар имзолаган мактубда жамланиб, ёзувчилар қурултойи айрим нуқсонларга қарамасдан, умуман олганда, демократик руҳда ўтгани кўрсатилди, уюшмада кейинги пайтларда бир қанча ижобий натижаларга эришилганига урғу берилди, анжумандан норози бўлиб, уюшмадан чиқиб кетганлар якдилликка даъват этилди.

А. Мухтор, О. Шарафиддинов, Э. Воҳидов, Х. Даврон каби ижодкорлар эса уюшмада айрим яхши ишлар қилинганини, қурултой ҳам баъзи фазилатлардан ҳоли бўлмаганини эътироф этган ҳолда эндиликда ижобий ташқилот бутунлай янгиланиши шарт эканлигини таъкидлайдиларки, бу иккинчи қутбга тегишлидир.

Тўғри, ҳар иккала қутбда хилма-хил савиядаги қаламкашлар бўлиб, уларни баъзан ижодий, баъзан эса шахсий манфаатлар бирлаштиргандир. Балки бундай тахминим нотўғридир, янглишдир, лекин шуниси аниқки, учинчи қутб тарафдорлари 15 ноябрда ўзларининг таъсис қурултойларини ўтказиб, Ўзбекистон адибларининг янги иттифоқи тузилганлигини эълон қилдилар ва ушбу қурултойнинг тафсилотлари адабий ҳафталигимизнинг 22 ноябрь сонида «Бирлашиш учун... ажралиш» деган сарлавҳа остида босилиб чиқди.

Ҳисоботда дастур, низомнинг бир қанча умумий жиҳатлари таърифланиб, мазкур Иттифоқ «давлат ва турли сиёсий гуруҳлар таъсиридан ҳоли» бўлади деб таъкидланади, пировардида Бинобарин, тараққиётни «ўмариш», уни илдизи билан тугатишга маҳкум этилгандир. Шунинг учун асл қиёфаларини моҳирона ниқоблаб, ўзларини ҳаёт гулларидек жозибали, сеҳрли қилиб кўрсатишга жон-жаҳди билан курашадилар ва бу курашларда тезда, осонгина бирлашадилар.

Донолару истеъдодлар, яхшилару мардлар ҳамда уларнинг яқинлари, қондош-жондошлари-чи? Улар ҳаёт ва тараққиётнинг бамисоли асл гуллари бўлиб, ҳар бири ўзига хос такрорланмас қиёфаси, рангу салмоғи бой, ранг-баранг, мураккаб руҳи, қалби, айни чоқда ўзига хос «тиконлари» билан алоҳида ажралиб тургани учун бирданига дарров бирлашиб фаолият кўрсатишлари қийинки, мана шу қийинчиликни бартараф этишга ўша ҳикматлар қаратилгандир.

Сўз санъати, адабий-бадиий, ижодий жараён-чи?

Шунга ўхшаш муаммоларга А. Иброҳимов диққатимизни тортади: «Яхши асар ёзиш ёзувчининг бурчи. Шу яхши асар яратилиши учун ёзувчига муносиб ижодий шароит яратиб бериш, битган яхши асарни ўқувчига ўз вақтида етказиб беришга бош-қош бўлиш Ёзувчилар уюшмасининг юмушидир».

Тасаввур қилингки, бу талаб тўғри, ҳаққоний, бироқ қандай амалга оширилади. Фаҳмлашимча, уюшмада «Ёзувчи» деган нашриёт, «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлик», шунингдек, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» деган ойномаю рўзномалар борки, улар уюшма раҳбариятининг қарори билан қайси бир ижодкорнинг яхши асарини босиб чиқаради, деб ҳисобланадикин, расмий таомилга кўра бўни эътироф этамиз, аммо амалда-чи? Амалда эса нашриёт жумҳурият Матбуот қўмитасининг молу мулкидир, бинобарин, «Ёзувчилар уюшмасига фақат номигагина бўйсунади, аслида эса давлат тасарруфидадир. Юқорида номлари кўрсатилган матбуот воситалари-чи? Улардан бирортаси ҳам уюшма буйруғи билан фаолият кўрсатмайди, иқтисодий жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан раҳбариятнинг баъзи сўзларига қулоқ солиши мумкин, холос. Аммо А. Иброҳимов негадир масаланинг бу жиҳатига қизиқмайди: «Агар Ёзувчилар уюшмасининг наср, назм, драматургия, болалар адабиёти, танқид ва адабиётшунослик, таржима кенгашлари фаолияти талаб даражасида бўлса, бу уюшманинг асосий вазифаларидан бири — АДАБИЙ ЖАРАЁНГА ЕТАКЧИЛИК ҚИЛИШДА ўрни беқиёс эканлиги янада ойдинлашади».

Йўқ, асло ойдинлашмайди, аксинча, яна чалкашликлар, нохушликлар келиб чиқади. Ахир, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида тузилган совет ёзувчилари Иттифоқи ижодкорларга раҳбарлик қилиб, уларни партия ва ҳукумат сиёсатини амалга ошириш учун сафарбар этди-ку!

Бутуниттифоқни қўя турайлик, ўзимиздаги уюшма етакчилигида қандай ютуқларга эришдик? Бу — социализм адабиётидир, холос. Эндиликда қайси «изм»ни яратиб, ҳукумат ва партиялар ҳамда ҳаётдаги талабларини қондириш учун адабий жараёнга етакчилик қилинади. Борди-ю, яна шундай бўлса, ёзувчиларнинг ижодий мустақиллиги, эркинлиги, ҳурлиги эмас, балки уларнинг аввало уюшмага, пировардида эса ҳукумату ҳукмрон партияга қарамлиги таъминланади-ку, ахир?! Шунинг учун шахсан ўзим «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» жамоаси дадиллик билан мустақил нашр бўлганлигини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман. Борди-ю, адабий жараёнга уюшмамизнинг раҳбарлиги яна тикланса, бу мустақилликка шак келтирамиз. Негаки, хўш, нима учун адабий ҳафталигимиз Ёзувчилар уюшмасининг муассислигидан воз кечди, бунга йўл қўймаслик керак, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, унга қарши курашишимиз талаб қилинади. Дарвоқе, қурултойда бирқанча ёзувчилар уюшманинг органлари, яъни оддий қилиб айтганда хизматкорлари ҳисобланиб келинган «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлик» ҳамда адабий ҳафталигимиз раҳбарлари қайтадан сайланиши шартдир, деган фикрни ўртага ташлагани бежиз эмас-ку! Холбуки, кейинги ярим аср мобайнида тўққиз марта қурултой ўтказилса, барчасида ўшандай сайлов ўтказилди ва ана шу сайловлар қандай оқибатларга олиб келганини кўриб турибмиз. Назаримда, ҳалигача бирқанча қаламкашлар шунга қарамасдан тағин бизга «юқори»дан етаклаш, бошқаришни қўмсаяпти. Ахир, уларнинг номидан Нарзуллаев қурултойда сўз олиб, Рашидовни қўлаш, унинг асарларини нашр этиш, ташвиқ этиш, қадриятларини тиклаш ҳақида махсус қарор қабул қилишига чорлагани-ю, Раим Фарҳодий эса бу таклиф овозга қўйилганидан ўкинаётгани тасодифий ҳол эмас-ку. Аслида бир қурултой эмас, ўнлаб қурултойлар, ҳатто давлат ёки партияларнинг қарорлари ҳам бирорта ёзувчини буюклик даражасига кўтариб ёки бутунлай йўққа чиқаролмайди. Агар муаммо шундай ечилса, нима учун 20—80-йилларда ўзбек совет адабиётининг асосчилари йирик намояндалари сифатида кўкларга кўтарилган, «халқ ёзувчиси, шоири» деган унвонлар билан тақдирланган, ҳатто Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган қаламкашлар эмас, Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби «халқ душмани» деб қораланган санъаткорлар ардоқланмоқда, ўтмишдагина эмас, ҳозирда ҳам меҳру муҳаббатимизни қозонмоқда?! Бундан яна бир фикр келиб чиқадики, адабиётда бир қанча йўналишлар бўлиши тараққиёт тақозосидир. Айтайлик, 20—40-йилларда Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва бошқа ижодкорлар номлари билан боғланган бир ижодий йўл бўлиб, у 50—80-йилларда Рашидов ҳамда Ҳ. Ғулом, Р. Бобожон, И. Раҳим сингари қаламкашларни қамраб олди. Айни чоқда Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби санъаткорлар бошлаган яна бир адабий-бадиий анъана дунёга келдики, у ҳам мустабид мафкуранинг тазйиқу тақиқлари оқибатида бирқанча ҳолларда муваффақиятсизликларга учраганига қарамасдан йўқолиб кетмади, қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёнида кенг миқёсда ривожланиш имкониятларини қўлга киритаяпти. Яна шуниси борки, ҳар иккала йўналишнинг ўз танқидчилари фаолият кўрсатиб келмоқда: биринчисига олтмишинчи-саксонинчи йилларда Зоҳидов, Қаюмов, Абдусаматовлар бошчилик қилса, иккинчисига Қўшжонов, Шарафиддиновлар мансубдир.

Албатта, ўта шартли маънода икки йўналиш, деб айтмоқдаман. Негаки, уларнинг ичида ҳам яна ўзига хос, бир-биридан фарқланадиган тармоқлар бор эдики, бу ҳозирда ҳам йўқолиб кетган эмас. Чунончи, адабий танқидчиликда мисол учун Қўшжонов билан Шарафиддинов кўпгина муштаракликлар, умумийликларга эга бўлишига қарамасдан ҳар иккаласи ўзига хос талқину таҳлил йўллари билан ажралиб туради. Шахсан ўзим «қўшжоновчи»лар томонидаман, айтайлик, Норматов ёки Ғафуров эса кўпроқ «шарафиддинов»чиларга мойил...

КЎРАЯПСИЗМИ, «Анжуман ўтди ва ...кечиктирилди» мақоласида таъкидлаб айтилганидек, «эндиликда ҳамманинг биттагина чизиқдан юриши шарт эмас», аксинча, бир-бирлари билан ижодий рақобат қиладиган бир неча уюшмалар, бирлашмалар, гуруҳлар, ассоциациялар тузилиши, мустақил фаолият кўрсатишга ҳақлидир. Бинобарин, янгидан тузилган Адиблар Иттифоқини даҳшатли «тикон» деб эълон қилиб, агар уни даф қилмасак, бадиий ижод ҳалокатга юз тутади, деб бонг уришга ҳеч қандай асос йўқ. Лекин «тикон»сиз қаламкашлар йўқ деб бўлмайди. Хусусан, сўз санъати, бадиий ижоднинг истеъдодсизлик, эътиқодсизлик, сиёсатбозлик деб аталган «тикон»лари бордирки, агар уларга қарши курашилса, ғолиб чиқилса, ҳақиқий ўсиш-ўзгариш таъминланади.

БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

АДАБИЁТ ВА ТАРИХ

АДАБИЁТ ТАРИХИНИ яратиш қомусий ва чуқур илмий мазмунга эга теран тадқиқотларни талаб этади. Зеро, бундай иш муайян халқнинг тарихи, маданияти ва бадиий тафаккуридаги ижтимоий зиддиятларни, ўзига хос драматик ҳодисаларни холис ва ҳаққоний акс эттириши лозим.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти олимлари жамоаси томонидан тайёрланиб, рус тилида нашр этилган икки жилдли «Ўзбек адабиёти тарихи» («История узбекской литературы», Тошкент, «Фан», 1987—1989) ана шундай фундаментал тадқиқотлар сирасига киради.



Тадқиқотда ўзбек адабиётининг қарийб икки минг йиллик тарихи, яъни адабиётимизнинг энг қадимги давридан бошлаб 1917 йилгача бўлган тараққиёт босқичлари хронологик тарзда қамраб олинган. Айтиш жоизки, ушбу илмий иш адабиётшунослигимиз тарихида шу давргача яратилган тадқиқотлар орасида энг мукаммал илмий изланишлар натижаси сифатида эътиборни жалб этади.

Маълумки, ўзбек тилида беш жилдли «Ўзбек адабиёти тарихи» нашр қилинган. Биз фикр юритаётган икки жилдли адабиёт тарихи эса бадиий жараёнлар, асарлар ва турли адабий оқимларнинг янгича нуқтаи назардан, ҳозирги давр талаблари асосида чуқур илмий таҳлили билан фарқланади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда бадиий тафаккур тараққиёти, унинг мазмуни ўтган даврларга қараганда хийла мураккаблашди. Янги номлар, янгича нуқтаи назарлар, адабий концепциялар, оқимлар ва йўналишлар пайдо бўлдики, бу ҳодисалар замонавий адабиётшунослик олдига ўзгача талабларни қўйди. Давр талаблари асосида яратилган рус тилидаги икки жилдли «Ўзбек адабиёти тарихи» таркибий тузилиши, қамровининг кенглиги ва кўп асрли ўзбек адабиёти тарихини назарий жиҳатдан пухта ёритганлиги боис, нашр этилганига кўп бўлмаган эсада, ноёб библиографик манбага айланди. Зотан, бу китоблар филологлар, олий ўқув юртининг ўқитувчилари, аспирантлар ва студентлар учун, фақат Ўзбекистондагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам ўзбек классик адабиёти бўйича зарур қўлланмага айланди.

Илмий тадқиқотнинг биринчи жилди энг қадимги даврлардан тортиб XVI асргача бўлган адабиётимиз тарихини ўз ичига қамраб олади. Иккинчи жилдида эса XVII асрдан 1917 йилгача бўлган адабиётимиз тарихи тадқиқ этилган. Китобдан шарқ ва жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналари «Авесто», «Тарихи Табарий», Абу Райҳон Беруниийнинг «Ўтмиш аждодлардан қолган ёдгорликлар» асарлари, «Тарихи мулки Ажам», Алишер Навоийнинг «Вақфия» ва бошқа кўплаб дурдоналар талқини ўрин олган. Шунингдек, туркий халқлар мифологияси, уларнинг пайдо бўлиши ҳамда манбалари таҳлилига ҳам бу ишда алоҳида ўрин ажратилган. Яна бир муҳим янгилик шуки, унда X—XII асрлар адабиёти бир бутун бадиий ҳодиса сифатида олиб қаралган, яъни ўша даврлар тарихий шароитига кўра адабий жараён фақат туркий тилда эмас, балки форс ва араб тилларида яратилганлиги боис, ҳар уч тилдаги мерос бирга ўрганилган, ўзбек адабиётининг уч тилдаги мумтоз намуналарига илмий далиллар асосида баҳо берилган, ижтимоий, маданий, бадиий-эстетик жараёнлар ишонарли ёритилган.

«Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдли ўзбекча нашрда етарли даражада эътибор берилмаган, Шарқ адабиётида кенг тарқалган «нома», «тазкира», «халқ китоблари» каби жанрлар ҳам ушбу тадқиқотда эътиборга олинган. Бу нашр композицион қурилиши, методологик таҳлили ва баъзи мунозарали асарларнинг муаллифини аниқлаш жиҳатидан ҳам муҳим маълумотларга бойлиги билан диққатни тортади. Табиийки, китобда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга катта ўрин берилган. Буюк мутафаккирнинг ўзбек ҳамда жаҳон адабиётига қўшган ҳиссаси миллий ва чет эл навоийшунослигида яратилган тадқиқотлар мисолида янгича нуқтаи назардан таърифланган, шунингдек, халқ оғзаки ижодига, адабий алоқалар, таржима ва халқчиллик проблемаларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Икки томлик ўзбек адабиёти тарихида буюк ва атоқли ёзувчилар, шоирлар ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилган боблар билан обзор характеридаги материаллар ўзаро мантиқан боғланган. Иккинчи жилддаги кенгайтирилган обзорларда XVII—XX асрлар маданияти ва адабий ҳаётига алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, бу даврлар адабиёти тараққиётининг босқичлари ҳар томонлама, турли аспектларда тадқиқ этилган, ёзувчи ва шоирлар, адабий ҳодисалар, конкрет адабий йўналишлар ва оқимларнинг ҳар бирига аниқ таъриф берилган.

Халқ оғзаки ижоди, тасвирий санъат, мусиқа ва ҳаттотлик санъати муаммолари ҳам асл манбалар асосида батафсил текширилади. Адабий жанр проблемалари ҳам тадқиқотда бир бутун бадиий система сифатида олиниб, уларга чуқур илмий баҳо берилган. Шуниси диққатга моликки, турли даврлардаги адабий алоқалар ва бошқа тиллардан қилинган илк таржималар фактик материаллар асосида умумлаштирилган. Шунингдек, ижодий метод ҳақидаги хилма-хил мулоҳазаларга, демократик адабиёт вакилларининг адабий-эстетик қарашларига атрофлича муносабат билдирилган.

Маданий ва адабий жараёнлар ўлканинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти, ижтимоий тафаккур тараққиёти китобда турли тарихий воқеалар ривожи билан боғлиқликда олиниб, адабиёт, унинг мазмун ва шакллари конкрет тарихий давр маҳсули сифатида ёритилган. Биз бу ишда аввалгидек масалага бир ёқлама баҳо бериш ва вулгар социологик қарашларни учратмадик. Маълумки, яқин-яқингача қарийб барча тадқиқотларда чоризм Ўрта Осиёни босиб олганлиги ижобий баҳоланиб келинар эди. Тадқиқотда чор Россиясининг Ўрта Осиёни забт этиши, XX аср бошларидаги жадидлар ҳаракати ва бошқа шу каби актуал масалаларга илк бор илмий ва объектив баҳо берилган. Муҳим жиҳати шундаки, китобда машҳур тарихий воқеалар ўзбек демократик ва маърифатпарварлик адабиётида бадиий акс этганлиги фактик материаллар асосида кўрсатилган. Бир сўз билан айтганда, бу давр адабиётининг ўзига хос ғоявий йўналишлари, тенденциялари тарихий жиҳатдан объектив баҳосини олган. Иккинчи жилднинг «1905—1917 йиллар ўзбек адабиёти» бўлимлари, айниқса, яхши таассурот қолдиради. Ўзбек адабиёти тарихини энг мураккаб ва кам ўрганилган бу даври етарли даражада илмий таҳлилдан ўтказилган.

«Ўзбек адабиёти тарихи»да биринчи марта жадид адабиётига холис ёндашилган, унинг маърифий ва демократик характердаги моҳияти, халқ ҳаёти билан мустаҳкам алоқаси, унда даврнинг илғор ижтимоий-сиёсий масалалари акс этган ва жаҳон бадиий тафаккури билан узвий алоқалари аниқ кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Беҳбудий, Фитрат, Авлоний, Чўлпон, Аваз Ўтар ва бошқа атоқли мутафаккирлар, умуман, XX аср ўзбек маърифатпарварлари ижоди буржуа миллатчиси, контрреволюционер, реакционер каби ёрлиқлардан буткул холи тарзда кузатилади. Китобнинг обзор бўлимларида ва махсус боблларида кенг китобхонлар оммасига шу пайтгача етарли даражада маълум бўлмаган ўзбек адабиётининг Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Равнақ, Солиҳ, Андалиб, Ғози, Дилшод, Хазиний, Узлат, Ҳозиқ, Очилди Мурод, Мирий, Нодим ва бошқа намояндалари ижодлари билан атрофлича таништирилади. Ваҳоланки, бу шоирларнинг айримлари ҳақида ҳозиргача ўзбек тилида нашр қилинган адабиёт тарихларида қониқарли маълумотлар ҳам берилмаган эди.



Масалан, Хазинийнинг ижоди қадимда халқ орасида жуда машҳур бўлган. Унинг «Фарғона тонг отгунча» ашуласи ҳозиргача халқимиз томонидан севиб куйланиб келинмоқда. Қўшиқнинг муаллифи эса диний-мистик ёзувчи ёрлиғи билан қораланиб келинди. Мазкур тадқиқотда шоир ҳақида ҳам, унинг диний-фалсафий қарашлари тўғрисида ҳам қизиқарли, объектив маълумотлар берилган.

Адабиётимизнинг тарихини даврлаштириш масаласи ҳам бу ишда, назаримизда, тўғри ҳал қилинган. Ўзбек адабиёти йирик вакилларининг адабий портретлари ишнинг асосини ва моҳиятини ташкил этади. Айниқса, иккинчи жилдда Машраб, Махмур, Гулханий, Мунис, Огаҳий, Комил ва бошқа шоир ҳамда йигирмадан ортиқ жамоат арбоблари нинг улкан ижодий мероси тўлиқ таҳлилдан ўтказилган.

ИЛК БОР РУС ТИЛИДА нашр этилган икки жилддан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида ўзбек классик адабиёти бир бутун ҳолда илмий холислик асосида таърифланганки, биз ўзбек адабиётининг бошқа тилларда чоп этилган бундай тарихига эга эмас эдик. Табиийки, бу йирик тадқиқот унинг яратган муаллифларидан чуқур билим, теран нуқтаи назар ва катта бардошни талаб этган. Бизнингча, муаллифлар бунинг уддасидан чиққанлар. Хуллас, рус тилида яратилган «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг икки жилддан иборат янги нашри Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланишга арзийди.

Раҳмонқул ОРЗИБЕКОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ҳамид АБСАМИЕВ,
филология фанлари номзоди

ТИЛ БИЛГАН ДИЛГА ЯҚИН

XI аср алломаси, тилшунослик ва туркшунослик илмининг асосчиси Маҳмуд Қошғарий шундай деган: «Худо давлат қўёшини турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди, уларни турк деб атади, замонамизнинг ҳоқонлари қилиб қўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди. Уларни тўғри юришга қодир қилди. Уларга қарашли кишиларни ғолиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳалокатидан қутулди. Уларнинг (туркларнинг) ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва муносибдир. Уларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ солдилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар».

Бу гап тўққиз юз йигирма йил илгари айтилган. Маҳмуд Қошғарийдан кейин ҳам туркий тилнинг мавқеи, тараққиоти, тараққиёти учун замонасининг олиму шоирлари, давлат арбоблари дадил ҳаракат қилдилар. Хусусан, Ҳусайн Бойқаро Хуросонда давлат тили сифатида туркий тилни жорий қилиш хусусида махсус фармон чиқарган эди ва бу ҳақда Алишер Навоий шундай дейди: «Ва илтифот ва эҳтиром юзидан баъзи маънилар топиб, назм қилурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубиға таъйинлар ва адосиға таълимлар ҳам изҳори бўлди».

Туркий тил асрлар давомида бир қанча синовлардан ўтиб келди. Бу тилнинг шуҳрати фақат туркий халқлар орасида эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам беҳад ортди. VI аср ўрталарида туркий тил халқаро алоқалар тили вазифасини бажаргани тарихдан маълум. Турк хоқони Истами Константинопол ҳукмдори Юстин II га туркий тилида мактуб жўнатган.

Тил — миллатнинг қиёфаси, халқ руҳининг ифодачиси. Миллий уйғониш, ўзлигини англаш илк маҳсулини берди, икки йил бурун «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонун» қабул қилинди. Қонуннинг 4-моддасида шундай жумлалар бор: «Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт. Ўз фаолиятига кўра, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур

бўлган даражада билишлари лозим».

Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг мазкур моддаси жуда муҳим. Айни пайтда бу моддани амалга ошириш учун кўп вақт ва меҳнат талаб этилади. Ана шу меҳнатлар эвазига бир қатор русча-ўзбекча, ўзбекча-русча сўзлашув китоблари, луғатлар нашр этилди. Лекин рус тилида сўзлашувчи аҳоли учун сўзлашув китоблари ва луғатларнинг қулайлигини камситмаган ҳолда айтиш керакки, бевосита нутқий фаолиятни такомиллаштиришда мазкур қўлланмалар кутилган натижани бермайди. Тилни ўрганаётган миллат вакили бевосита предмет ёки ҳодисаларни кўз билан кўргандагина яхши эслаб қолади. Бу тил ўрганишнинг энг қулай усулдир.

Айни пайтда Ўзбекистонда яшовчи овруполик биродарлар учун ўзбек тилини ўрганиш маънавий эҳтиёжга айланиб қолмоқда. Улар мажбурият юзасидан эмас, балки зарурият юзасидан ўрганяптилар. Ана шу зарурий эҳтиёжни қондириш мақсадида яқинда «Ўқитувчи» нашриётида «Ўзбек тилини ўрганамиз. Расмли луғат» деб номланган китоб чоп этилди. (Муаллифлар — филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов, филология фанлари номзоди Боқижон Тўхлиев). Мазкур луғат ўзбек тилини

Тақриз

ўрганишнинг бошланғич даврида ҳам, нутқий фаолиятни такомиллаштириш жараёнида ҳам ёрдам беради. Муаллифлар ўзбекча сўзларни ва сўз бирикмаларини изоҳлашда луғат ва расмлардан фойдаланганлар. Расмлардан фойдаланиш орқали нутқ ўстириш малакаларини ҳосил қилиш — китобнинг асосий мақсади. Луғатда фойдаланилган 1300 сўздан 830 таси расмлар орқали берилган. 1300 сўзни ўзлаштириш ўзбек тилида бемалол сўзлаша олиш имкониятини туғдиради, деган гап. Муаллифлар турмушда энг кўп қўлланадиган сўзларни танлаб олишга ҳаракат қилганлар.

Луғат бир неча мавзу бўйича тузилган. Мавжуд дарслик ва қўлланмалар эса фақат сўз туркумлари ва гап бўлаклари тартиби бўйича тузилар, бу тартибнинг самараси кам эди. Мавзу бўйича гуруҳлашнинг ўзига хос қулайликлари бор. Бунда муайян соҳа бўйича нутқ малакалари ҳосил қилинади ва сўз бойлиги ошади, яъни сўзларни эслаб қолиш учун қулайлик яратилади. Берилган сўзларнинг таржимаси эса матн ичида эмас, балки китобнинг охирида — «Луғат» қисмида алифбо тартибида берилган. Бу усул тил ўрганувчини мустақил ҳаракат қилишга йўналтиради.

Муаллифлар қўлланмада лексик-грамматик изоҳларга ҳам ўрин ажратишган. Бу изоҳлар сўз бирикмалари ва гапнинг ҳосил бўлиши қонуниятларини ўргатибгина қолмай, балки сўз маънолларини етарли даражада тасаввур қилиш ва ҳар бир маънони ўз ўрнида қўллаш имконини беради. Шу мақсадда кўпроқ мураккаб ифодалар, синонимлар шарҳланган. Берилган машқлар эса асосан оғзаки нутқни ўстиришга ва маълум бир тематик гуруҳлардаги сўзларни ўзлаштиришга қаратилган. Суҳбат учун берилган матнлар ҳам танланиш тартибига кўра эътиборга молик. Улар мавзу жиҳатдан ранг-баранг қисқа матнлардан иборат. Ҳар бир бўлимда миллий реалияларни (тушунча ва ҳодисаларни) ифодаловчи сўзлар ҳам келтирилган. Албатта, бундай сўзлар рус тилида сўзлашувчи аҳолини ўзбек халқи урф-одати, маданияти, турмуш тарзи билан таништиришда муҳим аҳамиятга эга.

Луғатнинг фазилатлари ҳақида мулоҳаза юритганда, ҳатто, рус мактаблари ва олий ўқув юртлари учун ўзбек тили дарсликларини ҳам шу йўналишда яратиш керак, деган фикр туғилади. Чунки сўз туркумлари, гап бўлакларини эскича йўсинда ўргатиш натижа бермаётгани бугунги кунда аён бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай дастлабки ишнинг эътиборли нуқталари бўлиши табиий. Аввало, баъзи мавзулар эътибордан четда қолганлигини айтиб ўтмоқчимиз. Хусусан, китобга савдо-сотиқ, аэропорт, вокзал, автостанцияга оид мавзуларни киритиш лозим эди. Афсуски, уларга оид матнлар, машқлар китобда йўқ ҳисоби. Миллий реалияларни ифодаловчи сўзлар жуда оз, бор-йўғи ўн еттита сўз изоҳланган, холос.

Баъзан рус ўқувчиси эмас, ҳатто ўзбек ўқувчиси ҳам тасаввур қилиши қийин бўлган гаплар учрайди. Бу мураккабликлар шу гапларга ишланган расмлардан келиб чиққан. «Бола бобосига китоб ўқиб беряпти» ёки «Ота боласининг қўлидан ушлади» (46-бет) гапларидаги бола, ота-бола сўзларини ифодаловчи расмлар гап мазмунига мос эмас, яъни китоб ўқиётган бола, боласининг қўлидан ушлаган ота расмда акс этмаган. Рассомнинг лоқайдлигиданми ёки муаллифларнинг эътиборсизлиги туфайлими, ўзбекча саволга («Карим нечанчи синфда ўқийди?») ўзбекча жавоб бериш талаб қилинган ўринда «3 класс» деб ёзиб қўйилган. (103-бет). Бундай ҳолда жавоб берувчи, «синф» дейишим керакми, «класс» дейишим керакми, деб ўйланиб қолиши табиий.

Бу мулоҳазалардан қатъи назар мазкур луғатнинг рус тилида сўзлашувчи биродарларимиз учун нафи катта ва бу хайрли иш Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг бажарилиши йўлида муҳим қадам деб баҳоланишга лойиқ.

Насимхон РАҲМОНОВ,
Сабохон ҲАМРОҚУЛОВА

Қутлайлиз!

Бу йил Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ёш ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида адабиёт соҳасида қатағон йилларининг қурбони бўлган оловқалб шоир Усмон Носир номидаги мукофотни таъсис этган эди. Мукофот низомига кўра, у 30 ёшгача бўлган ижодкор ёшларга энг яхши китоблари, тўпламлари ва нашр қилинган асарлари учун бериш мўлжалланганди.

Яқинда ана шу мукофотнинг илк лауреатлари аниқ бўлди. Улар орасида иқтидорли шоир Эшқобил Шукур ҳам бор. У бу мукофотга «Тунги гуллар» деб номланган шеърий тўплами учун сазовор бўлди. Ёш шоирни Усмон Носир номидаги мукофотнинг илк лауреати бўлганлиги билан кўпсонли муштарийлар номидан қутлаймиз!

Эшқобил ШУКУР

ҚОБИЛ, ҲОБИЛ ВА ЭШҚОБИЛ

ЕҲУД ЎШ ҲИКОЯСИ

Ривоятга кўра Одам Атонинг болаларидан Қобил ўз укаси Ҳобилни қиз талашиб ўлдириб қўяди. Инсоният тарихида қотиллик Қобилдан бошланган экан.

Ушбу шеър эса, Ўш-Ўзган фожиалари аламидан битилди.

Қора кун Ҳобилни ўлдирди Қобил,
Қотилнинг ичини куйдирди вулқон...
Сен кимни ўлдирдинг, Эшқобил,
Нега қўлларингда бир пиёла қон?..
Қобил худонинг бир томирин узди,
Бу буюк кўргилик... Бу гуноҳ ёмон...
ЭШҚОБИЛ, о, сен Қобилнинг дўсти,
Нега қўлларингда бир пиёла қон?
Ҳобилнинг оғзига тиқилган ўлим,
Қобилнинг оғзига тиқилган талқон.

Эшқобил, оғзингда бир қарич тилинг,
Қўлларингда эса бир пиёла қон...
Қобил қотил бўлди, бечора қотил,
Гуноҳин кўмарга жой топмай ҳайрон.
Сен шоир бўлдингми, Эшқобил,
Қара, қўлларингда бир пиёла қон!
Қобилнинг қони бу бир пиёла қон,
Мунча шафқатсизсан, меҳрибон ҳаёт,
Бу қандай кўргилик, бу қандай замон,
Қобил тўккан қонни мен ичсам наҳот!

Умида АБДУАЗИМОВА

ОНАЖОН

Онажон, болалик жуда ҳур эди.
Қулоқлар кар эди, кўзлар кўр эди.
Бугун кўп нарсани билиб лол қолган
Билағон болангнинг ҳолни кўр энди.

Осмонда юлдузлар камайиб кетди,
Онажон, оламим торайиб кетди.
Офтобим чарақлаб нурин сочарди,
Оймома ҳам ғамдин қорайиб кетди.

Бекорчи куним кўп, аммо тиним йўқ,
Ишлайман, ишлайман, ишда унум йўқ.
Қўшчига қўним йўқ, ҳокимга қўним...
Бу тилим танглайда қотган, уним йўқ.

Онажон, сен менга ўтмишдан сўйла,
Муқанна, Широқ, Кунтуғмишдан сўйла,
Зайнабни ўлди де, замонни — сўлди,
Отабек ҳаёт де, Кумушдан сўйла...

Эртакка ишонмай қўйганим ростдир,
Эртакка ишонтир, онажон, мени.
Умидвор кунларга ундамоқ создир,
Эрмакка ишонтир, онажон, мени!..

ҲЕЧ КИШИ

Жонимга жон бўлолмайди ҳеч киши,
Бежон бўлсам ўлолмайди ҳеч киши.
Жон ипимнинг тугунида титрайди
Бугуни ё эртаси ё кечмиши!

Ёлғиз келдим, эвоҳ, ёлғиз кетаман,
Ёлғизларга ҳамду олқиш элтаман,
Мен ҳам сендек бўлдим дейман, кун келиб,
Тун чекиниб, мен ўзимга етаман.

У кунларга то етгунча сурингум,
Ҳаётимни чўзмоқ учун урингум,
Ҳар бир куним менинг ўтар умримдир,
Бу умрга қандоқ яхши кўрингум?

Билар сўзим битта: эрта кетаман,
Шукр айта-айта эрта кетаман.
Кетар бўлсам нега келдим, азизлар?
Имконларга ета-ета кетаман.
Гар етмасам айтинг, бунда нетаман?..

●

Бўйинг бўйинг билан тенглашганда
Фарзандинг тик қараб турса бермай бўй.
Сўзингни ўзгалар тинглаганида,
Боланг тингламаса, юрак, урмай қўй.

Юрмай қўй, эй соат мили, илгари,
Бўйингдан бўйини оширмай бурун.
Жаннатдан қувилган Одам сингари,
Буғдойни қўйнида яширмай бурун.

Келиб кет қуп-қуруқ ёғоч мисоли,
На мева тугиб, на япроқ чиқариб.
Орзу-ниятларинг афғон шамоли
Учириб кетгани яхши, сен — ғариб...

Сен ғариб, ҳам қариб қолган етим дил,
Етдим деганингда йиқилган кимса...
Бўйи бўйинг билан тенглашганида
Фарзандинг тик қараб турса сен жимсан!..

Сен жимсан ўзингдан, ўзлигингдан ёт,
Боласин «юмшоғим» деган кирписан,
«Ўз ёвинг ўзингдан чиқсин» — дея ёд
Айтасан онангнинг сўзини зимдан...

●

Симурғ юз йил излаб ўзидан топган,
Оллоҳ манглайидан эркалаб ўпган,
Карвоним шайтоннинг итлари қопган,
Кўнглим рисолати, қанисан, қани?..
Қадр кечасида ўттиз ҳур туққан,
Минг-минг оч гадойни сўз билан боққан,
Дил ўтида эт ва суягин ёққан,
Жоним ибодати қанисан, қани?..
Саҳройи қуюнга дўнди булутлар,
Кемадай чайқалиб сузар тобутлар,
Сен ҳайрон кабутар, омон кабутар,
Кўнглим рисолати қанисан, қани?..
Бу вайрон оламга балки қайтмассан,
Юрак яланғочлаб қайта ўтмассан,
Бу ёлғон дунёга мени сотмассан?..
Жоним ибодати қанисан, қани?..
Кўнглим рисолати қанисан, қани?..

●

Қўлларим давлатдан бўшаган сари,
Тўлиб бораверар юрагим.
Кўзларим зулматдан бўшаган сари
Тўлиб бораверар юрагим.
Ёмоним тузумдан бўшаган сари,
Тўлиб бораверар юрагим.
Юрагим ўзимдан бўшаган сари,
Тўлиб бораверар юрагим.

●

Олмалар етилар ғамли зирқиллаб,
Аёлдай бўшанар милтиқлар ўқдан.
Бошларда ғоялар пишар билқиллаб,
Ё раббим, наҳотки... Наҳот, мен йўқман?...
Олтин шафтолилар чириб узилар,
Зубаржад бошоқлар дарддан тўлиққан...
Динлар қулаб кетар, халқлар бузилар,
Ё раббим, наҳотки... наҳот, сен йўқсан?..
Булбуллар қафасда лоқайд семирар,
Куллар, бўйнидаги занжир толиққан...
Кўнглим деворларин кимлар емирар,
Ё раббим, наҳотки... наҳот, мен йўқман?..
Авлодлар етилар ғарибдан ғариб,
Қайғули кўзларда совиб ётар ўқ.
Кимлар Ерни кўкка қўймиш тўнкариб,
Ё раббим, наҳотки иккимиз ҳам йўқ?..

ИШҚ СУҲБАТЛАРИ

— Ай, гул, киймишинг ўн саккиз баҳор, ай, гул
Сўйла, қайси жаҳон санинг қулингдир?
— Ибтидонг туфроғдур, интиҳонг ҳам шул,
Билсанг, етти олам манинг молимдур.
— Ай, сарв, яфроғлари ишқ уйи, ай сарв,
Сўйла, қайси бўстон санинг боғингдур?
— Эй, сен, кўнглин ишқи ўз жонига сарф,
Бир насим уволдур сенга боғимдин.
— Ай, моҳ, минг кечани ёпинган, ай, моҳ,
Сўйла, зулфинг ичра неча тўфондур?
— Эй, сен, ўз-ўзига топинган гумроҳ,
Ҳар тола сочимда бир тонг ниҳондур.
— Ай, шамс, минг юлдузни ияртган, ай, шамс,
Сўйла, ҳаёт қайда, ўлим қайдадир?
— Эй, сен, ўз-ўзини этолмаган жамъ,
Ҳаёт осмондаю, ўлим ердадур.

●

О, менинг суманбар келинчагим-ей,
Кел, бирга куйлайлик,
Зарафшон чимилдиқнинг хушбўйлар чўккан
Энг қоронғи ҳилватгоҳида.
О, менинг сарвқомат келинчагим-ай,
Кел, бирга ўйнайлик
Худҳудлар қаноти — зардеворларнинг
Энг қоронғи ҳилватгоҳида.
О, менинг шаккарлаб келинчагим-ей,
Кел, бирга яшайлик
Ям-яшил товуслар кўкараётган
Алвон сўзананинг ҳилватгоҳида.
О, менинг заркокил келинчагим-ой,
Кел, бирга севайлик.
Лолалар суйкалиб жон бераётган
Ҳаётни, дўзахлар ҳилватгоҳида
Кел, бирга севайлик.

●

О, менинг суманбар келинчагим-ей,
Кел, бирга куйлайлик,
Зарафшон чимилдиқнинг хушбўйлар чўккан
Энг қоронғи ҳилватгоҳида.
О, менинг сарвқомат келинчагим-ай,
Кел, бирга ўйнайлик
Худҳудлар қаноти — зардеворларнинг
Энг қоронғи ҳилватгоҳида.
О, менинг шаккарлаб келинчагим-ей,
Кел, бирга яшайлик
Ям-яшил товуслар кўкараётган
Алвон сўзананинг ҳилватгоҳида.
О, менинг заркокил келинчагим-ой,
Кел, бирга севайлик.
Лолалар суйкалиб жон бераётган
Ҳаётни, дўзахлар ҳилватгоҳида
Кел, бирга севайлик.

●

Ивирсиган хонамнинг
Ис босган бурчакларида,
Жулдур кийган илҳом париси.
Ранги ўчган дастурхоннинг
Қоқ ўртасидан,
Қумурсқалар карвони ўтар.
Пешонамнинг йўлларидан тер оқизиб,
Муштимни янчиб,
Чой ичгим келади.
Аллақачон отам қуйган
Қуюқ чойда
Ғарибликнинг яққол акси бор.

Мирза РАҲИМ
МАМАЖОН

ПЕШОНАМГА ЁЗИЛГАНИ

Негадир бугун
Қайфият йўқ,
кўнгил тор.
Шам ёқилган кулбам
Ундан-да тор кўринар
Кўзга.

Қаршимда тошойна.
Узоқ тикилиб тураман
Унга,
Гарчи ўзимдан бўлак
Ҳеч ким кўринмаса
Ҳам.
...Ана
Сочларим орасидан
Чиқа бошлар
суварак.
Ва пешонамда
Узоқ туриб қолади.

Асли
Шундай ёзилар
экан,
Ёруғ кунга
Интилганнинг
Пешонасига.

ЁМҒИР КУЙИ

Қатта-кичик
Чувалчанглар чиқар,
Мени кутгани.
Уларга дардимни
Ҳар томчимда
Айтиб йиғлайман.
Ёғаверараман,
оқаверараман,
томаверараман.
Ўйлаб топилмаган
Менинг ҳаётим.
Оддий дақиқалар
Бўлмас оламда.
Булутларга сиғмайди.
Севгим.
Мен севгимга сиғиб
Яшайман.
Йиғлайверараман,
Ёғаверараман...
Тунлар тонгга
Уланаверар,
Кунлар ҳам ноилож
Таслим бўлади.

Кўз ёш билан
Ўлчанаркан дард.
Ташвиш менинг
Қорачиғимда

Ёғаверараман,
Йиғлайверараман,
Томаверараман.

НАФАҚАТ КЎЗЛАРИМ ОЖИЗ...

Менинг нафақат кўзларим ожиз,
Ўзим, ўзлигим, ғурурим ҳам.

Кўнгил ярим, бахт ярим,
Қуёш ботган кўксимга.
Зулмат ичра ўтмоқда умрим,
Ўксик нур ҳам қўнмас кўзимга.

Йўқотдик биз мувозанатни,
Менинг Ватаним,
Сенинг Ватанинг,
Унинг Ватани.
Барчамиз муаллақ учиб юрибмиз...

Булоқлар ўрнини пахтазор олди,
Боғларда мевалар тўкилмай қолди,
Оролнинг сувини билмам ким ичди?
Ариқлар қуриган,
Майсалар сўлган,
Бу юртда қушлар ҳам
Ўз тилида
Сайрамай қўйган.

Биз жуда кўп ухлабмиз, дўстим,
Ҳеч нарсани сезмабмиз,
Ҳатто
Синглимнинг ҳам сочини
кесиб кетишган.
Сесканмабмиз белбоғларни ечганда,
Донг қотиб ухлайверибмиз.
Тўнларни ҳам тескари кийиб,
Кўзлар юмуқ, яшайверибмиз.

Улар бўлса,
Бемалол, сичқоннинг инига
Қўлини суқиб,
Уйғоқларни қатағон қилган.

Ёруғ кунлар келмас бу юртга,
Йигитларнинг белбоғи йўқ белида,
Қизларининг сочи тушмас белига.

...Кейин билсам,
Аждодларнинг қони совиб ўлгурган.

Сафар БАРНОЕВ

Сирли дафтар

1967 ЙИЛНИНГ қирчиллама қиши. Январь ойининг ўрталарида болалар шоири Қуддус Муҳаммадийнинг олтмиш йиллигини нишонлаш учун водий сари «Раф» машинасида йўлга чиқдик. Раҳбаримиз Уйғун ака эди. Сафда Пўлат Мўмин, Мавлон Икром, сураткаш Равиль Альбеков, яна табиийки, Қуддус ака, ўғли Шодивой бор эди. Мен матбуот хабарчиси вазифасида эдим.

Биринчи учрашувларимиз қадимий Қўқондан бошланди. Кўқон муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи, қатор мактабларда шеърият байрами бошланиб кетди. Меҳмонхонада Қуддус ака, Шодивой ва менга бир хона тегди. Тўкин-сочинлик пайти. То ярим кечагача мезбонлар хизматда. Дўстим Йўлдош Сулаймон ҳали аскиячиларни, ҳали шоиру ҳофизларни бошлаб келади. Ишқилиб, савлат тўкиб ўтирган Уйғун ака билан олтмишвой Қуддус аканинг кўнглини олиш. Ҳурмат шунчалик ошиб кетадики, баъзида тўй бола кимлигини ажрата олмай қоламиз.

Болалар шоири ўзининг тўйи ўтаётганини унутиб, саҳнага чиқиб олгач, андак-мундак пайтда бўшатгиси келмайди. Уйғун ака охири Қуддус акага тайинлади.

— Қуддусвой, гапираётганингизда менинг қўлимга қараб туринг. Агар ипни тортсам, бўлди деганим.

Шундан кейин Қуддус ака ўзига, сўз берилиши билан дарров Уйғун аканинг қўлига қарайдиган одат чиқарди. Уйғун ака қўлини ҳаракатга келтириши билан Қуддус ака сўзини тугатар-тугатмас келиб ўрнига ўтиради.

Қуддус ака Шодивойга кўтартириб бир даста нон, талқон ҳам олиб борган эканлар. Буниси ҳам майли. У киши соат олтида туриб олиб мени уйғотади.

— Сапархон!

— Лаббай, — деб ўрнимдан тураман.

— Юринг, бир кўча айланиб келайлик. Тоза ҳаводан нафас олиш қандай яхши. Соғлиққа фойдаси бор.

Қиш куни ҳаммаёқ зим-зиё. Ноилож апил-тапил кийиниб у кишига эргашаман. Меҳмонхонадан то Абдулла Набиев ҳайкалигача бўлган масофа бўйлаб юрамиз. Қуддус аканинг оёғи ерга тегмайдими, қанот чиқарадими, бирдан олдинлаб кетади. Орқада қолмайин деб ҳансираб чопаман. Икки кун шу зайлда тонг оттирдик. Фарғонадаги учрашувлар, суҳбатлар охирлагач, Андижонга ўтдик. Бу ерда энди мен меҳмонхонанинг бошқа хонасига ўтиб олдим. Қаерда бўлмайлик, уйқу олди суҳбатимиз Уйғун аканинг хонасида давом этарди. Ана шундай кечаларнинг бирида юрак бетлаб Уйғун акани саволга тутдим.

— Кечирасиз, домла, рости сизнинг асарларингизни ўқиб тилимиз чиққан. Лекин кейинги пайтда сиз ҳақингизда ҳар хил сўзлар кўпайиб кетди. Шулар ҳақида айтиб берсангиз?

Уйғун ака дам менга, дам Йўлдош Сулаймонга қараб очилди.

— Бу гап-сўзларни ўзим ҳам эшитиб юрибман. Уни пуфлаётган одамларни яхши биламан. Менинг битта айбим шуки, атрофимга одам йиғиб, кунда-кунора дастурхон ёзиб, ўзимни ҳалол, пок, жабрдийда қилиб кўрсата олмадим. Буни уддасидан чиққанлар эплаб кетди. Ҳолбуки, ўшалар не-не ишларни қилишмади. Оғзингдан чиққанини тегишли жойга пилдираб етказиб турганларни биламизку. Энди улар сўфию соф, мен гуноҳкор бўлдимми? Жўжахўрозлар, бир сирни сизларга айтақолай. Кейинги пайтда бор гапни ойдинлаштириш учун эсдаликлар ёзишга киришдим. Шу пайтгача тўртта катта дафтарни тўлдирдим. Умрим етганича кўрган билганларим, гувоҳ бўлган воқеаларим, сафдошларим ҳақида ёзиб бораверараман. Ана ўшанда менинг ҳақимдаги гапларнинг нечоғлик рост-ёлғон эканини дафтарлар орқали билиб оласизлар. Жўжахўрозлар, буни фақат сизлар ўқийсизлар. Лекин ҳаётлигимда уни эълон қилмайман.

Уйғун акани бошқа саволга тутмадим. У киши бошини сарак-сарак қилиб чуқур ўйга чўмди. Уйғун ака умрининг охиригача хотира ёзиш билан машғул бўлгандир. Ҳатто ёзмаган тақдирида ҳам ўша бизга айтган тўртта «катта дафтар» унинг адабий меросида бўлиши керак. Ўша дафтарларни варақлашга пайт келмадимикан?..

Йиғлаб ўтган шоир

МИРТЕМИР ДОМЛАНИНГ телефони бузилиб қолиб тез-тез «Ленин учқуни» рўзномасига қатнай бошлади. Қатнашининг боиси, бизда ундан яқиндагина оқ йўл олган шогирди — Барот Исроил ишласа, иккинчи асосий ҳожатбарор — Анвар Ҳожи хизмат қиларди.

Миртемир домла эшикни қия очардию албатта иккаласидан бирини имларди. Мулла Баротвой шогирд сифатида етовида юрса, Анваржон бузуқ телефонни тезроқ улаш билан овора эди.

Ҳар кимнинг табиат берган истеъдоди бор. Анвар Ҳожи ҳар қандай амалдор, савдо аҳли билан тил топа олар, йўқни йўндирарди. Анвар ҳали уёқ, ҳали буёқ билан боғланади. Дўқ-пўписа қилади. Шундай катта шоирнинг телефони нега ишламас экан, деб жаҳли чиқади. Бу машмаша анчагача давом этди. Домла бир гал келганларида ўзимча маслаҳат бердим.

— Домла, шуни Юсуфжон Ҳамдамга айтсангиз-ку дарров бажарарди. Бунча овора бўлмасдингиз.

— Бўтам, қўл-оёғимни унга боғлаб бермоқчи эмасман-да...

Изоҳ тариқасида шуни эслаб ўтмоқчиман. Ўша йилларда Юсуфжон Ҳамдам ҳақида қоплаб латифаю, турли-туман ғаройиб гап-сўзлар юрарди. Мен унинг арвоҳини безовта қилмоқчи эмасман. Агар ҳозир Юсуфжон ака ҳаёт бўлганида, бизнинг кундаги учарларни, олғиру туллакларни кўрганида ёқа ушлаб, юраги ёрилармиди-ей...

Миртемир домла иши битгач, бир куни миннатдорчилик эвазига, ишлаётган телефонни Анвар билан иккимизга «ювиб» берди. Навоий кўчаси бўйлаб учовлон пиёда йўлга тушдик. Суҳбатлашиб домланинг икки ёнида бораяпмиз. Шу юришда «Дўстлик» аталмиш меҳмонхонага етиб келдик. У киши иккаламизни етаклаб меҳмонхонанинг иккинчи қаватидаги тик турма емакхонага бошлаб кирди. Сотувчидан бир шиша грузин конягию озгина газак сотиб олди. Кейин сотувчидан рухсат олиб чордоқнинг эшигини очди. У ерда бир дона стол, иккита ўтирғич бор экан. Бир томонда турли ашғол-дашғоллар, сиқилиб ўрнашиб олдик. Шишани очдик.

— Биласизлар, мен ичмайман, фақат сизларга ҳамроҳ бўлганим учун лабимга теккизиб тураман, — деб домла бир қултумни қадаҳига қуйди.

Устозга соғлик тилаб буёғини эплаб турдик...

— Бундан кейин, — маслаҳат берди устоз, — ичадиган бўлсаларинг, мана шу ерга келинглар. Бу ердан сизни бирорта ғаламис, ҳасадгўй тополмайди. Кўча-кўйда бўлса, дарров маломатга қоласизлар. Бошингизга не-не бўҳтонларни ёғдиришади. Баъзиларга сенинг соғу-саломат юришинг ҳам ёқмайди...

Нашриётда ишлаётган пайтим эди. Наим Каримов домланинг адабий ўйлари, хотираларини тўплаб нашр этиш учун олиб келди. Қўлёзмани бир бошдан ўқиб чиқдим. «Сотти Ҳусайн ва Сотти Ҳусайн ҳақида» деб номланган мақолани ўқиганимда танамга қалтироқ тушди. Ўзбекнинг чин шоири бошига тушган савдолар, маломатлар, хўрланишларнинг барча-барчаси унда алам-фарёд билан ёзилган эди. Янглишмасам, бу улуғ шоирнинг сўнгги ҳасратномаси эди.

Миртемир домланинг «Мен йиғлаб бўлдим» дейишлари бежиз эмасди. Не кўргиликка дуч келган бўлсалар, барчасида ўз ҳамқалам дўстларининг қўли борлигини мақоладан пайқаб олса бўларди.

Биз Миртемир домланинг «Дўстлик» меҳмонхонасидаги «ғамхўрлиги»ни ҳамон эслаб юрамиз. Эслаймизу ғаламис гапларга, маломатларга домланинг нақадар юрак олдириб қўйганини чуқурроқ англаймиз.

Қора халқ

«ЁШ ГВАРДИЯ» (ҳозир «Камалак») нашриётида ишлаб юрган кезларим. Бир куни раҳбарият мени хонасига чақириб, болалар муҳарририятига бўлим бошлиғи бўласан, деб таклиф қилишди. Эртасига бу таклиф амалга ошди. Муҳарририятда Рауф Толиб, Сурайё Саидалиева, Собир Юнусов ишларди. Собир ака яқиндагина бош муҳаррирлик ўрнини бўшатиб берган, кексалиги, ҳурмати учун уйда қўлёзма таҳрир қиларди.

Маълумки, бўлимнинг хомаки режаси тузилгач, олдин бош муҳаррир, сўнг эса директор иштирокида кўриб чиқилади. Муҳимлиги, фойдазарари чамалаб кўрилади. Бош муҳаррирнинг илтимоси, ваъда берганлари бўлади. Кейин директор ён дафтарини очади. Кўрибсизки... бўлимнинг йиллик режасига олдин унвонли ёзувчилар, кейин амалдор таржимонлар, кейин бир-бирига боғлиқ кишиларнинг асарлари, чала-чулпа таржималари киради. Қаламкашларга навбат тегиши амри-маҳол. Бу энди ўша йилларнинг иш усули эди...

Раҳбарият, «режалаштиринг, ҳажмига қўшинг» дейишини қўймайди. Бир йиғинда бу аҳволда ишлаб бўлмаслигини, ҳаммаёқни хом-хатала асарлар, таржималар босиб кетганини куюниб гапирдим. Тинглаб ўтирганлар миқ этмади. Мажлис тугагач эса, ҳали у келиб «бопладинг», деди, ҳали бу келиб қўлимни сиқиб табриклади. Ҳаммага қора бўёқ чаплаб юрадиган бир акахонимиз бўлгучи эди. Раҳбариятни танқид қилиб бўларканми деб, шартта изимга тушди. Директорга арз билан кирди. «Фирқа аъзоси бўлганда раҳбариятни танқид қилгани учун масаласини бюрога қўйиб, жазолардик, умуман, фирқасиз одам қандай қилиб бўлим бошлиғи бўлади», деб туриб олди. Хуллас, хавфли одамни ўрнидан жилдириш керак.

Ўша мажлисдан кейин ўн беш кун ўтар-ўтмас раҳбарият чақириб қолди. Собир Юнусовнинг нафақа ёшига етиб қолгани, унинг тузукроқ маошга ўтиши лозимлиги ҳақида гап-сўз бўлди. Сезиб турибман, менинг ўрним керак. Ўз аризам билан (албатта, уларнинг талаби билан) бўлим бошлиқлигидан яна муҳаррирликка ўтдим. Баъзилар «Э, бекор қилибсан, сира ҳақлари йўқ эди», дейишди.

Собир ака менинг ўрнимни эгаллади. Иш ўша-ўша давом этаверди. Аммо бошлиғимиз биз қўлёзма таҳрир қила бошлашимиз билан бошини кўтариб кузатар, кўзимиз кўзига тушиши билан «ё обло» деб ғаладонини титкилашга ўтарди. Хонадагилар «Собир ака бизга ишонмаяптилар», деб кўярди. Мен эски одатим бўйича, эрталаб хонага киришим билан ўтирганларга айтадиган гапим битта:

— Салом, қора халқ!

Кейин сезиб қолдим. Собир ака менинг «салом, қора халқ», дейишим билан секин хонадан чиқиб кетар экан. Кунлардан бир кун «Салом, қора халқ», дейишим билан бўлим бошлиғимиз танбеҳ берди.

— Сафаржон, иккинчи бу сўзни ишлатманг. Бизда қора халқ йўқ. Совет халқи бор.

Собир ака шундай дедию «ё обло»сини такрорлаб хонадан чиқиб кетди. Бу ёғи қандоқ бўлди, деганча ходимлар кулишдик. Тушликда хонадагиларга яна мурожаат қилдим.

— Қора халқ, бугун нима еймиз?

Эртасига бўлим бошлиқлари алоҳида хонада ўтиришсин деган буйруқ чиқди...

Ҳозир ўйлаб қарасам, биздан катта авлод нечоғлик жонини ҳовучлаб яшаган экан. Аслида эса қора халқ эмас, ундан баттар эканлигимиз бу кунга келиб аён бўлди.

Афсуски, орамиздан бевақт кетган яхшигина ёзувчимиз, эҳтиёткор акамиз — Собир Юнусов бу кунларни кўролмади.

Руҳий танҳоликка

ХАМШАҲРИМ МАКСИМ КАРИМ билан анча қадрдон эдик. Айниқса, Бухорои Шарифда. Гоҳ Лаби Ҳовуз, гоҳ Регистон бўйлаб сайр қилиб, унинг уйига бориб қолардик. Отаси Саиджон эка анча зиёли одам эди. Борди-келдиларнинг бирида у кишидан сўрадим.

— Амаки, ўғлингизнинг отини нега Максим қўйгансиз? Балки Махсумдир.

— Йўқ,—деди у киши,—Махсум эмас, Максим. Билсангиз, менам шеърлар ёзганман. Қўшиқларимни хонандалар айтишган. Ўттиз олти, ўттиз еттинчи йиллар эди. Орзум ушалмади. Бир ёғи кўркув. Шеър ёзганни тутиб кетишар эди. Шоирликни ташладим. Армоним кўп эди. Максим Горькийни ҳавас қилиб, ўғил кўргач унинг исмини Максим қўйдим. Максим Горькийдай ёзувчи бўлсин дедим...

Максимнинг уйи Регистонга яқин эди. Учрашсак, ким кўп қофиядош сўз топади деб, мусобақа ўйнардик. У Арк биносига қараб бошларди. «Мана бу Арк, уни этманг тарк, йўқса бўламиз ғарқ, буни этинг фарқ, мана бу томон шарқ»...

Бизга бош-қош бўлиб юрадиган Тошпўлат Ҳамид уни ўзига яқинроқ тутиб, Максим комсомол шоири бўлади дерди. Эллигинчи йиллар охирларида тенгдошлари орасида биринчи бўлиб Максим Каримнинг шеъри «Ўзбекистон маданияти» рўзномасида эълон қилинди. «Кутиш» деб номланган ушбу шеърда ошиқнинг маъшуқасини сой бўйида кутиш ҳолати тасвирланган эди. Шеър «сой бўйида кутаман танҳо», деб бошланарди.

Максимнинг қувончи узоққа чўзилмади. Кўп ўтмай шу рўзномада устозлардан бирининг танқидий мақоласи эълон қилинди. Унда Максим Карим шеъридаги ошиқ — қаҳрамон нега бунча ибтидоий жойда ёрини кутади, истироҳат боғлари, колхоз клубларида кутса бўлмайдими, деган дашном бор эди. Албатта, бу танқиддан кейин бечора Максим довдираб қолди... Эсимда, Туроб Тўла Бухорога келганида Тошпўлат ака ундан танқид ҳақидаги фикрини сўради.

— Нотўғри ёзган, — деб Туроб ака кўпчиликнинг олдида Максимнинг кўнглини кўтарди. У йилларда танқидга учраш хавфли эди. Ҳали-ҳанузгача ундан қолган асорат тугагани йўқ.

Ҳозир ўйлаб қарасам, Максим Карим биринчи танқиддаёқ қуролини ерга қўйган экан.

Бир куни мен унга икки қатор шеър ўқиб бердим.

Бухоро қалъасининг кунгиралари
Қуёш сочларига бўлади тароқ.

— Бу хато, — деди у. — Сиёсий жиҳатдан қалтис. Сен уни мана бундай тузатгин:

Кремль деворининг кунгиралари
Қуёш сочларига бўлади тароқ.

Ахир нур ўша ердан таралади-да...

Йиллар ўтди. Максим Карим «кўтарилиб» Тошкентга келди. Комсомолда, унга қарашли рўзномада, радиода, хуллас, анча-мунча даргоҳда ишлади. Бир қатор саҳнабоп асарлар яратди. У билан ора-сирада учрашиб турдик. Аммо олдинги қуюқ суҳбатлардан дарак йўқ эди. У сиз билан суҳбатлашиб турса-да, хаёли бошқа жойда бўларди .Сиқиқ, ўйчан, ёлғиз юришни истарди. Нега бундай бўлди? Бу саволга жавоб топиш қийин.

У орамиздан бевақт кетди. Ўша машъум хабарни эшитишим билан дарҳол унинг дўстларидан бирига сим қоқдим.

— Эшитдингизми, Максим оламдан ўтибди.

— Ўзи умри тугаган эди. — Жавоб берди у.

Мен гўшакни ўрнига қўйдим. Нега бунчалик тошбағирлик.

Мана, ўшандан бери орадан тўрт-беш йил ўтиб кетди. Давраларда унинг номини тилга олишадими, йўқми, буни билмайман. Биз унинг комсомол шоири бўлишини орзу қилардик. Афсуски, сохта эътиқодлар не-не маънавиятларимизни хароб қилди. Бир-биримизга ишонмайдиган, қаҳрли қилиб қўйди. Агар у бу дунёга келиб ҳақиқий сирдош дўст топганида узоқроқ яшармиди? Яхшигина шоир бўлиб элга танилармиди? Ахир унинг:

Кўйлаги ўрикнинг гулидек оқ қиз,
Нечун юрагимга кирдинг сўроқсиз.

деб бошланувчи ёшларга аталган шеърлари бир талай эди. Руҳий танҳолик эса ўз ишини қилиб кетди.

ЁДНОМА

ҲАР НЕ КЕЛСА БОШИНГГА...

ТИЛ АЛЛОҲ ТАОЛО ЎЗ БАНДАЛАРИГА берган ҳисобсиз неъматлар ичидаги энг улуғ неъматдир. Кимда-ким ўзига берилган неъматлар қаторида бу неъматнинг ҳам қадрига етса, шукронасини қилса, икки дунёнинг саодатига эришади. Аксинча, бу улуғ неъмат қадрсизланса ва ношукрлик қилинса, натижада икки дунёда хижолатпазликка сабаб бўлади.

Ҳар нечук неъматнинг қадрига етиш, шукронасини бажо келтириш, неъмат берувчи зот — Аллоҳга ҳамд сўзларини айтиш ва берилган неъматни Аллоҳнинг хоҳиши асосида ишлатиш билан адо этилади. Бизга тил берган зот — Аллоҳ таолога шукроналар айтиб, тилимизни яратганнинг хоҳишига биноан фақат эзгу, тўғри йўлларга қўлласак, иншоолоҳ, икки дунёнинг саодатига эришгаймиз. Акс ҳолда, худо кўрсатмасин, оқибати хайрли бўлмайди.

«Танада бир парча гўшт бор, агар у яхши бўлса, бутун тананинг ҳам ҳоли яхши бўлади, агар у ёмон бўлса, бутун тананинг ҳам ҳоли ёмон бўлади», дейилади бир асарда.

Ҳа, ҳақиқатан, инсон шаҳодат калимасини келтиришни, Қуръони карим қироатини ва икки дунё саодатига эриштирувчи бошқа амалларни ҳам шу тил билан бажаради. Куфр сўзларни, ёлғонни, бўҳтонни ва икки дунё бахтсизлигига сабаб бўлувчи бошқа сўзларни ҳам шу тил билан айтади. Демак, тилга жуда кўп нарса боғлиқ экан, ҳатто кишининг имони ҳам тилга боғлиқ. Ибн Абиддунё исмли муҳаддис ривоят қилган ҳадисда пайғамбар алайҳиссалом: «Банданинг қалби мустақим (тўғри) бўлмагунча, имони мустақим бўлмайди. Тили мустақим бўлмагунча, қалби мустақим бўлмайди», деганлар.

Шунинг учун ҳам тилга эҳтиёт бўлмоқ зарур. Кишининг бошига тушадиган кўпгина офатларга тили сабабчи бўлади. Тилнинг офатлари жуда кўп бўлиб, улардан ашаддийси ёлғончилик ҳисобланади.

Аввало, ёлғон нима-ю рост нима, билиб олмоғимиз лозим. Уламолар воқеликка тўғри келмайдиган хабарни «ёлғон» деганлар. Рост эса воқеликка тўғри келадиган хабардир.

Ёлғон разилатларнинг асли ҳисобланади. У жамиятни парчалайди ва турмушни расво қилади, ўз эгасини эса икки дунёда хор айлайди. Ёлғон ўз эгасининг қалбидаги ғулғуладан хабар берувчи фасоддир. Унинг шахсга, жамиятга келтирадиган зарарлари сон-саноқсиз. Шунинг учун ҳам пайғамбар алайҳиссалом: «Каззоб менинг умматимдан эмас», деганлар. Шунинг учун ҳам мўминларда баъзи салбий сифатлар бўлиши мумкин-у, лекин ёлғончилик асло мумкин эмас. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадиси шарифга назар солайлик. «Пайғамбар алайҳиссаломдан: «Мўмин киши қўрқоқ бўлиши мумкинми?» — деб сўралди. Ул зот: «Ҳа», дедилар. «Мўмин киши бахил бўлиши мумкинми?» — деб сўралди. Ул зот: «Ҳа», дедилар. «Мўмин киши каззоб бўлиши мумкинми?» — деб сўралди. Ул зот: «Йўқ», дедилар». Бу ҳадиси шариф қўрқоқлик ёки бахилликка рухсат бериш учун эмас, балки ёлғончилик нақадар ёмон эканлигини таъкидлаш учун айтилгандир.

Ёлғончиликнинг зарари ортган сари Аллоҳ ҳузурида гуноҳи ҳам ортиб бораверади. Оммавий ахборот воситаси ходими ёлғон хабарни тарқатса, миллионлаб кишиларни алдагани учун гуноҳкор бўлади. Сиёсатчи ёлғон гапирса, ундан ҳам ёмон. Ғаразгўйлик билан эркак-аёлларнинг обрўсини тўкиш учун ёлғон гап тўқиганларнинг гуноҳи эса чексиздир.

Жамиятнинг турли табақаларида ёлғончилик ёйилмаслиги учун болаларни ростгўй қилиб тарбиялашга катта эътибор бериш керак. Келажак авлод ҳар жиҳатдан ростгўй бўлиб ўсмоғи даркор. Шунинг учун ҳам болаларни ҳатто бирор нарса беришни ваъда қилиб, алдаб чақирмасликка буюрилган. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал улкан саҳобий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадиси шарифда: «Ким ёш болага, бу ёққа кел, мана буни ол, деса-ю, ҳеч нарса бермаса, ёлғончидир», деганлар. Шунингдек, одамларни кулдириш учун ҳазиллашиб ва айримлар арзимас деб ўйлайдиган ўринларда ҳам ҳеч қачон ёлғон ишлатмасликка амр қилинган. Чунки, майдачуйда, эътиборга сазовор эмас, деб ҳисобланган ҳодисалардаги ёлғон йириклашиб халқ бошига улкан мусибатлар келтиради. Энг кичик ёлғон ҳам киши қалбига қора нуқта бўлиб жойлашади ва бу нуқталарнинг йиғиндиси қалбнинг бутунлай қорайишига ва каззоб бўлиб, имондан айрилишига олиб келади. Қуръони каримнинг «Наҳл» сурасида, ёлғонни Аллоҳнинг оятларига имони йўқлар тўқийди, деган маънодаги оятларга бор. Ватандошимиз, буюк муҳаддис Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бундоқ дейилади: «Ёлғондан ҳазар қилинглар! Албатта, ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга бошлайди. Банда ёлғон гапираверса-гапираверса, пировардида Аллоҳ ҳузурида каззоб бўлиб ёзилиб қолади».

РОСТНИ ЕЛҒОНДАН, ЁЛҒОННИ РОСТДАН ажратишда ниҳоятда ҳушёр бўлиб, оқиллик билан ҳаракат қилмоқ лозим бўлади, бировдан эшитган гапни суриштириб айғини билмай туриб гапиравериш ҳам ёлғончиликка киради. Бу борада пайғамбар алайҳиссалом: «Эшитганини гапиравериш кишининг ёлғончилиги учун кифоя қилади», деганлар. Зеро, инсонлар турфа хил бўлади, айниқса кишининг ичидагини билиб бўлмайди. Хусусан, одамлар оёғи қолиб, оғзи билан юрадиган бўлиб қолган ҳозирги замонда жуда ҳам эҳтиёт бўлмоқ, ҳар бир эшитган гапсўзни тубига етмай туриб, бошқаларга айтмаслик керак. Ушбу масалада исломий қоидага «Ҳужурот» сурасининг олтинчи ояти асос қилиб олинган. Бу ояти каримада Аллоҳ таоло: «Эй имонли бандалар, агар сизларга фосиқ киши бирор хабар келтирса, аниқлаб билинг, жаҳолат билан қавмларга мусибат етказиб қўйиб, надомат чекиб юрманг», деб мурожаат қилади. Агар мазкур оятга амал қиладиган бўлсак, хабар келтирган ҳар бир кишининг кимлигини, шахсини, ишончли-ишончсизлигини, хуллас, ҳамма-ҳаммасини аниқлаб билганимиздан сўнггина хабарни қабул қилмоғимиз даркор. Акс ҳолда бошқа биродарларимизга мусибат етказиб қўйиб, сўнгра умрбод надоматда қолишимиз мумкин. Чунки бир сўз билан бошқа бир кишининг обрўсини тўкиш, уятга қолдириш ҳеч гап эмас. Бу эса улуғ гуноҳдир. Агар айтилган сўз асоссиз бўлиб чиқса, ўйламасдан бировнинг бўҳтонига иноний қилган хатти-ҳаракатимиз учун умр бўйи надоматда ўтишимизга тўғри келади.

Жума ўгитлари

Ислом динида фарз қилинган намоз, рўза, ҳаж каби ибодатлар ҳам ўз соҳибини ёлғончиликдан қайтаришга хизмат қилмоғи зарурлиги уқтириб ўтилган. Пайғамбар алайҳиссалом ўз ҳадисларининг бирида: «Рўзадор ёлғон тўқишни ва унга амал қилишни тарк этмаса, унинг оч қолганию чанқаганининг Аллоҳга кераги йўқ», деганлар. Демак, рўза ҳақиқий рўза бўладиган бўлса, ўз эгасини ўзга ёмонликлар қатори ёлғондан қайтармоғи лозим. Агар киши рўза тутиб, намоз ўқиса, хайр-эҳсон қилиб, ҳажга борса-ю ёмонликлардан, жумладан, ёлғончиликдан қайтмаса, қилган ибодатлари ҳақиқий бўлмайди.

Бу йилги рамазони шарифдан сўнг бир биродаримиз, рамазондан ташқари қайси ою кунларда рўза тутиш яхшилигини сўраб қолдилар. Сабабини сўрадим: «Эй, рўзанинг фойдасини билмай юрган эканмиз. Бу йил тўлиқ рўза тутиб, тушундик. Рўзадан кейин сира ёлғон гапиролмайдиган бўлиб қолдим. Агар бурунги ҳолатлар бўлса, ёлғон гапириб, иш битириб кетадиган имкониятлар ҳар қадамда учраб турибди-ку, лекин ёлғон гапира олмаяпман. Ўзим бундан жуда ҳам хурсандман. Бошқа пайтларда ҳам рўза тутиб юрсам кўпроқ фойдаси тегармикин, деган умидим бор», — дедилар.

Биродарларимизнинг диний саводлари йўқ, боз устига мазкур ҳикматларни ҳеч ким айтиб тушунтирмаган. Аммо ҳаётий тажрибада сидқидилдан ибодат қилганликларидан ушбу ҳолатга етишганлар.

Ёлғоннинг ҳаммаси ҳам ёмон, айниқса, ёлғон гувоҳлик бериш — шаҳодати зуур ёмонроқдир. Мусулмон одам барча гап-сўзларида ростгўй бўлиши зарур бўлганидек, гувоҳлик беришда ҳам ростгўй бўлмоғи лозим, гарчанд бу гувоҳлик яқин қариндоши, дўсти, ҳаттоки ўзининг зарарига бўлса ҳам. Чунки, қози, маҳкама ва шунга ўхшаш мақомлар ҳузурида гувоҳлик бериш билан кўпгина ишлар ҳал қилинади. Ёлғон гувоҳлик бериб, оқни қора, қорани оқ қилиш; айбсиз инсонни айбли қилиб, айблини оқлаб юбориш мумкин. Бу эса жуда улкан гуноҳлардан ҳисобланади.

Гуноҳлар бир неча қисмга бўлинади. Одатда бировнинг ҳаққига тажовуз қилмайдиган, Аллоҳнинг буйруғидан чиқмаган ҳолда баъзи бир хатолар содир бўлса, улар кичик гуноҳлар дейилади. Аллоҳ амрига исён бўлган, бошқа бандалар ҳақи ва обрўсига тажовуз ҳисобланган, шариатда белгилаб қўйилган гуноҳлар борки, улар катта гуноҳлар дейилади.

Шариат қоидаларига биноан, кичик гуноҳлар истиғфор айтиш, намоз ўқиш каби амаллар билан ювилиб кетади. Катта гуноҳлар эса, алоҳида тавбадан сўнг, Аллоҳнинг раҳматига ҳавола қилинади. Аллоҳ ўз ҳаққига оид ишларда содир бўлган катта гуноҳларни хоҳласа, кечиб юборади. Аммо бандaнинг ҳақига оид ишларда содир бўлган гуноҳларни Аллоҳ ҳам кечмайди. Агар мазлум шахснинг ўзи кечган тақдирдагина мумкин.

Энди яна бир тоифа гуноҳ бордирки, у гуноҳлар гуноҳи, улуғ гуноҳларнинг улуғи ҳисобланади. Бу гуноҳ кечирилмаслиги Аллоҳ таолонинг ўзи Қуръони каримда таъкидлаган. У ҳам бўлса Аллоҳга ширк келтиришдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ёлғон гувоҳлик беришни Аллоҳга ширк келтиришга тенглаштирганлар, балки алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Имом Бухорий ҳазратлари Абу Бакра исмли саҳобийдан ривоят қилган ҳадисдан шуни англаб олишимиз мумкин. Абу Бакра айтадилар: «Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Сизларга катта гуноҳлар ичида энг каттаси ҳақида ҳабар берайми», — дедилар. «Биз «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули», дедик. У зот: «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш,— дедилар-да, ёнбошлаган ўринларидан туриб ўтириб, — Аё, огоҳ бўлинглар, ёлғон тўқиш ва ёлғон гувоҳлик бериш», — деб қайта-қайта такрорлайвердилар. Ҳатто биз: «Қани энди гапдан тўхтасалар эди», дердик. Одатда бирор муҳим гап айтишдан олдин инсон ўз ҳолатини жиддийлаштиради, кийим-бошини тузатади. Худди шунингдек, пайғамбар алайҳиссалом ҳам ёлғон тўқиш ва ёлғон гувоҳлик бериш ниҳоятда улкан гуноҳлиги, унинг хавфини кишилар тушуниб етмоқлари лозимлиги учун ҳам ўринларидан туриб ўтириб, бир неча карра таъкидлаб такрорлаганлар.

Юқоридаги таълимотга амал қилган ота-боболаримиз ўзларида гўзал инсоний фазилатларни мужассам қилганлар. Уларнинг ҳаётига ёлғон ўралашмаган. Шунинг учун ҳам, улар дунё халқлари ичида пешқадам бўлганлар. Улуғ боболаримиздан бири Имом Бухорий пайғамбар алайҳиссаломнинг биргина ҳадисларини эшитиш мақсадида икки ой йўл юриб борсалар, ўша ҳадисни ёд биладиган киши ўзини ёлғондан этагига ем солган кўрсатиб, отини чақираётган экан. Жониворни алдаб, ёлғончилик қилган кишидан яхшилик чиқмайди, деб у билан гаплашмай ортларига қайтган эканлар.

Боболаримиз жамиятида бир марта ёлғончилиги фош бўлган киши шарманда бўлган, иккинчи бор унинг гапи қабул қилинмаган, ўзи эса ишончсиз киши, деб эълон қилинган.

ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИ БЎЙИЧА нафақат қасддан ёки текширмасдан ёлғон гапириш ман қилинади, балки тўғри бўлса ҳам фойдасиз гапсўзларни гапириш ноўрин ҳисобланади: «Киши Исломининг ҳусни фойдасиз гапларни тарк қилишидадир», дейдилар пайғамбар алайҳиссалом. Бефойда гап-сўзлар одамларнинг вақтини бекорга олади, фойдали ишлардан қолдиради, уруш-жанжаллар келиб чиқишига сабаб бўлади. «Гапирсанг, яхши гапни гапир, бўлмаса жим тур», дейилади бошқа бир ҳадиси шарифда. Демак, доимо яхши, тўғри гапларни гапирмоғимиз лозим бўлади. Фойдасиз, ёлғон, текширилмаган гапларни гапириб, ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам гуноҳга ботирмаслигимиз керак. Айниқса, қасддан бировнинг обрўсини тўкиш учун ёки унга ёмонлик етказиш учун ёлғон тўқимоқ, ёлғондан гувоҳлик бермоқ кечирилмас гуноҳдир. Бундай залолатлардан йироқ бўлиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бурчидир.

Обдон ўйлаб кўрилса, тил туфайли бошга тушадиган мусибатлар жуда кўп эканлигига иқрор бўламиз. Улардан айримларини бошда зикр қилдик. Энди ёлғоннинг яна бир тури — ботил гаплар ҳақида гаплашсак. Ботил гаплар — гуноҳ ишларнинг васф-таърифини қилиш, чунончи, ароқхўрлик, зинокорлик ёки шунга ўхшаш осийликка сабаб бўлгучи амалларни бошқаларга зикр қилишдир. Жанжал, бекорчи тортишув, низо каби ҳолатлар ҳам ботил турларига киради. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Аллоҳ ҳузурида энг ёмон кўрингувчи одам хусуматчидир», деганлар. Билмасдан, ботил йўл билан хусумат қилувчилар ана шундай ноқулай кишилар бўлади. Чунки, хусумат кишилар қалбига душманлик туйғусини солади, ғазабини қўзғатади, қиқду ҳасадни алангалатади ва ниҳоят киши обрўсини тўкишгача олиб боради.

Маҳмаданалик, эзмалик ва сергаплик ҳам Ислом нуқтаи назаридан қораланади. Бундай хунук сувратлардан ҳам мўмин-мусулмонлар холи бўлмоқлари лозим.

Тил офатларидан яна бири фаҳш — уятсиз гаплар, ҳақорат ва одобсиз сўзлардир. Буларнинг бари шариатимизда ҳаром қилинган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Фаҳш гапларни гапирувчиларга жаннат ҳаромдир», деганлар.

Ҳақорат эса ниҳоятда катта одобсизлик бўлиб, ўз эгасини фосиқликка олиб боради. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида ушбу ҳукмлар баён қилинган: «Чақимчилик ҳам катта тил офатларидандир», «Чақимчи жаннатга кирмайди». Демак, муқаррарки, дўзахга киради. Чақимчилик бировнинг гапини иккинчи бир шахсга, фалончи сенинг ҳақингда ундоқ деди, бундоқ деди, деб гап ташишдан иборатдир.

Аллоҳ уламолари чақимчидан гап эшитган одам қуйидаги қоидаларга риоя қилишини маслаҳат берадилар:

1. **Чақимчига ишонмаслик. Чунки у фосиқ, гувоҳлиги қабул қилинмайди.**

2. **Насиҳат қилиб, уни чақимчиликдан қайтариш.**

3. **Худо учун уни ёмон кўриш, чунки у Аллоҳ ҳузурида ёмон кўрилгандир.**

4. **Шаънига чақимчилик қилинган шахсни ёмон кўрмаслик.**

5. **Чақимчининг гапига ишониб, мазкур шахсдан айб ахтармаслик.**

6. **Чақимчининг гапини бошқаларга айтмаслик.**

ЧАҚИМЧИЛАР ҲАҚИДА Ислом адабиётида кўпгина ибратли ҳикоят ва ривоятлар бор. Нақл қилишларича, Сулаймон ибн Абдулмалик исмли халифа бир кишига: «Айтишларича, сен менинг ҳақимда ёмон гаплар айтибмишсан», депти. У киши иқрор бўлмапти. Шунда халифа: «Менга хабар еткурган киши ростгўйдир», депти. Бояги киши: «Чақимчи ҳеч қачон ростгўй бўлмайди», деб жавоб берибди. Шунда Сулаймон ибн Абдулмалик: «Рост айтдинг. Саломат бўл. Бор кетавер», деган экан.

Юқорида зикр қилинган олий инсоний фазилатларни бугунги кунимизга, жамиятимиз ҳаётига солиштирсаммикан, йўқмикан, деб хийлагина ўйладим. Ва ниҳоят, ҳаммаси ойдек равшан-ку, ярани қайта янгилагандан кўра, муқояса ва хулосани муҳтарам ўқувчининг ўзига ҳавола қилиб қўйган яхши, деган қарорга келдим. Аллоҳ таоло ҳаммамизни ўқиб-ўрганган яхши амалларга амал қилишимизни насиб этсин. Омин!

Муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ,
Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси Олий Ҳайъатининг раиси

Ҳожиакбар Ислом ШАЙХ

УЛУҒ ДАВР БЎСАҒАСИДА

● Олий Қудрат борми? ● Авлиёсифат одамлар давосини айтади ● Маърифатга элтувчи йўл ● Касални кўрмасдан...

ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙ «Жиноят ва жазо» романида Раскольниковнинг ваҳимали тушини қуйидагича тасвирлайди:

«Одамларнинг танасига кириб олувчи қандайдир трихинлар, яъни кўзга кўринмас мавжудотлар пайдо бўлди. Бу мавжудотлар ақл ва иродага эга руҳлар эди. Уларни ўзларига сингдирган одамлар шу заҳоти шайтонсифат телбаларга айланар эдилар. Одамзот ҳеч қачон ўзини трихинлар билан заҳарланиш давридагидек ақлли ва ҳақиқатпарвар деб ҳисобламаган. Бутун бошли қишлоқлар, шаҳарлар, катта-кичик халқлар заҳарланиб, савдойилик уммонига шўнғиб эди. Ҳамма хавотирда ва ҳеч ким бир-бирини тушунолмас, ҳар бир одам ҳақиқат фақат ўзида мужассамлашган, деб ўйлар ва ўзгаларга қараб, кўксига урар ва қўлларини синдирарди».

Бу ерда ўз-ўзидан савол туғилади: бу воқеалар давримиз, жамиятимиз ва унда кечаётган миллий низолар, ижтимоий-руҳий қарама-қаршиликлар ва бошбошдоқликларга ҳамоҳанг эмасми?

Бу саволга жавобни инсониятнинг фақат биологик ёки руҳий тараққиёти қонунларидан излаш — бефойда иш.

Бунда эътиборни аввало жамиятимизда кечаётган дифференция ва интеграция жараёнларига қаратиш керак. Дифференциация бир жиҳатдан меҳнатнинг тақсимланиши ва тор йўналишларда ихтисослашишга олиб келган бўлса, интеграция турли мамлакатлар иқтисодиётларининг ягона иқтисодий сиёсат асосида ривожланишига йўл оча бошлади. Бизнинг жамиятда бу жараённинг дастлабки куртакларини кўриб турибмиз.

Мўъжизаларга бўлган қизиқишнинг ортиши, қиёмат қойим ва Ер шарининг ўзга сайёраликлар томонидан «забт» этилиши ҳақидаги тахминларнинг оммавий тарзда юзага чиқиши интеграциянинг яна бир қирасидир. Шуларга қарамай, турли мақсадлар, талаб ва эҳтиёжлар асосида бирлашган гуруҳлар, табақалар, миллатларнинг ўзаро мураккаб муносабатлари юзага келдики, бу ижтимоий муносабатларнинг бир неча тури мавжуд.

Уларнинг биринчиси: ўз қарорингга ўзгаларни бўйсиндириб яшаш, иккинчиси: ўзгаларнинг қарорини тан олиб, унга бўйсиниб яшаш. Учинчиси: ҳар иккала томон умумий қарор қабул қилади ва ана шу қарор асосида иш тутади. Тўртинчи муносабат тури — маънавият қонунини тан олиб яшашдир.

Биринчи ва иккинчи муносабатлар зўравонлик, куч асосига қурилган. Уларга унитар ва тоталитар давлатларда амал қилиб келинган. (Масалан, Шўро Иттифоқининг яқин ўтмиши). Учинчи муносабат — демократия йўлидир. Бу йўл ҳозирги ривожланган капиталистик мамлакатларда жорий этилган. Бизнинг жамиятда ривож топа бошлаган демократиянинг хавфли томони ҳам йўқ эмас. Бизда ҳозирги шароитда тажовузкор кўпчилик эзгу ниятдаги озчиликнинг қарорини суиистеъмол қилиши, йўққа чиқариши мумкин.

Жаҳон динлари азалдан тарғиб қилиб келган маънавият қонунларига келсак, у ҳақда башарият маданиятининг буюк намояндаси Л. Толстой қуйидагича фикр билдирган эди:

«Юзаки қараганда, одамзот фақат савдо-сотиқ, урушлар, шартномалар, фан ва санъат билан машғулдай туюлади; унга нима муҳимлиги — бир масала, у нима билан машғуллиги бошқа масала — у ўзи яшаётган маънавият қонунларини аниқлаш билан банд...»

Бу ҳолда, айтиш мумкинки, маънавий қадриятлар биринчи ўринга чиқади. Бунда турли гуруҳлар, табақа, элат ва миллатлар ўз олдиларига жаҳоншумул аҳамиятга молик олий мақсадлар қўйишади. Худонинг муқаддас қўлёзмаларидаги ўгит ва кўрсатмаларини қатъий бажариш, ўзга сайёраликлар «ҳужуми»ни ва бўлажак улкан экологик инқирозларни фақат бирлашиб бартараф этиш мумкинлиги ва ҳоказолар ана шулар сирасига киради. Бу эзгу мақсадлар башарияти, унинг моддий талаб ва эҳтиёжлари, миллий-руҳий қарашларидан қатъий назар, ўзаро жипслаштиради ва янгича ижтимоий-сиёсий мушоҳада тарзини юзага келтиради.

ЭНДИ ТАСАВВУР ҚИЛИНГ: кунларнинг бирида бутун олам ва Коинотни бошқариб турувчи Олий Қудрат борлиги одамларга очиқ-ойдин бўлди, дейлик. Оқибатда Ер юзида бирорта ҳам даҳрий одам қолмайди. Айтайлик, фаришталар, дев-парилар, инс-жинс ва шайтонлар фавқулодда одамлар орасига кириб келишадию, ҳамма билан очиқ мулоқот ўрнатишади. Улар турли-туман мўъжизалар кўрсатиб, Оллоҳи Таолонинг куч-қудрати ва кароматларини намойиш қилишади. Ўйлашимча, фаришталар ва дев-парилар аввало эзгу ниятли покдомон одамларни тақдирлаб, уларга беқиёс биологик ва ижодий имкониятлар бағишлаши, ёмон ниятли кўнгли қора одамларни эса, чексиз балоларга гирифтор қилиши мумкин.

Шахсан мен бугунги кунда биз айнан шу **улуғ давр** бўсағасига эндигина атак-чечак қилиб кира бошладик, деган фикрга жуда-жуда мойилман. Ахир, ўзингиз ўйлаб қаранг: ҳозир жуда кўп одамлар руҳлар билан деймизми, НУЖ ва ўзга сайёраликлар ёки ёндош олам вакиллари билан деймизми, ғаройиб мулоқотлар қила бошлашди. Жуда кўп одамларда ноёб ва ақл бовар қилмас хислатлар намоён бўлмоқда. Тўғри, уларнинг кўпларига ҳозирча бизда тўла ишонч йўқ. Тор материалистик мушоҳада тарзига ўрганиб қолган онгимиз — билимларимиз ва дунёқарашимиз ташқарисидаги нарсаларни дарров қабул қилиш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳам бундай «ғалати» одамларни кўриб, уларни илмий тадқиқ этишгина эмас, ўрганишга ҳам қурбимиз етмайди. Бу етмагандек, янада бемаъни йўлдан бориб, уларга «тентак», «савдойи» деган ёрлиқлар ёпиштиришдан ҳам тоймаймиз. Аслида бу билан биз ўзимизнинг тентаклигимизни яна бир карра намойиш қиламиз.

Лекин ҳозирги даврга келиб, халқимизнинг бахтига, шундай пайғамбарсифат одамлар майдонга чиқишдики, улардаги чинакамига худо берган ноёб қобилиятга ҳар қандай материалист ва даҳрий одам ҳам тан бермай иложи йўқ.

Тўғри, ҳозирча бунақанги чинакам истеъдод соҳиблари жуда озчиликни ташкил этишади. Чунки уларнинг аксарияти етмиш йилдан зиёд давр мобайнида қувғин қилинган, таъқибларга учраб, умрлари қамоқхоналарда ўтган. Бу ҳам етмагандек, уларга «фирибгар», «товламачи», «диндор» каби ёрлиқларни ёпиштиришган.

Бу ерда биргина мисол билан чекланмоқчимиз. Яқинда «Сирли олам» ойномаси таҳрир ҳайъати ҳомийимиз «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон халқ табобати қўмитаси билан ҳамкорликда таниқли табиби ғайблар Тоҳир Солиев, Гупронхон ота Баҳодиров ва Саййид Йўлдош Али Эргаш Али Ҳожи иштирокида муштарийларимиз билан учрашувлар қилиб, уларнинг беморларга муолажа амалларини ўтказдик. Коинот ва олам мўъжизалари, илми ғайб ва Инсон руҳияти сирлари, НУЖлар, ислом маданияти ва фалсафаси ҳақидаги суҳбатларимиз, савол-жавоблар муштарийларимизда нақадар катта қизиқиш уйғотгани, муолажа амалларининг беморларга нақадар шифобахш таъсир этгани ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Ўйлашимизча, бу ерда машҳур халқ табиби, Тибет тиббиёти устаси, қадимий халқ усулида ғойибона ташхис (диагноз) қўювчи иқтидорли фитомуолажачи Саййид Йўлдош Али Эргаш Али Ҳожи ака хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. (Бу ғаройиб истеъдод эгаси ҳақида биз ойномамизнинг яқин сонларида ёзувчи Абдурашид Пардаевнинг катта бадиасини чоп этишни режалаштирганмиз). Гап шундаки, Саййид Ҳожи ака халқ табобатини чуқур билишидан ташқари Тошкент тиббиёт олий илмгоҳини ва Фарғона педагогика илмгоҳининг кимё-биология бўлимини битирган. Бир неча йил мобайнида Санкт-Петербург, Киев, Харьковда тиббиётнинг руҳий муолажа (психотерапия), фитомуолажа (гиёҳлар билан даволаш) ва ҳоказо йўналишлари бўйича малакасини оширган). Энди ана шундай одамнинг Тошкентда яқингина ўтмишда замонавий тиббиёт аҳли томонидан қаттиқ таъқиб қилингани, унинг «иши» прокуратурага оширилгани, ҳатто ўзи фитна қилиниб, бир йил қамоқда ўтириб чиққанини тасаввур қилинг! Биз учрашувда (олдинроқ унинг уйида ва муҳарририятимизда) бу авлиёсифат одамнинг кўп мўъжизалари ва кароматларининг гувоҳи бўлдик.

Саййид Ҳожи ака муҳарририятимизга ташриф буюрган куни қўнғироқ бўлиб қолди. Профессор Раҳимжон ака Усмонов экан. У Ҳожи ака келганини эшитиб, бир ўзини кўрсатиш нияти борлигини билдирди. Кейинги гапга кўплар, айниқса, материалист слимлар ишонмаслиги мумкин. Лекин, биз, гувоҳлар, кўпчилик эдик.

— Бўлди, — деди Ҳожи ака олдидаги қоғозга лотин тилида алланималарни ёзишга киришаркан, — бу одамнинг касаллари маълум.

У лотинча бешта касалликнинг номини ёзганди.

Эртасига Раҳимжон ака кириб келиши билан Ҳожи ака дўхтирлар унга қандай ташҳис қўйишганини сўради. У жавоб бергач, столдаги қоғозни унга томон сурраркан:

— Мана, уларни мен кеча ёзиб қўйгандим, — деди кулимсираб.

Профессор ёзувларга тикиларкан, уларнинг ҳозиргина ўзи айтган ташҳисларга айнан мос тушганини кўриб, ҳаммамиз ҳайратдан ёқамизни ушладик.

ТАБИБ БЕМОРЛАРНИНГ ички аъзоларини қандайдир бизга номаълум йўл билан ғойибдан кўра олиш қобилиятига эга. У Ер шарининг истаган нуқтасидаги одамга ташҳис қўя олади. Бунинг учун унинг ёши ва орадаги масофани билиши кифоя. Ҳожи ака ўз кафтларида кучли биоток борлигини ҳоҳлаган одамига исбот қилиб беради. У кумуш вилкага осилган бир ярим килогача юкни кафтини тик тутган ҳолда кўтара олади.

ИЛМ — ЎЗНИ БИЛМАКДИР

Саййид Ҳожи ака кароматларига оид бундай мисолларни биз ўнлаб келтиришимиз мумкин.

Қизиғи шундаки, кароматли одамларнинг аксарияти фақат эзгуликка хизмат қилувчи куч-қудратга эга бўлгани ҳолда, уларнинг айримлари ёмонлик ва ёвузликка кўпроқ мойил. Қани энди бу ёвузлик (фанда буни «қора магия» дейишади) жиноятчилар, ўғрилар, каллакесарлар, қаллоблар ва ҳоказо жамият чиқитларигагина қарши қаратилса. Лекин, афсуски, ҳозирча бунинг акси бўлиб турибди. Буларнинг бари инсоннинг ўз руҳий-биологик табиатидан келиб чиққан, албатта. Инсон табиатан шундай бунёд этилганки, у яхшиликсиз ёмонликнинг фарқига бормайди, ёвузликсиз эзгуликнинг қадрига етмайди.

Инсон табиатининг бу фожиали қусурини қандай бартараф этиш мумкин? Ўйлашимизча, бунинг ягона бир йўли бор, холос. У ҳам бўлса, оламшумул тасаввуф таълимотида тўла асосланганидек, шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифатга етишишдир. Башарият маънавиятининг бу буюк чўққиларини забт этган одамлар ҳеч қачон ёвузлик ва жаҳолатга берилишмайди. Бор умрларини Худога тоат-ибодат, одамларга эзгу ишлар қилишига, олижаноблик, инсонийлик, бағрикенглик, саминият, ҳамдардлик, меҳр-оқибат, беозорлик, комиллик сингари юксак маънавий қадриятларни онгу идрокимизга жо этишга бағишлашади.

ЮҚОРИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИМИЗ юзаки қаралганда, ҳозирги ҳаёт шароити абстракт (мавҳум) ва ҳатто ҳавойидай туюлиши мумкин. Қайта қуриш қийинчиликлари, жиддий иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар содир бўлмаётгани, янги муаммоларни айрим ҳолларда эскича усулда «юқоридан» туриб ҳал қилишга уринишлар одамларнинг ҳафсаласини пир қилиб, эртанги кунга ишончини сўндирмоқда. Бундай вазиятда жамиятимизнинг яқин ва олис истиқболининг маълум бир йўналишларини таҳлил ҳамда башорат қилиш бениҳоя катта аҳамият касб этади. Илмий асосга қурилган ана шундай таҳлил ва башоратларгина келажагимиз уфқини бир мунча ёритиши ва айрим ижобий йўналишларини илғаб олиб, тарих ғилдиракларини тўғри йўлга солиш имконини беради. Бу борада Саййид Йўлдош Али Эргаш Али Ҳожи ака сингари ғайриоддий хислатларга эга авлиёсифат одамлар беқиёс роль ўйнашлари мумкин. Собиқ Шўро иттифоқидаги жумҳуриятларнинг мустақиллик ва демократия сари дадил одим отаётгани, мутлақо янгича, суверен давлатлар уюшмасини барпо этишга уринаётганларини табриклаган ҳолда таъкидлаб ўтишимиз керакки, бу машаққатли йўлда «янги қўриқ очмасдан», жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қўлга киритган бой тажрибадан, илмий-техника инқилоби ва илғор технологияларидан самарали фойдаланишгина бизни боши берк кўчадан катта шоҳкўчаларга олиб чиқиши мумкин. Ҳозирги шароитда юксак маънавий маданият асосига қурилган интеграциягина жамиятимизни оғир иқтисодий, ижтимоий ва руҳий таназзулдан қутқара олишга қодир.

ДАРОМАД ОЗ, БУРОМАД КЎП

МУХАРРИРГА **мактублар**

Мен бу мактубни пилла қурти боққан бригадамиз аъзолари номидан ёзмоқдаман. Маълумки, рўзномаларда, радио ва телевиденияда пилланинг нархи килограммига 18 сўмдан 25 сўмгача деб қайта-қайта таъкидланди. Мен шу йил баҳорда икки ярим қути ипак қурти боқдим. Бу йилги қийинчилик ва шароитнинг оғир бўлганлиги ҳаммага маълум. Шундай шароитда 157 кг ўрнига 168 кг пилла етиштириб топширдик, район пилла қуритиш идораси колхозимизга 3290 сўм пул ўтказибди. Шундан колхоз 1747 сўмини бизга бераркан, қолгани колхоз даромади, сарфу харажатлар учун экан. Шунча катта меҳнат эвазига олган пулимиз шу холосми, яшаб турган уйимизни бўшатиб берсак, тут баргини ўзимиз кесиб, ўзимиз ташиб келсак, нечукдир булар ҳисобга олинмаса.

Ҳурматли редакция, биз ҳафталикнинг мухлисларимиз, унинг саҳифаларида босилаётган мақолаларни қизиқиш билан ўқиб борамиз. Ҳафталик иқтисодий танглик юз берган мураккаб вазиятда ҳар бир нарса ҳақида яширмай очиқ-ойдин ёзаётгани бизга манзур бўлмоқда, шунинг учун ҳам мактубимизни шу ҳафталикка юборишга қарор қилдик. Шофиркон колхозининг 15-бригадаси хотин-қизлари номидан.

Рўзибиби ХУДОЙБЕРДИЕВА
Бухоро вилояти, Шофиркон райони

Хайрли дуо

СУЛАЙМОН ЮДАКОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ

Ҳамид ҒУЛОМ

НАЙ СЕҲРИ

СУЛАЙМОН ЮДАКОВНИ билардим. Қўқонлик бу яҳудий санъаткор ўспиринлик чоғларида най чаларди. Аввал қамиш сивизғада, кейин ғаров найда ўзбек халқ куйларини, Фарғона наволарини берилиб ижро этганида гуноҳкор еримиздаги ҳамма нарсани унутиб, ҳаёллар арши аълога парвоз этарди.

Санъатимизнинг қадимий масканларидан бири бўлган Қўқонда Сулаймон ўқиб юрган мактабдаги мусиқа муаллими ўспирин яҳудийнинг истеъдодига эътибор берган бўлса керак, 1932 йилда, яъни Сулаймон 16 ёшга тўлганда уни аввал Тошкентга, кейин Масковга олиб кетдилар. Ўша вақтда Масков консерваторияси ҳузурида Ишчи факультети (техникум) бўлиб, машҳур домлалардан М. Гнесин, Р. Глиэр, М. Меснер ёш истеъдод соҳибларига дарс беришарди.

Кириш имтиҳонида Сулаймон ўзи ижод қилган «Афсона» номли шарқ таронасини найда ижро этганда муаллимлар унинг истеъдодига тан бериб, ўз тарбияларига олгаялар.

Сулаймон Масковда етти йилча таҳсил кўрди ва 1941 йилнинг июнида уруш бошлангач, Тошкентга қайтиб келди ва умрининг охирига қадар, яъни салкам ярим аср давомида ўз ота юрти Ўзбекистонда ижод билан шуғулланди.

Юдаков ринд табиатли, ўз ижодига ўта талабчан, бастакорлик санъатининг нозик маҳорат сирларини мукаммал эгаллаган, ижодда ўта инжиқ, айни вақтда суҳбати ширин, ҳаётда қувноқ одам бўлган. Шоирлар гурунгида мавлоно Сулаймон ўхшасаўхшамаса, унча-мунча аския-га ҳам аралашардилар, албатта, аския мавзулари бўйдоқлик атрофида бўларди, зеро дўстимиз умр бўйи яккаликни ихтиёр этдилар.

У даврининг турли шоирлари билан ҳамкорликда ижод қилди. Унинг Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Миртемир, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Шароф Рашидов, Алексей Сурков шеърларига ёзган қўшиқлари ўз вақтида музика дасталари, айрим хонандалар томонидан ижро этилди. Бастакоримиз Абдулла Қаҳҳор пьесаси асосида яратилган «Шоҳи сўзана», Р. Тагор романи асосида саҳна юзини кўрган «Ганг қизи», Рамз Бобожоннинг «Зуҳранинг мактублари» спектакларига музика басталади, бир қанча кинофильмлар учун қўшиқлар яратди. Собир Абдулла ва Музаффар Муҳамедов либреттоси асосида ёзилган биринчи ўзбек миллий ҳажвий операси «Майсаранинг иши» музика санъатимизда улкан воқеа бўлганлиги шубҳасиз.

Бу операдан ария ва дуэтлар ҳамон репертуарлардан ўрин олиб келади, буларни айниқса, ёшларимиз севиб ижро этмоқдалар.

Ҳалима Носирова маҳорат билан ижро этган «Ўзбек қизи овози» таронасини ўзбек қўшиқчилик санъатининг гултожи дейиш мумкин.

Замонавий музика ижрочилигида вокал-симфоник тур (жанр) кенг ўрин эгаллади. Европа томондан, Россиядан келган бу мураккаб мусиқавий санъат тури бизда ўзига хос йўсинда анча ривожлантирилган бўлса ҳам, худди европача кўп овозли опера, хор ёки европача яланғоч балет каби, шакли-шамойили европача бўлган симфония, кантата ва ҳоказо симфоник музика Шарқ халқлари, шу жумладан ўзбек халқи руҳига, юрагига сингмади. Бу борада ўн йиллар давомида баҳс-мунозаралар етарликдан ҳам кўпроқ давом этди, бироқ ҳали-ҳамон бирон хулосага келингани йўқ.

ТОТАЛИТАР ТУЗУМ даврида ҳар бир соҳадаги каби, музика санъати соҳасида ҳам ҳамма ишлар яккаҳоким давлат сиёсати нуқтаи назаридан юритилди. Чунончи, буюк рус оғамиз операси, балети, симфонияси қанақа бўлса, ўзбек, қозоқ, тожик ва ҳоказо миллатларнинг музика санъатида ҳам шундай жанрлар бўлиши, бинобарин овозлар ҳам бир қолипда янграши керак, деган талаб ягона қонун тарзида жорий қилинди. Бундай сунъий байналмилалчилиқ сиёсати қандай аянчли оқибатларга олиб келганини эндиликда оппа-очиқ кўриб турибмиз. Чунончи, «биринчи ўзбек операси» «Бўрон»ни ёки биринчи ўзбек «Қаҳрамонлик симфонияси»ни ва бошқа ўнлаб номдор ўзбек бастакорларимизнинг симфониялари, кантаталари, ораториялари, хор ва хораларларини эндиликда кимлар севиб тинглаяпти?

Сулаймон Юдаковнинг энг йирик ва салмоқли асари Ғ. Ғулом шеърлари асосида ёзилган «Мирзачўл» номли олти қисмдан иборат вокал-симфоник сюитасидир. Бинобарин, бу йирик музика асари 1951 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор этилган. Бу асар йилда бир-икки марта радио орқали эшиттирилади. Агар эшитмаган бўлсангиз яқин орада эшитиб қоларсиз. Гаппнинг ўғилболаси шуки, бастакор мазкур сюитани ёзишда бор маҳоратини ишга солган. Мусиқий оҳанг тўлқинлари ғоҳ кўтарилиб, ғоҳ пасайиб, ғоҳ куй янграб, ғоҳ равон ёйилиб, мадҳия авж пардасигача кўтарилиб ва яна пасайиб, ниҳоят тиниб, охири баланд пардада тугайди. Сиз ўн-ўн беш дақиқа ҳайқириқлар, пўртаналар оғушида яшайсиз ва ниҳоят, мусиқий талотун тингач, сиз ҳам эркин тин оласиз. Эҳтимол, бастакорлар, мусиқий алломалар қандайдир нота-ларни эслаб қоларлар, лекин оддий фуқаро ё радио қулоғини буриб, бошқа тўлқиндан ўз дилига яқин, дилрабо куй, қўшиқ излайди, ёки «ёпирай, бу қанақа момақалдироқ бўлди?» — деб ёқасини ушлайди-да, пиёлада совуб қолган чойини ҳўплайди...

Дўстлар, бу мақолани бир қанча бастакорлар билан, шу жумладан Сулаймон Юдаков билан сидқидилдан ҳамкорлик қилган бир адибингиз ёзяпман.

Сулаймон Юдаков, Мутаваккил Бурҳонов, Манас Левиев каби янги музикамиз алломалари маҳоратига зарра ча шубҳам йўқ. Аксинча, мен буларни совет ўзбек музикасининг устоз ижодкорлари деб биламан. Мен булар билан ҳамкорлик қилганимдан фахрланаман. Булар ва яна ўнлаб бастакорларимиз яратган куйлар, қўшиқлар халқимизнинг маънавий бойлигидир. Манас Левиевнинг «Вальси» ёки Сулаймон Юдаковнинг «Алёр», Мутаваккил Бурҳоновнинг Навоий ғазалларига ёзган куйлари музикамизнинг жавоҳирларидир.

Бироқ, замонасозлик бутун миллий маънавиятимизга, шу жумладан шеъриятимизга, музика санъатимизга жиддий путур етказганини тан олишга мажбурмиз. Бир мисол. С. Юдаков «Муборакбод» номли кантатаси учун шеърий матнлар ёзиб беришни мендан илтимос қилди. Унинг юқорида эслатилган— Ғ. Ғулом шеърларига ёзилган «Мирзачўл» асари каби, бу янги асар ҳам тантанали руҳда бўлиши , шарт эди. Одатда, бастакор шоирга буюртма берганда ўйлаган асарининг ҳажми, неча қисмдан иборатлиги, шеър вазнлари ва ҳоказо, бевосита асар жанрига алоқадор шартларини айтади. Мен ҳам бастакор талаблари асосида матнни тайёрлаб бердим. Иш жараёнида бастакорнинг уйида бир неча марта учрашдик. Ниҳоят, кантатанинг шеърий матни тайёр бўлгач, бастакор пианино қўйилган хонасига беркиниб олиб, ижод уммонига шўнғиди. Орадан бир ярим-икки ой фурсат ўтгач, Юдаков мени музикани эшитишга таклиф қилди. Мен дарҳол етиб келдим. Бастакор мени диванга ўтқизиб қўйгач, пианино чала кетди. У ғоҳ юмшоқ, нозик куй чалар, ғоҳ пианинони варанглатиб томдан бир қоп ёнғоқ сочилган тарздаги шарақа-шуруқни авжга миндирар, ғоҳ эса, музика орасидан унинг ўз овози янграрди. Мен эса:

«Ёпирай, кантата мана бунақа бўлар экан!» — деб ағрайиб тинглайман ва кўзим ёшга тўлиб, тепакал бастакор дўстимга ачиниб боқаман. «Хўш?» — деб сўради «тошбўрон» тугагач, мендан Юдаков.

Мен ҳамду сано даврасидан эндигина чиққан, ҳам жазава олови босилмаган қаландар Машрабни эслатувчи Сулаймоннинг елкасига астойдил қоқиб қўйдим: «Валли, устози калон, ижоди шумо беназирастҳ..».

Орадан икки ой ўтгач, консерваториянинг катта залида «Муборакбод» кантатасининг премьераси бўлди. Катта симфоник оркестрга Зоҳид Ҳақназаров дирижёрлик қилди, давлат хор жамоаси иштирок этди, солист (албатта, баритон бўлиши керак) якка ашулани авжидан кўтарди, йиғилган музикачи ва музикашунослар, консерватория домлалари ила талабалари чапак чалишди...

Хуллас, С. Юдаков ўн йиллар давомида «Мирзачўл» ёки «Муборакбод» каби ўнлаб йирик музика асарлари ижод қилди. Бу асарларнинг нотасини жамлаб, нашр этилса, жуда кўп қалин жилдлар кутубхона тахталарига терилса керак. Лекин халқнинг назари тушган «Майсаранинг иши» операсини, бир нечта лирик қўшиқларни мустасно қилганда, йирик вокал ва симфоник асарлар, хор ва кантаталар — бу улкан европача музикали меросга эндиликда қандай баҳо беришимиз керак?

Эндиликда камдан-кам ижро этиладиган бу асарлар ўтмишдан хотирагина бўлиб, архивларда сақланадими ёки консерваторияда, музика билимгоҳлари ва мактабларида буларни замон музика ижрочилигининг намуналари сифатида, янги музика ижодчилари учун дарслик, дастуруламал сифатида ўқитишда давом этамизми?

Бу каби ўткир саволлар мени муттасил қийнайди.

Бастакорлар уюшмаси яқин орада кенг бир муҳокама уюштирса керак, ўзбек операси, симфоник музикаси тақдири муҳокама қилинса керак, деб кутаман...

Менинг назаримда, бастакорларимиз, шу жумладан С. Юдаков европача йирик музика жанрларида эмас, қўшиқчиликда кўпроқ муваффақият қозонганлар. Юдаков Навоий, Пушкин, Лоҳутий, Миртемир шеърларига чуқур инсоний ҳиссаяжон, бетакрор маҳорат билан куй басталаган. Лоҳутийнинг «Афсонавий дил» ғазалига, Пушкиннинг «Куйлама, соҳибжамол», «Грузия қирларида» шеърларига ёзган романслари маҳорат эътибори билан Глинка ва Чайковский, Узейр Ҳожибеков ва Қора Қораевлар санъати даражасида туради.

Бу куйлар дилгир, нозик, сеҳргар. Бу куйлар Сулаймон ўспиринлик чоғларида Қўқонда чалиб юрган ғаров найининг мунгли, ҳасратли наволарини эслатади. Буларда ўша найнинг мангу ноласи эшитилади.

Дил найининг сеҳри эса, такрорланмас, боқийдир.

СУРАТДА: С. Юдаков (ўнгдан иккинчи) ҳамкасб дўстлари А. Жабборов, Х. Изомов, Д. Шостакович ва М. Левиев билан суҳбатда

МОСУВО САДОЛАР

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ мусиқачилиги асосини ташкил этувчи мақомларнинг радио ва ойнаи жаҳон орқали тарғиб этилиши, халқ дилидан мосуво бўлмагани, ҳануз севиб тингланаётгани қувонарли ҳол. Аммо миллийлик ва байналмилаллик тушунчалари, оврупо санъатининг миллийликка таъсири ҳақида сўз кетганда миллий опера муаммосига тўхтамай илож йўқ. Ҳозирда мавжуд операмиз ария ва қўшиқлари ясама товушда, яъни оврупо услубида ижро этилганидан спектакллар ўзга тилдан таржима этилгандай, ролларни ўзбек тилини энди ўрганаётган чет ижрочилар ўйнаётгандай таассурот уйғотади.

Дейлик, анчайин мақталган «Алишер Навоий» операсининг мусиқасида миллий оҳанглар сезилади, бироқ ижрочиларнинг кўпчилиги оврупоча ясама овозда айтади. Навоий ролидаги Т. Ҳусанов арияларни миллий товушга яқин айтганидан томошабинга илиқ таъсир қилади. Гули ролини ижро этган Ш. Тўхтабоева оврупо услубида айтгани Навоий оврупо қизига ошиқ экан, деган фикрга олиб келади. Бу хилдаги санъатни овруполиклар юксак санъат деб тарғиб этсалар-да халқимиз буни қабул этмаяпти. Эҳтимол овруполиклар бугунги Шарқни худди ўзларидай фикрламаётгани учун ҳам маданиятсизга чиқараётгандир. Аммо ўзбек маданияти ясама эмас, асл ва табиий — унинг оврупо ва бошқа миллат маданиятидан қоладиган жойи йўқ. 39-йиллардан бошлаб оммалашган опера ва мусиқа театрларидаги «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Дилором», «Нурхон», «Алпомиш», «Равшан ва Зулхумор», «Муқимий» каби спектакллар миллий, табиий товушда айтилган куй-қўшиқлари, ариялари билан халққа манзур бўлаётган эди. Миллий санъат билимдонлари, устоз санъаткорлар — Тўхтасин Жалилов, Толибжон Содиқов, Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий каби бастакорлар ижоди, ижро этиш услубига ўтиб олгани ва операда симфония оркестрининг ҳукмронлиги миллий томошабинни бу санъатдан узоқлаштирди, томоша заллари ҳувиллаб қолди. Бунда хонандаларни эмас, биринчи галда санъат ўқув юртларида, консерваторияда таълим бераётган миллий санъатнинг бетакрор бойлигини, чуқур анъаналарини билмаган, ўрганмаган овруполик мураббийларни айблаш тўғрироқ бўларди. Ҳар кимники ўзига, ой кўринади кўзига деганларидай, ҳар миллатнинг санъати ўз услубидан таъсирланади, мазмунга киришади, маънавий озуқа олади. Бу билан ўзга халқлар санъати ва тарихи билан танишиш, билиш кони зиён демоқчи эмасман. Фақат ўз тарихи ва санъатини чуқур ўрганган одамгина дунё санъатини тўла ҳис этади ва миллий санъатнинг унда тутган ўрнини ҳаққоний баҳолайди.

ОЧИҒИНИ АЙТИШ КЕРАК, етмиш йил давомида нафақат халқимизга, балки маданиятимизга, санъатимизга ҳам қассобларча муносабатда бўлиб келдилар. Миллий ғуруримизни ерга урдилар, топтадилар. 38-йиллари Ашот Петросян миллий чолғу асбобларининг пардаларини ўзгартириб, оврупо чолғу асбобларига яқинлаштирди. Натижада миллий оҳангларнинг нозик, юракка яқин қочирмалари СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, халқ артистлари Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров, Маҳмуджон Ғофуров, Маъмуржон Узоқов, Эътибор Жалилова, Фароғат Раҳматова, Турсуной Жаъфарова, Назира Аҳмедова, Назира Иноғомова. Фотима Борухова, Қобилқори, Саъдулла Норхонов каби ҳалқ севган хонандалар Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат Катта академик ҳамда Муқимий номидаги мусиқа театрларида бош ролларни ижро этганида тумонат одам йиғилган пайтлар тарихда қолиб кетди.

Ўша кезлар мусиқа миллий чолғулар ва симфония чолғулари бирлигида яратилар, миллий оҳанглар устиворлиги эди. Гарчи миллий оркестр ария ва қўшиқларга симфониясиз жўр бўлишга қудрати етгани билан ўша вақтларда бастакорларимизнинг овруполик композиторларга таклиди сезилиб турган. Охир-оқибат, бу кунга келиб, консерваторияни битирган ёш хонандалар бутунлай оврупоча ясама овозда ижро этиш услубига ўтиб олгани ва операда симфония оркестрининг ҳукмронлиги миллий томошабинни бу санъатдан узоқлаштирди, томоша заллари ҳувиллаб қолди. Бунда хонандаларни эмас, биринчи галда санъат ўқув юртларида, консерваторияда таълим бераётган миллий санъатнинг бетакрор бойлигини, чуқур анъаналарини билмаган, ўрганмаган овруполик мураббийларни айблаш тўғрироқ бўларди. Ҳар кимники ўзига, ой кўринади кўзига деганларидай, ҳар миллатнинг санъати ўз услубидан таъсирланади, мазмунга киришади, маънавий озуқа олади. Бу билан ўзга халқлар санъати ва тарихи билан танишиш, билиш кони зиён демоқчи эмасман. Фақат ўз тарихи ва санъатини чуқур ўрганган одамгина дунё санъатини тўла ҳис этади ва миллий санъатнинг унда тутган ўрнини ҳаққоний баҳолайди.

ОЧИҒИНИ АЙТИШ КЕРАК, етмиш йил давомида нафақат халқимизга, балки маданиятимизга, санъатимизга ҳам қассобларча муносабатда бўлиб келдилар. Миллий ғуруримизни ерга урдилар, топтадилар. 38-йиллари Ашот Петросян миллий чолғу асбобларининг пардаларини ўзгартириб, оврупо чолғу асбобларига яқинлаштирди. Натижада миллий оҳангларнинг нозик, юракка яқин қочирмалари йўқ бўлди. Раҳматли Тўхтасил ака Жалилов дуторнинг пардаси ўзгарганда афсусланиб айтган гаплари ҳали-ҳануз қулоғимдан кетмайди. «Э, қизим, мана энди дуторимизнинг товуши ҳумга кириб қолган аридай ғўнғиллайдиган бўлиб қолди» деган эдилар у киши. Ҳақиқатан шундай бўлди, Ашот Петросяннинг бу ташаббусини овруполиклар қўллаб-қувватладилар, бошқаларнинг дарди ичида қолди. Лекин халқнинг қон-қонига сингиб кетган санъатдан бездириш осон эмас экан.

54—55-йиллари Жангобдаги ёзлик театр биносида Муқимий театрининг машҳур санъаткорлари концерти бошланди. Хонандаларга пианино жўр бўлаётган эди, томошабинлар миллий чолғу жўр бўлсин, деб илтимос қилишди. У пайтлар Муқимий театрининг мусиқа бошлиғи Н. Гинзбург эди. У халқ илтимосини писанд қилмай, пианинода айтилиши шарт, бу маданият деган эди. Бош режиссёр Раззоқжон ака Ҳамроев: «Ия, ўзбек маданияти маданият эмасми?», дея Гинзбург билан чинакамига жанжаллашиб қолди. Ўшанда бир қанча тортишувлардан сўнг концерт миллий мусиқада давом этган эди...

Азиз бастакорлар, хонандалар, эски хатоларни сарҳисоб қилгулик кунлар келди. Миллий мусиқачилигимиз сақланиб қолсин, бойисин, қадр-қимматини топсин десак, бир ёқадан бош чиқариб, ўзбек халқининг бетакрор мусиқа ганжинасини кўз қорачиғидай асраб, ўрганиб, авлодларга ўргатсак, нур устига нур бўлар эди.

Розия КАРИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти

ҚОДИР МАХСУМ СЎЗЛАГАНДА

Қодир Махсумов деганда, кўз ўнгимда юзларидан ва сўзларидан нур ёғилаётган ажойиб бир инсон, дилкаш ва дилбар шахс гавдаланади. Ўз севган халқининг яхши ва ёмон кунларида, шодлигу ташвишларида бирга бўлиш, ўзининг ёниқ сўзлари билан эл руҳини, одамлар қалбидаги қувончли ва изтиробли кечинмаларни баён эта билиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермаса керак. Қодир ака эса ана шундай бахтга сазовор бўлган мўътабар инсон эди. У киши радио орқали бирон бир хабарни айтаётганларида ёхуд шеър ўқиганларида гўё бутун борлиқ жаранглаб кетгандай бўлар эди. Унинг янгроқ овози фақат ўзига хос эди. Ўзбек классик шоирларининг ғазалларини шундай берилиб ўқир эдики, ҳар қандай кишини ҳам сўз сеҳри билан ўзига мафтун этарди. Афсуски, ана шундай инсонни шафқатсиз ўлим бағримиздан юлиб олиб кетди. Қодир Махсумовнинг ҳали қанчадан-қанча айтолмаган, ўқиб улгурмаган сўзлари қоғозларда сарғайиб қолди. Аммо унинг шарафли ишини муносиб шогирдлари Қодир Тожиев, Клара Халилова, Даврон Зуннунов, Фарҳод Бобожонов, Раҳматилла Мирзаев, Муслим Йўлдошев, Абдурасул Абдуллаев давом эттиришмоқда.

Устоз сўз санъаткори Қодир Махсумовнинг руҳларини шод этиш, номларини абадийлаштириш ишлари эса кўнгилдагидек эмас. Жумҳуриятимиз бўйича «Ёш сухандонлар» конкурсини ўтказиб бориш ва бу конкурсни Қодир Махсумов номи билан аташ мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундай конкурсларни дастлаб район ва вилоятларда босқичма-босқич ўтказиш керак. Сўнгра Радио куни арафасида жумҳуриятимиз пойтахти Тошкентда конкурснинг якунловчи қисмини ўтказиш мумкин. «Ёш сухандонлар» конкурсининг энг яхши қатнашчиларига ва ғолибларига эса Қодир Махсумов номидаги совринларни таъсис этиш керак. Бундай хайрли тадбир аста-секин анъанага айланиб қолиши мумкин. Бундан ташқари Қодир Махсумовнинг номини абадийлаштириш, кўча ва хиёбонларга унинг номини бериш масаласини Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасидаги мутасадди ўртоқлар бир ўйлаб кўришар, деган умиддамиз. Зотан, Қодир Махсумовнинг овози, жарангдор нутқи бизни ана шундай ишлар қилишга ундаётгандек, даъват этаётгандек туюлади:

Дилларга завқ солиб
кетар,
Самолар ҳам тўлиб кетар,
Сўзлар чақмоқ бўлиб
кетар,
Қодир Махсум сўзлаганда.

Сўз сеҳридин булбул
сайрон,
Ғоҳо ўқдир, ғоҳо жайрон,
Левитан ҳам қолди ҳайрон,
Қодир Махсум сўзлаганда.

Навоийни айладик ёд,
Машраб руҳи бўлмоқда
шод,
Шеър базмини қилди обод,
Қодир Махсум сўзлаганда.
Оғир дамда нажот бўлгай,
Сўз тингламоқ одат
бўлгай,
Эл руҳига мадад бўлгай,
Қодир Махсум сўзлаганда.

ЁДНОМА

Ашурали БОЙМУРОДОВ

СОХТА ШИОРЛАР

куюнчак газетхонлардан хатлар

Сирғали туманидаги марказий савдо растаси ва деҳқон бозорининг ёнгинасида, атторлик ҳамда хўжалик моллари дўкони жойлашган кўчанинг бошланишида жуда улкан шиор— тахта қаққайиб турибди. Бу маҳобатли тасвирда инқилобий даврда расм бўлган қуббадор, юлдузчали қалпоқ кийган, пўлат найзали милтиқни забардаст қўллари ила маҳкам тутган, сизу бизга беписанд боқиб турувчи қирғий кўз аскарнинг расми акс этган. Унинг тилидан шундай сўзлар йирик-йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган: «Янги дунё бизнинг қўлимизда!». Афсус, энди бундай эмас. Аллақачон бундай сохта шиорлардан воз кечиш пайти келмадимикан?

Тўғри, бир вақтлар қаерга қараманг, кўзингиз шиорларга тушарди. Ташландиқ ёки хилватроқ жойларни назардан пана қилиб, иҳоталаб — ниқоблаш керак бўлса, шиор тахталар бизга асқотарди. Юрган йўлларимиздан тортиб, янграган қўшиқларимизгача, рўзномалару ойномаларгача шиорбозлик касалига йўлиққан эди. Йилда икки бор 7 ноябрь ва 1 майда шиорлар кўриги юзасидан ҳисобот берардик. Хайрият, бу анъаналар ҳам барҳам топди.

Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хивага бориб, бобокалонларимиз бунёд этган тарихий обидаларни ҳайрат билан томоша қиламиз. Бу муҳташам биноларнинг пештоқларига, деворларию кўшкларига, Қуръони карим оятларидан, ҳадиси шариф лутфларидан, ҳикматли сўзлар нақадар латофат, нақадар улуғворлик билан араб алифбосида чинакам маҳорат ва санъат билан битилган мунис сўзларнинг сеҳридан лол қоламиз. Афсуски, айрим тарихий биноларидаги муқаддас сўзларни социализм шиори билан ўчириб ташладик. Бу гуноҳимизни авлодлар кечирармикан?

Айтишларича, буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг қиличларию муҳрларида ҳам бизникига ўхшаш «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган ҳавойи, пуч сўзлар эмас, балки оддийгина қилиб «Рости ва расти», яъни «Ҳақиқат ва адолат» деган жумла ёзилган экан. Ўшал тарихнависларнинг шоҳидлик беришларича, бу муборак аҳдларига мағрур ва жасур подшоҳ умрбод содиқ қолган.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Баланд-баланд биноларимизнинг, маъмурий маҳкамаларнинг пештоқларида ҳали ҳам неон чироқлари билан порлаб турган сохта шиорлар қачон барҳам топади?

Қани энди, Ўзбекистонимиз мустақил деган шавкатли унвонга мушарраф бўлган экан, халқимизнинг асрлар давомида мисқоллаб йиққан, асл фарзандлари қаламига мансуб адабиёт ва санъат, маданият ва маърифат дурдоналари шундоққина кўз олдимизда порлаб турса! Зеро, бутун жаҳонни сўз жавоҳирларига ғарқ айлаган шоиру алломалар ўлкаси ҳеч қандай қуруқ, саёз ва ўткинчи шиорларга зор эмас!

Суннатилла АҲМЕДОВ

БОБОЛАРИМИЗ РУҲИНИ ЭСЛАБ...

Ҳурматли муҳарририят! Ҳафталикнинг 1990 йил 16 ноябрь сонида чоп этилган Амриддин Бердимуродовнинг «Темурийлар хилхонаси» номли мақоласини ўқиб бутун фикру ёдим, темурийлар хилхонасидаги қабрларни очилиш тафсилотлари билан банд бўлиб қолди.

Мақолада айтилишича, қабрларни очиш экспедициясига профессор Т. Н. Қори-Ниёзий ва кўпгина археолог-олимлар жалб этилган. Муаллифнинг таъкидлашича, экспедиция аъзоси бўлган антрополог-ҳайкалтарош М. М. Герасимов Амир Темур, Мироншоҳ, Улуғбек ва Муҳаммад Султонларнинг портретини яратиш учун бош чаноқларини Москвага олиб кетган, қайта олиб келганлиги ҳақида эса ҳеч қандай маълумот йўқ. Яна бир таъсирланарли ҳол. Ленинград эрмитажи таъмирловчиси В. Н. Кононов Амир Темурнинг бош чаноғидаги сарғимтир соч-соқол қолдиқларини кўчириб олиб, кимёвий усул билан текшириб кўради. Хилхонадан топилган бошқа буюмлар ҳам текширилади. Лекин таажжубланарли жойи шундаки, қайта кўмиш жараёнида жасадлар қабрга кафансиз, Амур Темурнинг жасади эса арчадан ясалган тобутисиз кўмилган. Ўзимга савол бераман, нима учун Темурнинг тобути, соч-соқол қолдиқлари, Улуғбек, Мироншоҳ ва Муҳаммад Султоннинг суяклари, кафан қолдиқлари ва бошқа буюмлар жасадлардан олиб қолинган. Ваҳоланки, қабрлардан жасадлар олинниб, қайта дафн этилгунгача бир ярим йил вақт ўтган. Наҳотки, шу давр мобайнида текшириш ишларини якунлашнинг иложи бўлмаган бўлса?

Ҳозирги вақтда Амир Темур тобутининг қопқоғи Ўзбекистон тарихи музейида, тобутнинг ўзи Самарқанд тарих музейида, жасадлардан олиб қолинган буюмлар эса Ўзбекистон Фанлар академияси Х. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти қошидаги Адабиёт музейида қоғоз қутичада сақланмоқда. Наҳотки, шундай буюк шахсларнинг суяклари ва ноёб топилмалар аллақандай қоғоз қутичада чанг босиб ётса? Наҳотки, шунчалик манқуртликка, гумроҳликка борган, миллатимиз фожиасига айланиб кетган лоқайдлик кишанларидан озод бўлмаган бўлсак? Яхшиямки, фидойи кишилар бор экан, бу ноёб буюмларни анча изланишлар ва уринишлар билан топибди, акс ҳолда бу ноёб ашёвий далилларнинг сақланиб қолишига ким кафолат бера оларди?

Мақолада ёзилишича, қабрларни текшириш тугагач, жасадларни Ленинград эрмитажига олиб кетиш ҳақида гап бўлган экан, лекин ўша даврда Ленинград шаҳри қамалдалиги сабаб бу таклиф йўққа чиқарилган экан, аксинча икки аср давомида ўз қудрати билан дунёни ларзага солган бобокалонларимизни зиёрат қилгани Ленинградга сафар қилган бўлармидик?

Мен муаллиф А. Бердимуродовнинг таклифини жуда тўғри деб ҳисоблайман. Ҳақиқатан ҳам, зудлик билан «Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш жамияти»ни тузиш керак. Муаллиф айтганидек, Амир Темур ва темурийларга тегишли барча буюмларни бир жойга йиғиб, кўз қорачиғимиздай асрашимиз лозим. Мустақил ҳукуматимиз Москвага олиб кетилган ва ҳозиргача номаълум бўлган Темур ва темурийларнинг бош чаноқларини ва қабрларнинг очилиш тафсилотлари акс этган киноленталарни топиб, зудлик билан Ўзбекистонга қайтариш чораларини кўришини, топилма ва ҳужжатларни ойнаи жаҳон ва матбуот орқали эълон қилишини истар эдик. Бу билан бобокалонларимиз руҳини шод этган, ўз навбатида, тарихимизнинг катта бир бўлагидан баҳраманд бўлган, охир-оқибат, буюк бобокалонимиз Темур хокидек хору-зорликка дучор бўлган халқимизнинг ўзлигини таниши йўлида яна бир қадам қўйган бўлар эдик. Зеро, ўзлигини, ўз тарихини унутган халқ билан чинакам мустақилликка эришиб бўлмайди.

Абдулла ХОЛБЕКОВ
Андижон

«СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ»

Каттақўрғон шаҳридаги Абдулҳамид Мажидий номидаги ўзбек давлат драма театрининг ижодий жамоаси яқинда шоира Эркатош Шукурованинг «Сўнгги қўнғироқ» асарини саҳналаштирди, муҳлислар ҳукмига ҳавола этди.

Асарнинг «Сўнгги қўнғироқ» деб номланиши бежиз эмас. Унда ўз аксини топган воқеалар уйқу оғушидаги виждонни уйғотиш учун чалинаётган қўнғироқдир. Асар қаҳрамонларидан бирининг: «...Ҳали фурсат бор экан, йўқолган имонларимизни тиклайлик. Ҳушёр бўлайлик. Юмуқ кўзларни очайлик! Ён атрофимизда, Она заминимизда имонсизлар, инсофсизлар, талончи-ю ўғрилар, фирибгару қотиллар ҳам бир талай?! Еримиз ана шундай ифлослардан тозаланмоғи лозим. Ишқилиб, одамларни инсоф, диёнатга, ҳалоллик ва ўзаро меҳрибонликка чорловчи «қўнғироқ»лар садо бериб турсин. Акс ҳолда...», —деган хитоби бугунги тангликка, кескинлик пайтида барчани сергакликка даъват этади. Асарда ички ишлар ходимларининг фидойиликлари, аксарият ҳолларда эса, худбинликлари, лоқайдликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Сўнгги қўнғироқ»да томошабинларнинг дилини ларзага соладиган қонли воқеалар, даҳшатли кўринишлар мавжуд. Изқувар милиция ходими бир гуруҳ уюшган жиноятчилар томонидан ҳийла-найранглар билан «қўлга» туширилиши, унга берилган турли усулдаги азоб, қийноқлар ғоят ишонарли талқин этилган. Жиноятчилар ўрнашган маскан, тўдага саркорлик қилаётган нопок «савдо ходими»нинг бу ердаги кирдикорлари, разиллик ва ҳақиқат учун кураш ҳаётий гавдалантирилган. Бу эса, мазкур спектаклда қатнашган санъаткорлардан — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ширинхон Мусаева, артистлардан Мўмина Абдурашидова, Даврон Қодиров, Қилич Иброҳимов, Гулистон Жабборова ва бошқаларнинг тинимсиз изланишлари самарасидир.

Асарни театрнинг тажрибали артисти Даврон Қодиров (театрнинг бош режиссёри Равшан Ёриев билан ҳамкорликда) саҳналаштирган. Бу борада саҳна мусаввири Зокиржон Қобулов, пардозчи-мусаввир Мавлуда Шоаҳмедова, овоз ва ёритиш ускуналари бўйича мутахассислар Сафар Болтаев, Суннатилла Норовнинг хизматлари ҳам каттадир.

А. ҲОШИМОВ

Денис ДРАГУНСКИЙ

САЛТАНАТ ГАРОВЛАРИ

Молотов—Риббентроп шартномаси имзоланаётганда сиёҳдон тутиб турмаганлар ва Иван Грозний билан бирга Қозонга юриш қилмаганларни жазолаш тўғрими?

СССР САЛТАНАТИ ҳали тўла тарқагани йўқ, лекин империядан кейинги ҳисоб-китобларнинг салбий салмоғи ҳалитдан маълум. Бу ҳозир ўз жумҳуриятидан ташқарида яшаётган 60 миллион киши. Улардан 25 миллиони — руслар. Империяга гаров бўлиб хизмат қилган унинг ноиблари.

Бунда ҳеч қандай кутилмаган нарса йўқ. Озод этилган ҳар қандай мустамлакада миллий буржуазия, идора, қўшин, шунингдек, сиёсий, маданий ҳамда ишчи имтиёзли гуруҳлар юзага чиқади. Истибдодга солувчилар биринсирин жўнаб кетадилар ёки вақт ўтган сайин тобора камсуқумроқ жойларни эгаллайдилар. Собиқ иттифоқнинг собиқ жумҳуриятларида ҳам аҳвол шундай. Фарқи шундаки, бу нарса бизда дағал ва кескин вазиятда ўтмоқда.

Ҳа, ҳаммаси тўғри ва қонуний. Лекин тарихнинг бизнинг иродамизга бўйсунмайдиган узундан-узоқ тўлқини тирик одамларни оқизиб кетмоқда ва чўктириб ташламоқда. Шунда — «Нима учун?» — деган савол жавобсиз қолмоқда.

Молотов ва Риббентроп аҳдини, Туркманчой сулҳини ёки Георгий битимини имзолаётганда сиёҳдон кўтариб турмаганлар, Иван Грозний билан Қозонга бостириб бормаганларни жазолаш нечун? Яқин ўтмишни айтадиган бўлсак, у пайтлар коммунистик ёвузликнинг азобини барча баб-баробар тортди-ку. Китобий ақидаларга кўра барча халқлар абадий дўстлашиб кетишлари керак эди... Лекин «Руслар — уйларингга жўнанглар!» — деган ҳайқириқ тобора қаттиқ эшитилмоқда. Бу шармандали, ғайриинсоний шиор. Лекин у тасодифиймикан?

Руслар, ўзларига «кичик инилар»нинг кўзлари билан қарайдиган вақт келди. Ўзгалар ҳақидаги ҳақиқат ўзинг ҳақидаги ҳақиқатдан бошланади.

РУСЛАРНИ ЎТМИШ УЧУН ўч олиш қасди билангина ҳайдаётганлари йўқ. Бунда ўз мустақилликларининг бугуни ва келажаги ҳақида енгиб бўлмас қўрқинч ҳам бор, мустақилликка эса эришиш шунчалар қийин ва уни йўқотиб қўйиш шунчалар осон.

Бизга ёқадими, ёқмайдими, рус халқи «империя халқи» бўлиб келган ва бўлиб келмоқда. У Россия салтанати, СССР ва янги кўпмиллатли Россиянинг энг «катта халқи»дир. Энг сўнгги империянинг ҳар бир халқи ўз фожиаларини бошдан кечирмоқда.

Арманлар ва озарбойжонлар учун бу — ўзаро бир-бирларини қириб битириш хавфи; Болтиқбўйи ва Белорус халқлари учун бу — ассимиляция, тилини ҳамда маданиятини йўқотиш хавфи; ўзбеклар учун бу — анъанавий қаёт тарзининг бузилиб кетиши, пахтага ишлатиладиган зарарли дорилар билан ёппасига заҳарланиш хавфи; Шимол халқлари учун бу — ялпи қирилиб йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли; украинлар учун бу — қариб куч-қувватдан қолган валинеъматга бўйсуннишга мажбур бўлган, ўзи кучга тўлган ҳолда қарамликда яшашнинг фожиаси. Руслар эса империяни қўлдан бой бериш аламларини бошдан кечириб турибдилар.

Шу маънода русларнинг тақдири бошқалардан кўра оғирроқ. Русларда империячилик тушунчаси миллий онгнинг жуда муҳим белгиси сифатида қарийб 400 йилдан бери шаклланиб келади. Бу нарса Иван Грозний бошқа халқларнинг ерларини босиб ола бошлаган ва отахон Филофей Москвани учинчи Рим деб эълон қилгандан эътиборан пайдо бўлди. Шундай экан, бир неча ой мобайнида империячилик руҳига буткул барҳам бериш мумкинми? Асрлар бўйи бизнинг онгимизга оға бўлиш, қарам қилиш, бошқаларга худди ақли паст болалардай юқоридан туриб муомала этиш йўсинлари сингиб кетган. «Биз уларни боқяпмиз», деймиз. «Биз туфайли улар жаҳон маданияти билан ошно бўлдилар», деймиз. «Уларни биз озод қилдик», деймиз... Эсимда бор, Қорабоғда низо бошланган кезлар «Время» кўрсатувининг мухбири Масков кўчаларида одамлар билан суҳбатлашган, шунда бир пойтахтлик киши ташвишланиб, оталарча шундай деган эди: «Уйда болалар уриш-жанжал қилиб ўтириши яхши эмас».

Нега бундай бўлди, деб сўраб-суриштириб ўтириш ортиқча. Тарихнинг тасодифларга асосланадиган қонунияти шундай. «Яҳудийларни Россияга жойлаштириб, худо янглишган», — дейди Бабель қаҳрамони Беня Крик. Худо русларни поёни йўқ текисликларда, заиф ва тарқоқ халқлар қуршовида жойлаштириб ҳам хато қилган.

Агар биз торроқ ерда яшаганимизда эди, худди голландларга ўхшаб еримизни ўбдон парвариш қилган бўлардик. Энди эса голландлардан хайр-эҳсон олиб ўтирибмиз. Ўшанда билардик: фақат мана шу ер бизники. Бошқаси йўқ ва бўлмайди ҳам. Бошқа оладиган жой ҳам йўқ. Ўшанда уфқлардан нариларга эгалланмаган бировнинг ерларига умид билан кўз тикмасдик ва ўз ерларимизни ташландиқ, ночор ҳолга келтириб қўймасдик, ўт бостириб юбормасдик. Империячиликка ўрганиб яшашнинг яна бир белгиси — тарихан шаклланган беғамлик. Империя кишиси учун доим чангал ташлайдиган жой бор. Миллатчи эса зиқна ва эҳтиёткор. Бу шунчаки сиёсий ёки миллатлараро зиддиятгина эмас — бу бир-биридан тубдан фарқ қилувчи руҳий қарашларнинг ҳам тўқнашуви.

Рус империяси ҳеч нарсага боқмай ўзини ўзи кўпайтиради. Г. Х. Поповнинг Россияни янгидан федерализация қилиш ҳақидаги таклифи шунга мисол бўла олади. Унга кўра мухтор ўлкаларни йўқотиш, «рози бўлмаганлар»ни эса чиқариб юбориш кўзда тутилади. Шундай қилина кўрса, охир-оқибатда федералистонлаштириш эмас, бантустонлаштириш юз беради.

Империяни қайта тиклаб бўлмайди. Ҳозирги куннинг сиёсий воқелиги шундай. СССРдаги миллий-озодлик кураши ҳозирча коммунизмга ва марказга қарши шиорлар остида кечяпти. Лекин у фақат ва фақат русларга қарши тус олиши ҳам мумкин. Боз устига Россияни Иттифоқнинг бирдан-бир меросхўри деб эълон қилиб, чегараларни қайтадан кўриб чиқишга уриниб, мухториятлар билан талашга тушиб кетилса, бу хавф яқинлашади.

ТОТАЛИТАРИЗМ ВАҚТИДА ҳеч қайси халқ ширин ҳаёт кечиргани йўқ. Яна ҳам аниқроғи, ҳамма одамлар ёмон яшади. Чунки халқлар камситилганда, одамлар азобда қоладилар ва ҳалок бўладилар. Русларга ҳам яхши бўлмади. Агар рақамларга кўра олсак, энг кўп қурбон бўлганлар руслар. Бошқа бир ҳисобга кўра эса, кўчириб юборилган халқлардан бири фожиали биринчи ўринни олса керак. Лекин қанчалар паст иш бундай ҳисоб-китоб қилиш, о, Худойим!

Агар рус халқи коммунистик зулм остида яшаган бўлса, бошқалар икки томонлама зулмни бошдан кечирдилар. Тоталитаризмга руслаштириш зулми қўшилиб кетди. Тил, маданият, кадрлар ва ҳатто иқтисодий сиёсат (анъанавий хўжалик юритиш усулларининг вайрон бўлиши ёки, айтайлик, Ўрта Осиё шаҳарларини қуришда «европача» йўлга ўтиш) руслаштиришга қаратилди. Руслар «оми» халқларга маърифат ва маданият олиб келдик деб, эски империяча усулда чўпчак айтмасдан, мана шуни мардона тан олишлари зарур.

Бир маҳаллар империя тузганлар каби, руслар ҳам ўзига яраша ватанга бефарқдир. Улар бегона юртларда осон яшаб кетаверадилар. Миллатлар устидан империя маконларини яратадилар ва буни Умумий Уйимиз, Катта Мамлакатимиз, деб атайдилар. Миллий фундаменталистлар ўз онгсиз қардошларидан хафа бўлиб ўтирмасинлар. Лекин худди мана шу нарса, яъни қавм-қардошчилик, қариндошчилик — русларда амалда йўқ. Мен кўрганман, мен «ўз кишиларига» кўмак кўрсатган арман, гуржи, яҳудий, юнонийларни биламан. Руслар орасида ҳам шундайлар бормикан? «Мен русман», деган кишига фақат шу сўз учунгина эшигини очадиган рус бормикин? Айтмоқчи, русларнинг ўз қўшниларининг тилларини ўрганишдан қайсарлик билан бўйин товлашлари аввало шу космополитизм, яъни ўз ватанига бефарқ қарашдандир (буни уларнинг шовинистик димоғдорлиги ёки уқувсизликлари билан боғлаб бўлмайди). Русларнинг кўпчилик қисми учун ўз она тили — бу империя эсперантосидай гап. Миллатчи учун эса — она тили муқаддасдир.

Космополитизм — империя онгининг ижобий бир бўлагидирки, худди шу нарса боис бўлиб, «рус масаласи» русларнинг ўзлари томонидан ўз ролларини қайта кўриб чиқишга гаров бўлади.

Бу масалани маъмурий йўл билан ечишга уриниш боши берк кўчага олиб боришини кўриб турибмиз. Шахматда буни «цугцванг» дейдилар. Барча юришлар бунда мажбурий тарзда бўлади ва ҳар бир кейинги юриш аҳволни фақат оғирлаштиради.

Янги вужудга келган мустақил давлатларда «нул варианти» бўйича руслар гражданлик қабул қилишлари мумкинми?

Фавқулодда бир вазият юзага келди — инсон ҳуқуқларига ва демократик эркинликларга риоя қилиш чинакам мустақил давлат яратишга тўсиқ бўляпти. Қайси бири устун чиқаркин? Лекин бу сиёсий ўйинларда одамларнинг умри гаровга қўйилган.

ЎЗ-ЎЗИДАН РАВШАН, Россия ўз одамларини муҳофаза қилиши зарур. Жилла қурса, ишнинг кўзини ўйлаб шундай қилиш шарт. Бизнинг онгимизга ёшлигимиздан қўйиб келишган: ватанига хиёнат қилган одам ўзини қонундан ташқари ҳолга қўяди. Бунда ҳеч ким ҳуқуқий ишларнинг нозик томонлари ёки инсон хатти-ҳаракатларининг қанчалик асосли ёки асосли эмаслигига чуқур эътибор берган эмас. Ҳарбийдан қочганлар ёки жосусларнинг ёлғиз ўзларигина ватан хоинлари деб аталган эмас, ватан хоини деганда асирларни ҳам, бошқача фикрловчиларни ҳам, ориждан қайтмаган музикантни ҳам, узоқни кўролмаган маршал Язовни ҳам назарда тутганмиз. Лекин худди шунингдек, шу маънавий қаторда ўз ватанини ҳимоя қилолмаган кимса ҳам қонун ва ахлоқнинг ҳар қандай талабларидан холи бўлиб қолади.

Хўш, қандай ҳимоя қилмоқ керак? Ҳарбий кучлар билан эмас, албатта. Ва ғарбдан ёрдам учун жўнатилган озиқ-овқатлар нишабини уларга тўғрилаш йўли билан ҳам эмас. Ҳа, жумҳуриятлар ўртасида шартномалар зарур, эҳтимол, икки томонлама гражданлик усули ҳам бўлиши керакдир. Лекин руслар ҳозир режалаштирилаётган Россия Миллатлар Ҳамдўстлиги билан мустақил давлатлар бирлигининг гаровига айланиб қолмасмикинлар?

Унда руслар ўзларини янгича империя халқи деб ҳис қилган ва шундай деб қабул этилган ондан бошлаб яна эски империянинг барча касалликлари юзага чиқади. Ва яна ҳаммаси қайтадан бошланади,

Шунинг учун ҳозир руслар олдида бутунлай бошқача вазифа турибди. У бениҳоя мураккаб. Чунки у ички руҳий-маънавий ишни талаб қилади. Бу ишни ва президентга, на Интерфронт етакчисига ишониб топшириб бўлади. Руслар ўтмиш империяни қўмсашдан буткул воз кечишлари керак. Гарчи у империя руслар учун улуғвор бўлиб кўринган эди. Бошқа халқлар учун эса у — шафқатсиз эди. Лекин бунинг бари — ўтмиш эканлигини энди тушунмоқ пайти келди.

Руслар учун энг қўрқинчли хавф — хафачиликлар таъсири остида миллатчиликкa берилиш. Рус халқи бунга йўл қўйиш учун ҳаддан ортиқ буюклик қилади. Рус халқининг миллий ўзига хослиги — унинг кўпқирралигида. Турли шевалар, черков мазҳаблари, жойлардаги урф-одатлар ва расм-русумлар, антропологик ва этнографик ранг-барангликлар, қўшма никоҳлардан туғилган болалар, ўзга уруғлар ва ўзга диний эътиқодлар — буларнинг бари ягона гилам ичра зоҳирдир. Руслар миллатчиликка берилсалар, кимнинг зоти асил, кимнинг дин-имони тўғри ва рост, ким қайси вилоятдан, ким нимага ғаним — ана шуларни ажратишга тушиб кетадилар. Унда ким ҳақиқий рус деб ҳисобланади? Казакларми? Шимол русларими? Смолларми? Сибирликларми? Православларми? Подшопарастларми? Коммунистларми? Демократларми? Русларга ўз-ўзини бундай барбод этишнинг нима кераги бор?

Бундай бўлишига ишонмайман. Биламан, руслар нарсаларнинг моҳияти ва тартиботи ўзгарганини оқиллик билан тан олишга кучлари етади. Ўшанда мустақилликка эришган халқлар Россия империясининг тарихий гуноҳи учун руслардан ҳеч бири айбдор эмаслигини англаб оладилар.

«Литературная газета» 46-сон

САФДОШИМИЗ ЁДИ



Бу қайғули хабарни ҳеч ким кутмаган эди. Адабиётшунос олим ва ношир Асқарали Шаропов бевақт оламдан ўтти. Биримиз жонкуяр дўстимиздан, биримиз меҳрибон сафдошимиз ва маслаҳатгўй биродаримиздан жудо бўлдик. Кўз ўнгимизда унинг кўзи ёшли, дили дардли вафодор рафиқаси, мунграб турган ёлғиз нури дийдаси турибди. Кўз ўнгимизда унинг бевақт ажалидан лолу ҳайрон яқин қавм-қариндошлари, оға-инилари турибди. Биз уларнинг ҳаммаларига бу оғир йўқотишда ҳамдардлик билдирамиз. Ўлим чоғида тасалли ва сабрдан ўзга чора ҳам, даво ҳам йўқ.

Асқарали Шаропов адабиётни беҳад севарди. Унинг ёзиб улгурган мақолалари, ва илмий тадқиқотларида шу куюнчак муҳаббатни кўрамиз. У яхши олим эди. Лекин олим бўлишдан кўра ношир бўлмоқликни афзал билди. Бу ҳам адабиётга муҳаббатининг бир белгиси эди. У кейинги ўн йил ичида жумҳурият нашриётларида масъул вазифаларда ишларкан, қадимги ўзбек адабиёти намуналарини чоп этишда катта жонбозлик кўрсатди. Ёш қаламкашларнинг биринчи китобларига муҳаррирлик қилди. Уларга талабчанлик билан ёрдам кўрсатди.

Қаерда ишламасин, ҳеч кимдан яхши сўзини аямади.

У чинакам дўстона муомала кишиси эди.

Биз ҳали узоқ вақтлар дўстимизнинг шу меҳрибон муомаласини соғинамиз. Унинг шафқатли сиймоси доим кўз ўнгимизда туради.

Асқарали Шаропов Шоҳимардон фарзанди эди. Унинг табиатида шу қутлуғ масканнинг руҳи акс этиб турар эди. Унинг Шоҳимардон сўқмоқларидан бошланган умр йўли, нетайликки, қисқа бўлди. Лекин одамийлик, эзгулик йўли узун. Хотира йўли ҳам тугаммас. Асқарали Шаропов ана шу туганмас йўлнинг йўлчисидир. Унинг хотираси дилларимизда узоқ яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

ИХЛОС ҲИМОЯСИЗ ҚОЛМАГАЙ

ҲАВАСКОР ҚАЛАМКАШЛАРНИНГ ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ

Шеърсевар юракларнинг эҳтиёж мевалари бўлган шеърлар редакциямизга йил бўйи дарёдек оқиб келади. Ҳар бир ўқиган мисраларимиз пичирлаган оятларимиз бўлиб туюлади менга. Чунки, қўлига қалам олган ҳар бир ёш қалб ўз туйғуларини биз билан баҳам кўргиси келади.

«Мен Жиззах туманига қарашли 21-мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс бераман. Бўш вақтларимда шеър машқ қиламан. Айрим машқларимни ҳафтаномангизда беарсизлар, деган умидда йўллаётирман.

Заррин кокилларини
майда ўриб,
Кумушдек ялтиратиб
юзларини.
Қошларига олтинранг
ўсма қўйиб,
Мўралайди ёр сузиб
кўзларини...»

Нуриддин Марқабоевнинг «Тонг лаҳзаси» шеъри шундай бошланади. Кўринишда турибди: ўхшатишлар сийқа, шеър техникаси бузилган. Нуриддин бизга талай машқлар юборган. Уларнинг ҳаммасини ҳам бўш деб бўлмайди.

Бош қўйиб ётаман оҳиста,
Кечанинг тим қора сочига

сингари образли сатрлар ҳам борки, улар ўқувчида бир қадар умид уйғотади. Бундай мисраларни сурхондарёлик Низом Норқобил, янгиободлик Нигора Жалолиддин қизи, бухоролик Сулаймон Шодиев, оқдарёлик Дилдора Мардиева шеърларида ҳам учратиш мумкин. Нигоранинг шеърлари содда, самимий. У ёш қалбнинг туйғуларини ўзига хос рангларда тасвирлашга ҳаракат қилади:

Жиловланган отдай
бўғзимда оят,
Уйимиз гўёки бошсиз
чавандоз.
Худо аямасин ҳидоятини
Оға, ҳимоясиз қолмагай
ихлос...

«Умид дарахтим» шеъридан.

Аврамаса магар тушларим,
Яширмаса юзини ҳилол.
Фариштадай оқ орзуларим
Бир кун менга ўратар
рўмол!

«Орзу» шеъри

Шеъриятда самимийлик яхши. Агар Нигора бу самимиятни маҳорат билан сўзларга, сатрларга сингдира олганда шеъринг қуввати янада ошган бўларди.

Мен Дилдора Мардиеванинг ижодини кўпдан кузатиб келаман. Унинг шеърлари менга тош йўлда гоҳ қоқилиб, гоҳ туриб олдинга интилаётган қизалоқни эслатади. У ўқувчисига бирдек «маззали» шеърлар бергиси келади. Аммо соддалик билан тизилган мисраларда ғуручдан чиққан тошдек тишга тегадиган байтлар ҳам учрайди.

Олтинсойлик Абдулла Менгқобиловнинг қўлимизда иккита шеъри бор. Улардан бири «Бўрон олдидаги сукунат» деб аталади.

Осиё устида жамлаб
булутни,
Заминни оғулаб, доғлаб
ҳудудни,
Ғафлат уйқусида, сақлаб
сукутни
Қатағон йиллари ёзғириб
ўтди...

Ўрта Осиё бошидан кечирган қора кунларни ундай бўлувди, бундай бўлувди, деб санаб ўтиш билан шеър бўлавермайди. Ҳаммага маълум сўзларни, ибораларни такрорлаш, киши ўзида кечаётган изтиробларни бунчалик қуруқ тасвирлаш билан бировлар қалбини ҳам алангалата олармикан? Шоир умум башарият дардини ўзига юқтириб, бу дардни қалбида тобласа, пиширса. Юракдан узатилган сўз юракка бориб етса. Андижонлик Абдулҳамид Тожиматов, Насиба Ҳодиева, самарқандлик Меҳрож Ғойибов, Қаҳрамон Абдуллаев, Дилдора Ҳалимова, поплик Ҳайитбой Эргашев, фарғоналик Маҳсудали Юнусов, Иқбол Солиев, сирдарёлик Мамадали Нурматов, бухоролик Мухтор Раззоқов, олмалиқлик Фарҳод Бек, чимкентлик Мунира Суюнова, Тошкент шаҳридан Рўзимат Нуриллаев, Абдукалом Йўлдошев, ўшлик Сотқиной Юсупова, Нодира Ҳайдарованинг шеърлари ҳам ҳали газетада ёритгудек эмас.

Демоқчиманки, киши бириккита китоби чиққани билан шоир бўлиб қолмаганидек, шеъри ёритилмагани билан шоирликка бўлган даъвосидан ҳам кечиб кетолмайди. Шеъриятдек улкан бир денгиз тўлқинларида ўзини бир умр унга бағишлаган одамгина суза олади. Шеър инжуларини олиб чиқиш эса табиийки, ҳаммага ҳам насиб қилмайди. Дўстларимизга шеърнинг ҳақиқий қувончлари насиб этишини жуда-жуда истайман.

Дилором ИСМОИЛОВА

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқаруви ва Адабиёт жамғармаси шоир Обид РАСУЛга турмуш ўртоғи

Мунира РАСУЛОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси, Адабиёт жамғармаси, «Ёзувчи» ва F. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси меҳнат жамоалари СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Ёзувчи» нашриётининг бош муҳаррири

Асқарали ШАРОПОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндошуруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТАРИХНИНГ УҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

ТУРКИСТОНГА МАКТУБЛАР

Октябрь инқилоби арафаси ва 20-йиллар ўзбек матбуотида Туркистонга нисбатан янгича муносабатлар, чор самодержавиесининг Ўрта Осиё халқларига нисбатан тутиб келган мустамлакачилик сиёсатларини қораловчи мақола ва мактублар босила бошлади. Булар орасида Бухоро ва Туркистон жумҳуриятининг Ф. Ҳўжаев, Н. Тўрақулов, Фитрат каби айрим таниқли давлат арбоблари, адибларининг мақолаларидан ташқари шу йилларда Россия ҳукуматининг бошида турган В. И. Ленин, Л. Д. Троцкий, А. Ф. Керенский ва бошқаларнинг ҳам муҳим мақола ва мактублари бор эди. Афсуски, уларнинг кўпчилиги (В. И. Ленин мақолаларидан ташқари) муаллифларининг шахсга сиғиниш йиллари партияга, халққа қарши гуруҳ, халқ душманлари сифатида ноҳақ қораланганлиги туфайли узоқ йиллар унутиб юборилди. Булар ичида, айниқса, А. Керенский, Л. Д. Троцкий ва бошқаларнинг айрим нутқлари, мактублари диққатга сазовордир. Масалан, «Керенский ҳузурида Туркистон вакиллари» [«Фарғона» газетаси, 1917 йил, 8 сентябрь], «Ўртоқ Троцкийнинг Туркистонга мактуби» [«Фарғона» газетаси, 1923 йил, 29 май], «Ўртоқ Троцкийнинг Туркистон жумҳуриятининг Марказий ижроия қўмитаси бошлиғи ўртоқ Хидиралиевга мактуби» [«Фарғона» газетаси, 1923 йил, 14 октябрь] ва бошқалар. Уларда 1917 йил рус февраль буржуа демократик инқилобидан то октябрь арафасигача Россия муваққат ҳукуматининг бошида турган А. Керенскийнинг ва Совет ҳокимиятининг илк кунларидан бошлабоқ В. И. Ленин бошчилигидаги Шўролар ҳокимияти инқилобий Кенгаши ва ҳарбий нозири бўлиб ишлаган Л. Д. Троцкийнинг Россиянинг Туркистонга нисбатан тутган янгича сиёсати, Туркистоннинг эркинлик, мустақил ривожланиш йўлидаги ҳаракатларига хайрихоҳлик, маҳаллий халқларнинг тарихи, урф-одати, иқтисодий ва тил ривожига нисбатан самимий муносабати, бу йўлдаги чоризм мустамлакачилик сиёсати қарқитларига қарши кураш каби муҳим муносабатлар ифодалангандир. Бу нутқ ва мактублар гарчи уларнинг муаллифлари қарашларидаги зиддиятлар, империалистларча фикр юритишлардан холи бўлмаса-да Россия ва Туркистон халқларининг ўша йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тарихий биродарлик муносабатларини ўрганиш, шунингдек, мустақиллик, ошкоралик ва демократия шароитида ҳам ўша муносабатларнинг энг яхши анъаналарини ривожлантириш учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Шерали ТУРДИЕВ,
ЎзФА Адабиёт институти катта илмий ходими

КЕРЕНСКИЙ* ҲУЗУРИДА ТУРКИСТОН ВАКИЛЛАРИ...

Муваққат ҳукуматнинг ерни олув, сотувни манъ қилган қарори Туркистонда ҳам жорий бўлғонга, шу қарорни ўзгартирурға Туркистондан борғон мусулмон вакилларини Керенский қабул этиб демишдирки: «Ер хусусида» ўйланғон ишлар Туркистонға муталлиқ эмасдур. Ер масалани ҳал қилғонда энг аввал ўз жойингизда текширурмиз. Ондан кейин мунда, яъни Петроғрадда бир ёқта ҳал қилинур. Туркистонда ер хусусинда бўлғон қарорлар тезлик билан қаралур. Туркистон халқининг ерини бошқа халқлар фойдасиға беришни ҳеч бир киши ўйлағон йўқдур. Мен Туркистонни ҳам Туркистон халқини жуда яхши биламан. Мен сизга ва ҳам сизнинг ватанға содиқ экапингизга ишонаман.

Туркистонда ўрусларға қарши ҳаракат бор деган сўзга ишонмайман. Шундай ҳам бўлса, танбеҳ қиламанки, агар бирор жойда шундай бир ҳаракат бўлиб қолса, жиддий тадбир ижро қилинур.

Ҳозирда Туркистонни идора қилув тўғрисида қонун ишланиб ётибдур. Туркистонға махсус ваколат бирлан ҳукумат вакили юбориладур. Бунда, яъни Петроғрадга Туркистон вакили кетурадур.

«Эл байроғи» газетаси, 1917 йил, 8 сентябрь, № 1 (Қўқон).

*Керенский А. Ф. — Россиянинг 1917 февраль инқилобидан кейинги муваққат ҳукумати бошлиғи. («Ўзбек Совет Энциклопедияси», V том, Т., 1974 йил, 444-бет).

ЎРТОҚ ТРОЦКИЙНИНГ ТУРКИСТОНГА МАКТУБИ

Туркистон фирқа вакилининг доклади ҳам Туркистоннинг манзаралари ва айрим қитъаларидан қилинган расмлар альбомининг манзурига жавобан ўртоқ Троцкий тарафидан Туркистон Жумҳурияти номиға катта аҳамиятга молик мактуб олинғон.

Буюк Қизил Армиянинг йўлбошчиси ҳам байналмилал пролетариатнинг машҳур арбобларидан бириси ўртоқ Троцкий биринчи мартаба миллият масалаларида бизнинг тубандаги вазифаларимизни РКПнинг 12-нчи қурултойи масалаларини ҳал қилиш билан изоҳ этадурғон тарихий мактуб билан мурожаат этадур.

Шўролар Туркистони Шарқда инқилобнинг олдинги соф қувватидир ҳам байналмилал сиёсатнинг бирдан бир байлам музовидур. Туркистонда Шўролар ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳам бизга яқин ҳудудлик шарқ мамлакатларида бизнинг таъсиримизни маҳкамламоқға, фақат Русия пролетариати эмас, балки байналмилал пролетари қизиққандур.

Шу ерга бутун жаҳоннинг ва биринчи навбатда Англия империализмасининг диққати ҳар бир ҳол ва кайфиятдан фойдаланишға қизиқиб югурадир. Шарқдаги бу бутун жаҳон империализмасининг фитнасига қатъий рад бермоқ керак.

Асосга РКПнинг 12-нчи қурултойининг қарорларини қабул қилиб, Марказий Фирқа ҳаракатини мудирати ва алоҳида ўртоқ Троцкийнинг ўз мактубида баён қилинган, мудиратини амалға келтирмоқ зарурдир. Буни бутун қўшма шўроларнинг қоидаси талаб этадир ва буни Туркистоннинг ишчи-деҳқон кўпчиликларининг фойдаси талаб этадур.

Тубанда ўртоқ Троцкийнинг мазкур мактуби баён этилур.

ТУРКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ХАЛҚ КОМИССАРЛАР ШУРОСИГА

Қимматли ўртоқлар!

Туркистон жумҳуриятининг иқтисодий, ҳарбий, маданий тузилиши бизнинг Шўролар союзимизга ва бунинг билан Улуғ Осиё шарқисиға хусусий аҳамияти бордир. Иштирокиюн фирқасининг 12-нчи қурултойи ҳеч вақтда бўлмағон катта ғайратлар билан ўз кайфиятини тасдиқ қилдики, миллий жумҳуриятларда тузалиш, кўпинча маҳаллий қувватларға таяниб у ернинг кўпчилик фуқароларига чуқур томирлар киргизмоқ керак...

Албатта ерлик халқлардан ҳар бир хусусиятга бутунлай ҳозир бўлғон етишгон идора юргузадурғон ишчиларнинг озлиғи катта қийинчиликларни йўқотмоқ зарурдир. Бунинг чораси ерли ишчиларнинг оҳисталик билан ҳозирламоқ ва ярим ҳозир бўлғон ишчиларни овруполи мутахассисларда бутун ўқотиб, ўргатиб, ҳозирламоқ ва ҳоказо... Ҳарбий ва умумий ва бутун ҳукумат аппаратида фақат шундоқ ишчилар, мутахассислар, амалдорлар қоладурларки, улар маҳаллий ҳаётни билсалар ёки уни билмоққа ҳаракат қилғонир ва ерли халқнинг ҳақиқий кайфиятларига ва эҳтиёжларига улуғ вақт кўрсатган ва уларга виждон билан хизмат қиладурғон одамларгина қоладурлар, ҳар ким, кимки ерли халққа ва унинг тилига юқоридан назар қилса, кимки мустамлакачилик феъларини изҳор этса, ундоқ киши фақат Туркистоннинг ҳукумат маҳкамаларидан эмас, балки Бутун Иттифоқнинг ҳукумат идораларидан бераҳмона ҳайдалиши керак.

Бу тўғрида хусусан ҳарбий маҳкамаларга назар қилмоқлик лозимдур.

Комиссарлар ҳам командирлар қизил аскарларни ерли меҳнаткашларга биродарлик тариқасида иттифоқда тарбия қилмоқлари лозим. Қизил полклар Туркистонни истило қилиш учун эмас, балки Туркистоннинг ишчи ва деҳқонларини чет империализм ва уларнинг хабарчиларидан ҳимоя қилмоқда ёрдам қилиш учундир. Бизнинг умумий вазифамиз Туркистон ўзининг миллий қисмларини бино қилишда, Иттифоқ Ҳукуматнинг бутун қизил аскарлари билан қўл улашиб ижтимоий Туркистоннинг мустақил ва дахлсиз таъмин этишга ёрдам этмоқдир.

Орқама-орқа қадам билан, сабот ва тиришиш билан бизнинг умумий кучимиз билан фақат душманларимиз тажоввузиндан ўзимизнинг истиқлолиятимизни чегаралаб олмайин, балки бизнинг жумҳуриятларимизнинг хўжалик сатҳларини кўтарармиз ва ҳам Шўролар Иттифоқининг ҳамма миллатлари орасида ҳақиқий иттифоқлик ва биродарлик ёрдамини таъмин этармиз.

Ишларингизда ҳар бир муваффақиятликни хоҳлайман.

8 май, 1923 йил, Л. Троцкий.*
(«Фарғона» газетаси, 1923 йил, 29 май).

*** Л. Д. Троцкий (Бронштейн) — (1879—1940) — Троцкий хусусида «Ўзбек совет қомуси»да унинг революциядан сўнг партияга оппозицияда бўлганлиги, партиянинг социализм қуришдаги ролини пасайтиришга уринган деб ёзилади. (Қаранг: II том, 315—316 бетлар, 1978 йил). Қайта қуриш муносабати билан Л. Троцкий асарлари қайта нашр этилиб, унинг В. Ленин ҳаёт йиллари (1922—1923) РСФСР инқилобий кенгаши бошлиғи бўлиб ишлаганлиги, партиядаги плюреалистик оқим раҳбари эканлиги ёзилмоқда.**

ҚИММАТЛИ МАКТУБ

(Ўртоқ Троцкий Туркистон жумҳуриятининг Марказий ижроия қўмитаси бошлиғи ўртоқ Хидиралиевга ушбу мактубни юборган).

Ўртоқ ХИДИРАЛИЕВ*га!
1923 йил, 14 октябрь.

Эсизки, менга Ўрта Осиё, Туркистон, Хоразм ва Бухорода бўлиш ҳеч бир насиб бўлмади. Шунинг учун мен Ўрта Осиё павилионининг кўргазмага қўйган нарсаларини ўн қатла диққат билан томоша қилдим.

Қўйилғон нарсалар кўрсатадиларки, агар бу ўлка мактаб, сув, мухобара ва нафлиёт меҳнатининг тўғри тузилиши билан таъмин этилса, ҳеч бир ҳисобиға етиб бўлмайдурғон бойликлар берадур.

Ерли халқнинг маданий савиясини кўтариш уларнинг турмушини яхши кўтармоққа олиб борадур. Аммо моддий тинчликнинг ўсиши омма (кўпчилик)нинг маданий ҳаётларини, келасида юксалиш шароитларини пайдо қиладир.

У ерли аҳолиларнинг ишлари, ҳар гиламлар ишлаб чиқарувчи майда саноатчиликнинг хусусий моҳирлиғига гувоҳлик берадурлар. Бўёғлари равшан-ўткур ҳам ҳар хил, аммо улар кўзни қамаштирадурлар ва аксинча асл мусаввирлик-шодлиқни берадурлар.

Мен қаттиқ ишонаманки, аҳолининг барча миллий қисмларини тўғри-интизомли меҳнатлари орқасида техника ҳам маорифнинг тараққийси тез вақтдами ёки кечроқми Туркистонни, Хоразм ҳам Бухоро билан курраи заминнинг энг ҳуснлик ва бахтлик бурчакларидан бириға айлантирадур.

Л. ТРОЦКИЙ
«Фарғона» газетаси, 1923 йил.

*** Хидиралиев Иноғомжон (1891 йили Наманган шаҳрида туғилиб, 1929 йил Москва область Исковат қишлоғида вафот этган) совет давлат ва партия арбоби... Фарғона область партия комитетининг раиси (1920—21), Туркистон АССРнинг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор вакили, Туркистон АССР МИК раиси (1922—24), СССР ҳарбий инқилобий кенгаши аъзоси (1923—25), Лондонда Совет — Англия музокаралари қатнашчиси (1924), қаранг: «Ўзбек совет қомуси». (12 том), 309—310 бетлар.**

ХАЛҚ ТАБОБАТИДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚМИ?

Руҳият иқлимларида

Бугун Тошкентда Иттифоқ экстрасенслар уюшмасининг навбатдан ташқари қурултойи очилади. Уюшма ўзининг бир ярим йиллик фаолияти давомида халқ табобати усулида даволаш асосларини кенг ёйиш, даволашга ихтисослашган экстрасенслар тайёрлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди. Унинг ҳомийлигида кўплаб шаҳарларда халқ табобати марказлари очилди. Уюшма президенти, Инсониятнинг маънавий бирлиги бўйича халқаро ассоциация вице-президенти Тоҳир Солиев билан суҳбатимиз янги ташкилотнинг «оёққа туриши», шаклланиши билан боғлиқ долзарб масалалари хусусидадир.

— Халқ табобати усуллари маъмуриятчиларнинг қаттиқ қаршиликларига қарамай ҳаётимизда чуқур илдиз отди. Кўпчиликнинг экстрасенсларга ишончи кучайди. Аслида бу хил табобат анъаналари қадим-қадимлардан маълум, у ўзининг тарихий илдизларига эгадир. Минг йиллар бурун ҳам файласуф ва алломалар Ҳиндистон; Хитой, Миср, Ўрта Осиё ҳамда баъзи Европа мамлакатларида ўтган сеҳрли одамлар, уларнинг улкан руҳий-биологик имкониятлари ҳақида сўз юритганлар. Асрлар оша табиат инсонга ато этган мана шу имкониятларни рўёбга чиқариш, ундан кенгроқ фойдаланиш, ривожлантириш ва кучайтиришга қаратилган методик ёндашувлар шаклланиб борди. Масалан, қадимий мисрлик коҳинлар кўзга, кўзнинг рангдор пардасига қараб одамнинг қаери, қайси аъзоси оғриётганини бемалол айтиб бера олганлар. Хитойлик табобатчилар эса қадим замонлардаёқ одамнинг томир уришига қараб аъзои баданнинг ҳолати ҳақида тўкис маълумот ола билганлар. Ҳатто инсон танаси таратаётган ҳидга асосланиб унинг қайси аъзоси касал, эканини аниқлай олганлар.

Инсонга табиат томонидан берилган имкониятлар беқиёсдир. Маданий тараққиёт йўлида фақат гуллаб-яшнашларгина эмас, эришилган нарсаларни бой беришлар ҳам бўлганидек, инсоният тарихи бундай бебаҳо бойликларнинг кўпини унутиб ҳам юборган. Турли даврларда алоҳида хосияти, сеҳрли куч-қудрати бўлган одамлар шаманлар, мунажжимлар, башоратчилар, фолбинлар, табиблар, қаландарлар, дарвешлар, синиқчилар сингари турфа номлар билан атаб келинган. Агар улар яхлит ҳолда олиниб, экстрасенсология ўзининг турли қирралари билан чамбарчас боғлиқликда ўрганилса, инсонга табиат томонидан инъом этилган беназир қобилият — сеҳр-қудратларни кенг кўламда рўёбга чиқариш мумкин бўларди.

Эндиликда бутун жаҳонда касалликларни биодиагностика йўли билан аниқлаш ва даволашнинг қадимда мавжуд бўлган ва ҳозирда ноанъанавий ҳисоблаб келинаётган усулларига қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Бу одамлар ўз имкониятларини тўла англаб етиш, инсон қувваи ҳофизасининг сирларидан кенгроқ воқиф бўлиш ва уни рўёбга чиқаришга бўлган интилишлари билан изоҳланади. Фазоларга йўл очган, коинотнинг турфа бурчакларига кириб борган фан ҳали инсоннинг ўзини ўрганишнинг уддасидан чиқолган эмас. Фаннинг бу йўлда қўйган қадамлари ниҳоятда камтаринонадир. Ҳолбуки, инсоннинг ўзини бутун бир коинот деса бўлади. Биз ҳозирда фаол шуғуллана бошлаган халқ табобати эса бу ғоятда кенг кўламли улкан фаннинг мингдан бир қиррасидир холос.

Ўтган йилнинг 1 апрелида ташкил этилган ва шундан буён бош қароргоҳи Тошкентда жойлашган Иттифоқ экстрасенслар уюшмаси фақат халқ табобати билангина эмас, умуман экстрасенсологиянинг барча қирраларини кенг кўламда ўрганиш ва тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Шу давр ичида қандай ишлар рўёбга чиқарилди?

— Аввало, жуда кўп жойларда, хусусан, Тошкент, Жиззах, Самарқанднинг Булунғур ва Жума шаҳарларида, Хўжанд вилоятининг Ғафуров шаҳрида халқ табобати даволаш марказлари очилди. Ўзбекистонда ва Иттифоқнинг кўплаб жумҳуриятларида экстрасенслар уюшмалари, бир қатор Иттифоқ шаҳарларида эса уюшмага қарашли даволаш марказлари ташкил топди. Тошкент шаҳар ижроқўминнинг қарори билан икки йил муқаддам уюшма ва унинг Абу Али ибн Сино номидаги халқ табобати даволаш маркази қурилиши учун 3,6 гектар ер майдони ажратиб берилган эди. Ҳозир ана шу муҳим қурилиш иншоотини лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Лойиҳалаш ишларига уюшма маблағларидан юз минг сўмдан кўп пул ажратиб берилди. Экстрасенсология муаммолари билан шуғулланувчи лабораториялар очдик, алоҳида хосияти бор одамларни аниқлаш ва уларни тиббий муолажа бериш йўлларида ўқитиш йўлга қўйилди. Бунда, айниқса тиббий маълумоти бўлган кишиларга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Москвадаги «Аэрогеоэко» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ҳам экстрасенсология муаммолари юзасидан қўламли илмий фаолият олиб борилмоқда. Бунда, айниқса, экология вазиятни соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқишга кенг ўрин ажратилган. Ўтган йилнинг декабрь ойида эса Тошкентда «Экстрасенслар — халқ хизматида» деган мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда иттифоқнинг эллик шаҳридан олимлар, врачлар, физиклар, биотерапевтлар, биологлар ва бошқа касб соҳиблари иштирок этишди. Улар орасида СССР халқ депутатлари, Олий Кенгашнинг миллий сиёсат ва миллий муносабатлар комиссияси аъзолари, машҳур академиклар бор эди.

— Сўнгги йилларда экстрасенс ва табобатчиларга эҳтиёж ниҳоятда ошиб кетди. Сиз бунинг сабабларини нималарда деб биласиз?

— Маъмурий буйруқбозликка асосланган совет медицина амалиёти кўп йиллар мобайнида халқ табобатини ноҳалол бир тарзда инкор этиб, энг моҳир ва уста табибларни қатағон этиб келди. Буни ҳамма билади. Халқ табобатини илмий кўламда ўрганиш ва ҳамкорлик асосида ривожланиш йўлидан юз ўгириш барибир яхшиликка олиб бормади. Бунинг устига бизда даволаниш текин деб эълон қилингани ҳолда унга давлат томонидан ажратиладиган маблағ ҳарбий ҳаражатларнинг мингдан бир қисмини ҳам ташкил этмаслиги туфайли тиббиётимиз боши берк кўчага кириб қолди. Сўнгги йилларда бутун Ер юзида, айниқса, коммунистлар етакчилик қилиб келган бизнинг Иттифоқимизда табиатга очкўзлик билан муносабатда бўлиш туфайли экологик вазият танг аҳволга солиб қўйилди. Бу ҳам турфа хил касалликларнинг бир неча бор урчиб кетишига олиб келди. Ана шундай мураккаб вазиятда совет медицинасининг ночорлиги яққол билиниб қолди. Ҳукумат шифохоналаридан, дипломли врачлардан шифо тополмай сарсон бўлган, совет тиббиёт амалиётида илдиз отиб кетган порахўрликдан зада одамлар ноилоҳликдан халқ табобати вакиллари, экстрасенсларга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар.

Бу усулда даволаниш, албатта текин эмас, бироқ одамлар шифо топмасдан сарсон бўлишлар, ойлаб ишга чиқолмаслик оқибатидаги иқтисодий зарарлар, совға-салом ниқобидаги пора беришлар ўрнига пуллик бўлса-да тез ва малакали шифо олишни маъқул кўрдилар. Мана шу ҳол экстрасенсология, бинобарин халқ табобатининг ҳаётимизда кенг ўрин тутишига олиб келди. Ўйлайманки, бу табиий жараён. Унинг йўлига ғов бўлмаслик керак. Халқ кимга бориб даволанишни ўзи ҳал қилсин. Уни бу ҳуқуқдан маҳрум этмаслигимиз керак. Қолаверса, бу ўз навбатида ҳукуматга тегишли шифо масканларидаги навбат кутишларни камайтиришга, тиббий муассасаларнинг зўриқиб ишлашини олдини олишга имкон беради. Ҳукумат тиббиёт соҳасига арзимаган маблағ ажратиб турган бир шароитда улардаги вазиятнинг ўзини соғломлаштиришга кўмаклашиш мақсадга мувофиқ эмасми?

Энди яна бир омилни эътиборга олайлик: расмий тиббиёт ҳамон ўзини мақтаб, халқ табобатини инкор этаётир. Экстрасенслар эса расмий тиббиётнинг айрим номига шифокор бўлиб юрган уқувсизлари устидан кулмоқда. Ҳар икки томон ўзича ҳақ. Шундай бир шароитда биз холис ҳукм чиқаришни халқнинг ўзига қўйиб берайлик. Ҳеч бир томонга ён босмайлик. Ахир бугун ҳатто президентларни сайлаш, қандай Иттифоққа қўшилиш ёки қўшилмаслик масалалари ҳам халқ билан бамаслаҳат, референдумлар, сайловлар йўли билан ҳал қилинмоқда-ку! Менга қолса халқ табобати ҳам, замонавий тиббиёт фани ҳам бирбирини асло инкор этмаган ҳолда, ўзаро яқин ҳамкорликда бир-бирини бойитиб халқнинг хизматини қилиши, эл соғлиғини ўйлаши керак. Ҳолбуки, Хитой, Шимолий Қурия, Вьетнам ва бошқа мамлакатларда халқ табобатчилари замонавий тиббиёт амалиёти билан ҳамкорликда ниҳоятда самарали ишлаб келмоқда. Бизнинг Иттифоқ экстрасенслар уюшмасини тузишдан мақсадимиз ҳам Ўрта Осиёда, умуман иттифоқимизнинг турли минтақаларида қадимий анъаналари бўлган халқ табобатини жонлантириш ва ҳозирги тиббиётимизга муайян ёрдам беришдан иборатдир. Айрим малакали врачлар, ҳатто тиббиётчи олимларнинг экстрасенслар, халқ табобати вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Фақат тиббиётимизга ташкилий раҳбарликни амалга оширувчи маҳкамалар соғликни сақлаш ишларидаги ҳокими мутлақликни кучайтириш ниятида ҳамон экстрасенсларни обрўсизлантириш, тазйиқ ўтказишга зўр бериб уринмоқдалар.

— Бунга айрим номига экстрасенс бўлиб олганлар ҳам сабабчи бўлаётгани йўқмикан?

— Бўлиши мумкин. Биз бундан кўз юмаётганимиз йўқ. Бироқ ундайлар дипломли шифокорлар орасида камми? Наҳотки, оқни оқ, қорани қора дейиш шунчалик мушкул иш бўлса?! Сохта табибларни фош этишдан бизнинг ўзимиз кўпроқ манфаатдормиз. Чунки улар ҳалол экстрасенс ва халқ табобати вакиллари шаънига доғ тушириб, уларга нисбатан ишончсизлик туғилишига сабабчи бўладилар, эл соғлиғи йўлидаги фидойи меҳнатларини йўққа чиқарадилар.

Шуни ҳам айтмоқ керакки, ҳозирги пайтда мамлакатда қисқа муддатда экстрасенс «тайёрлаб берувчи» муассасалар кўпайиб қолди. Иттифоқ «Билим» жамияти, собиқ Комсомол Марказий қўмитаси, турли кооперативлар бу иш билан шуғулланиб, ҳамма ёқни экстрасенс босиб кетди. Уларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг уюшма аъзоси эмас. Шундай бўлгач, биз улар учун жавоб бера олмаймиз. Иттифоқ экстрасенслар уюшмаси фақат ўз аъзоларининггина ишига масъулдир. Сохта табибларни аниқ тутиб, айбини исботлаб бўйнига қўйиш, бинобарин, уларнинг қандай жамоага тегишли эканлигини суриштириш тўғрироқ бўлур эди. Бизда эса бунинг ўрнига умуман барча табобатчиларни ёмонотлиқ қилиш, уларга мутлақо йўл бермаслик сари оғиб кетиляпти. Бу адолатдан эмас. Мана сизга аниқ мисоллар: жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар кенгаши ва Октябрь районининг айрим раҳбарлари томонидан Иттифоқ экстрасенслар уюшмасининг Тошкентдаги бош қароргоҳини ёпиб қўйишга кўп бор уриниб кўрилди. Бу ишга ички ишлар ходимлари сафарбар этилди. Улар ҳеч бир асоссиз ҳолда Чилонзорнинг 20-кварталида жойлашган қароргоҳимизда ишни тўхтатишни қўполлик билан талаб қилдилар. Ахийри район ижроқўми қистови билан «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори У. Султонов бинони ижарага бериш тўғрисида уюшма билан тузилган шартномани бекор қилишга мажбур бўлди. Шаҳар ижроқўми эса шундан сўнг бизнинг уюшмага бино ажратиш тўғрисидаги илтимосларимизни турли сабаблар билан натижасиз қолдириб келди. Сал кам икки йил ичида қароргоҳимизни тўрт марта ўзгартиришга мажбур бўлдик. Ҳамиша қувғин ва таъқиб остида фаолият олиб боришимизга тўғри келди. «Феномен» деган газета чиқармоқчи эдик, у рўйхатдан ўтказилмади. Уюшманинг банкдаги ҳисоби ва иқтисодий фаолияти текширувлардан ўтказилди. Ҳатто минглаб беморларни даволаш ҳисобига йиғилган маблағларни олиб қўйиш ҳоллари бўлди... Шунга қарамай, биз ғоят қийинчилик билан бўлсада ўз фаолиятимизни давом эттирмоқдамиз.

Уюшмамиз кўп жиҳатдан хайрия ташкилоти ҳам ҳисобланади. Даволаш-муолажа ишларидан ташқари олиб борган хайрия тадбирларимизнинг ўзи ҳам уюшманинг халқ манфаатларига нечоғлик яқинлигидан далолат беради. Масалан, Оролбўйидаги танг экологик вазият туфайли келиб чиққан оғир касалликлардан азият чекканларга ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида уюшма маблағлари ҳисобига халқ табобати маркази қуриш лозим деб топилди. Биз ана шу муҳим шифо маскани қурилиши учун юз минг сўмдан кўпроқ маблағ ажратиб бердик. Тожикистоннинг Ғафуров шаҳридаги халқ табобати марказига ҳам уюшманинг умумий маблағларидан олтмиш минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Янгиобод маҳалласи меҳнат фахрийлари ва кўп болали оналарига, Гагарин номидаги 98-мактаб-интернатда тарбияланувчи етим болаларга, Москва шаҳрида яшовчи озарбойжонлик қочоқлар ҳамда А. Д. Сахаров номидаги Раҳм-шафқат ва ижтимоий ҳимоя Орденига, Сочи шаҳридаги табиий офатлардан шикастланган болалар соғлиғини тиклаш маркази қурилишига, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ўзбекистонлик хавфсизлик ходимлари оиласи, улуғ Ватан уруши ва Афғонистондаги уруш ногиронларига, яна кўплаб муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатдик. Бу тадбирлар бизнинг халқ ташвишларидан четда эмаслигимизни билдиради.

Албатта, бизнинг бош мақсадимиз касалларни даволаш ёки муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатишнинг ўзидангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Энг муҳими, касалликларнинг олдини олиш, уни туғдирувчи ноқулай омилларни бартараф этишдир. Ҳозир биз шу йўналишда ҳам фаолият олиб бормоқдамиз. Зотан, барчамизнинг она-Ер, табиат олдидаги фарзандлик бурчимиз шу пок заминни турли эпидемиялар, фалокатлар, экологик офатлардан асраб қолиш, инсонга шу заминда ҳадсиз касалликлардан азият чекавермасдан яйраб яшаш имконини бермоқ, бунинг учун курашмоқдир. Бу барча фанлар қатори экстрасенсологиянинг ҳам туб вазифаларига киради. Афсуски, буни ҳаммамиз ҳам теран ва тугал англаб ололганимиз йўқ. Шунинг натижасида кўпинча ўзимизнинг оёғимизга ўзимиз «тушов» солиб қўямиз.

Биз Иттифоқ экстрасенсларининг навбатдан ташқари қурултойида ана шу масалалар атрофида батафсил фикрлашиб олмоқчимиз. Олдимизда турган муаммоларни биргаликда ҳал этиш, турли хил тазйиқлар ва маъмурий тўсиқларни синдириш ва уларни бирлаштириш йўлларини излаймиз.

Суҳбатдош: **М. АБДУЛЛАЕВ**

Уюшма президенти Тоҳир Солиев ва башоратчи Мукаррамхон Тўхтиева.

ДЎРМОНДА ИЛК ҚОР

Ноябрнинг сўнгги заъфарон кунлари. Умри узоқ чинорлару, қўш арғувон барглари табиатнинг минг бир ранги билан қўшилиб товланади. Кечга бориб ҳаво ўзгариб, бу кекса дарахтлар ҳарир парда ортида йўқолди. Сўнг, Миртемир домла айтмоқчи, рутубат томчилари тўкилди. Йўқ, рутубат эмас, илк қор муждалари экан. Бир зумда бу муждалар ортидан қорнинг кумуш тангалари сочила бошлади. Гўё оппоқ кабутарлар қанот қоқиб, аста-аста ер бағрига келиб қўнар эди. Бундай гўзал манзарани кўриш учунгина ҳам дунёга келиши керак инсон! Дўрмоннинг чинорлари сочида оқ кўпайиб борарди. Бора-бора муштипар чинорлар сочи оппоқ бўлиб оқарди. Ерга оқ ҳарир гилам тўшалди. Кўкда ҳамон оқ кабутарлар учмоқда...

Дўрмондаги ижод боғида саратон кунлари бир гуруҳ адабиётшунос олимлар ва педагоглар ўзбек адабиёти бўйича мактаблар учун янги дастур лойиҳасини ишлаб чиққан эдилар. Шу кунларда улар мазкур дастур асосида янги дарслик ва тазкиралар устида қизғин иш олиб борардилар. Аҳил даврада ҳамиша ижод иқлими, баҳс иқлими, нафосат иқлими ҳукмрон. Мана, бугун ҳам икки-уч олим бир хонада суҳбат қуриб, ўзбекнинг «қорҳат» ёзиш удумини эслашди. Улар «қорҳат»ни ижодий гуруҳ раҳбари профессор Умарали Норматовга «Маърифат» рўзномасининг орасига қўйиб беришмоқчи бўлишди. Шундай бўлди ҳам. Табиатнинг ажиб гўзаллигидан лол қолиб, дарсликнинг навбатдаги бобини адоғига етказаётган, ҳамиша ўз режалари билан ящаб дўстлар ҳазилининг тўрига кутилмаганда «илиниб қолувчи» соддадил, заҳматкаш, камтарин олим бу сафар ҳам «қорҳат»га тушди.

Қуйида муштарийлар эътиборига ҳавола этилаётган «қорҳат» Халқ таълими вазирлиги жумҳурият ўқув-методика марказининг масъул ходими, филология фанлари номзоди Бахтиёр Қурбонбоев ва Ғафур Ғулом номидаги Сирдарё Давлат педагогика олийгоҳининг доценти Қозоқбой Йўлдошев қаламига мансуб бўлиб, унда тилга олинган «улфат»лар Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, ТошДД профессори Бегали Қосимов, СамДД профессори Исроил Мирзаевдир. Уни ўқиган дўст-ёрлар якшанба оқшомида Дўрмонга, серҳиммат Умарали Норматов ёзмоқчи бўлган дастурхонга марҳамат қилишлари мумкин.

Илова. Ушбу хабар қалам ҳақини Умарали Норматовга йўллашингизни сўрайман. Дастурхонга менинг ҳам жиндек ҳиссам бўлсин, деб

Наим КАРИМОВ

ҚОРХАТ

Ассалом, домлажон, омон бормисиз,
Даштда қор ёғмоқда, хабардормисиз?
Эскидан бор одат — қорхат ёзмоқлик,
Сизга бурч бўлса бас бажо этмоқлик.

Шартимиз оғирмас, кўп ҳам ўйланманг,
Қорхат қўлга теккач, сўкиб-сўйланманг,
Устоз Сайдаҳмаддай, бир ош ясарсиз,
Устига аямай қўй гўшт босарсиз.

Фаромуш бўлмасин арақ — ҳақиқат,
Кўп бўлса, Шукур ака айтилғай, албат.
Бозор нархларидан қўрқиб кетмангиз,
Наим Каримовни хафа этмангиз.

Ушбу хат унга ҳам тегишли бирдай,
Қалам ҳақи тўланса бўлади қирдай.
Шарт шудир: хат олиб борган кишини
Тутиб синдирсангиз майли тишини.

Акс ҳолда ютқизиқ келмасин малол,
Кўчада ош ейлик, чунки у ҳалол.
Кушойиш қилдилар қорхат ёзгали,
Исроил, Бахтиёр ҳамда Бегали.

1991 йил, 20 ноябрь, соат 19.55

«Қорхат» билан танишгач, Шукур Холмирзаев қуйидаги тўртликни илова қилди.

Жиндак-жиндак отар эдим ишдан кейин,
Шундаям ой, ҳафта ўтиб, тушдан кейин.
Кўп кўрдинглар, иложим йўқ, ташлайман-е,
Норматов берадиган шу ошдан кейин...

Мурод РАҲМОН

СОВҒА ОЛАСИЗМИ?

(Интермедия)

Бозор. Кўринишидан сипо кийиниб олган қўнғиз мўйловли йигит гоҳ ҳадиксираб, гоҳ ошкора костюмининг ички чўнтакларидаги камёб нарсаларни ўтган-кетганга кўрсатиб мақтаб қўяди.

ЙИГИТ — Кеп қолинг, кеп қолинг, байрам совғасидан оп қолинг! **(Ёнидан ўтаётган кишини тўхтатиб.)** Ҳой ака, бир минутга тўхтанг. Сизга қалам керакми?

ЙЎЛОВЧИ — Қалам?!

ЙИГИТ — Ҳа, қаранг, қоп-қора, «Живопись».

ЙЎЛОВЧИ — Уни нима қиламан?

ЙИГИТ — Қошу-кўзингизни, э, кечирасиз, келин аямни қошу-кўзини қаро қилади, қалам қошлар қайрилганда, қаро кўзлар сузилганда юрагингизни бежо қилади. Оласизми, атиги ўн сўм!

ЙЎЛОВЧИ — Ё тавба, 5 тийинлик қалам-а?! Бизнинг оилада ҳеч ким қаламга муҳтож эмас! **(Кетади.)**

ЙИГИТ — Ҳой ака, шошманг, балки синглингизга пудра оларсиз. Французларники!

ЙЎЛОВЧИ — Э, қоч-э! Чайқовчи!

ЙИГИТ — Оббо, кетворди-ю. И-е, ана яна биттаси келяпти. Амаки, сизни бир минутга мумкинми?

АМАКИ — Бир минутга бўлса, мумкин. Хўш, хизмат?

ЙИГИТ — Ҳар ҳолда қизларингиз учун байрамга совга қидираётган бўлсангиз керак, а? Мана, бизда борда...

АМАКИ — А, нима бор?

ЙИГИТ — Ҳаммасидан бор... Эрон рўмоли дейсизми, ёки арабча кўйлак керакми? Бомбей духийси дейсизми? Балки симли кофта оларсиз?

АМАКИ — Кечирасиз, ука, мен байрамга ҳамма совғаларни олиб бўлганман!

ЙИГИТ — Ростдан-а, вой, қаердан топдингиз?

АМАКИ — Топдим-да.

ЙИГИТ — Афсус, афсус, менда аёллар учун ажойиб совғалар бор эди-я, шошманг, балки 37 размерли найза пошна туфли керакдир? Ёки чех катмонидан оларсиз — совғага?

АМАКИ — Менинг қизларим унақа матоҳларга қизиқишмайди.

ЙИГИТ — Балки ноёб чойнак-пиёлалардан...

АМАКИ — Керак эмас!

ЙИГИТ — Шошманг, мунча шошасиз, амаки, наҳотки сим-сим кўйлак, импортний зираклар сизни қизиқтирмайди?

АМАКИ — Унақа нарсалар керак эмас, дедим-ку сизга. Қанақа гапга тушунмайдиган одамсиз, қочинг!

ЙИГИТ — Вой, амаки, нега жаҳл қиласиз? Ахир менда жуда ноёб материаллар бор. Японияники, Югославияники...

АМАКИ — Бўлса бўлар, мени нима ишим бор!

ЙИГИТ — Ҳеч бўлмаса, келин аямга шампун ола қолинг, 15 сўмдан, нечта берай?

АМАКИ — **(асабий).** Менга қара, ука, сенда мабодо ошқовоқ йўқми?

ЙИГИТ — Бор! И-е, қанақа ошқовоқ? Тушунмадим!

АМАКИ — Балки сумкангда ўсма сиқадиган асбоб ҳам бордир!

ЙИГИТ — Қанақа ўсма? Ҳа, хина денг, чет элники, а? Менда йўқ! **(кета бошлайди).**

АМАКИ — **(жаҳл билан)** — Шошма! Менга қопқон керак. Битта қопқон топиб бер, кейин қўйиб юбораман! **(Қўлидан маҳкам ушлаб олади).**

ЙИГИТ — **(ҳайрон)** — Қопқон?! И-е, қопқонни ҳам ноёби чиқибдими?

АМАКИ — Топасанми?

ЙИГИТ — **(қўрқиб)** — И-е, нима қиласиз уни?

АМАКИ — Сенга ўхшаган текинтомоқ каламушларни илинтираман! Қани, олдимга туш!

ЙИГИТ — **(бирдан йиғламсираб)** — Э, кечирасиз, т-т-а-ака, э, тоға... Энди... ҳеч... танимабман! Э, асли булар меники эмас!.. К-кечиринг!..

АМАКИ — Юравер, ҳаммасини аниқлаймиз, жиян! **(Етаклаб олиб кетади).**

Рассом Р. ЭГАМБЕРДИЕВ

ТОЙЧОҚ

Мен — тойчоқман,
кишнайман.

Ўз қорнимга
ишлайман.

Ҳой, учқурлар,
қўл беринг,

от бўлмоққа
йўл беринг.

МУСИЧА

Айвондаги
мусича
кукулайди
ўзича:
Уй қурибсиз
кўнглим тўқ,
бу даргоҳдан
кетгим йўқ.
Айвон, пештоқ
шай экан,
Полопонга
жой экан.
Сийладингиз
дон билан,
биз қолурмиз
жон билан.

ТОВУС

Биз тўрт фасл
янгимиз,
Камалакдир
рангимиз.

Кўзлар кўриб
яшнагай.
Юракдан куй
бошлагай.

Оламда йўқ
бу тасвир,
Мен ўзимман
мусаввир.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЁҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Жаҳонгир НАҲАНОВ
Босмахонага топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 20.00

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма 6299. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12